

Адиб
ба
жамият

ЭРГАШ МУҲАММАД
АТОРУХ

ЯРАДОР ЮРАК

*Шеърлар,
манзумалар,
достонлар*



ЭРГАШ МУҲАММАД
АТОРУҲ

ЯРАДОР ЮРАК

Шеърлар, манзумалар, достонлар

и норзинчалар

Сабаки

Таджик



ТОШКЕНТ
“ADABIYOT”
2021

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ў)7

М 96

Эргаш Муҳаммад Аторуҳ

М 96 **Ярадор юрак** [Матн]: / Шеърлар, манзумалар, достонлар.

Эргаш Муҳаммад Аторуҳ. – Тошкент: «Adabiyot» нашриёти,
2021. – 320 б.

ISBN 978-9943-6781-6-3

Масъул муҳаррир

Шоди Отамурод,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Шоир – кўнгил қуйчиси. Шеърлари мусиқа ноталари
каби ранг-баранг ва жозибадор. Бу бежизга эмас.
Эргаш Муҳаммад шеърларини ўқигандаги беихтиёр шу
холосага келасиз.

Табиат ва жамият ўртасидаги уйғунликни англаған
ижодкорнинг ўзига хос оҳанги, шунингдек, кутилмаган
фалсафаси сизни ҳам шеърларига ошно этади. Турли
мавзуларни қамраган шеъру манзумалар, достонлар
сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

ISBN 978-9943-6781-6-3

© Э. Муҳаммад Аторуҳ, 2021

© “ADABIYOT”, 2021

СҮЗ БЕРИНГ МЕНГА

Ш Е Ъ Р Л А Р

Қанча қутурмасин баъзан жаҳолат,
Адолат қўрғонин бўлмагай олиб.
Бор экан дунёда токи адолат,
Халқ умид-ишончи келади ғолиб!



ЛАБИМДАГИ ҚЎШИҚ

Мехрим жўшган пайтлари,
Қаҳрим жўшган пайтлари
Тутилиб
Қолади тиллар,
Тилда ютилиб
Қолади диллар.

Зўрға чиққан сўзнинг ҳам
Умри калта,
Боши ҳам:
Сўзнинг кўзин этиб таҳрир,
Қош қўяди муҳаррир.

Йўқ, ҳеч кимнинг айби йўқ,
Айбнинг бари тилдадир.
Тилга кўчмай қолган чўғ,
Ёниқ сўзлар дилдадир.

Тилга бўлмас ишониб,
Лабга қулоқ осмоқ керак.
Лаблар сўзлайди ёниб,
Лабларга кўчади юрак.

Тингланг лаблар сўзлаганда,
Қамишларни най қилиб.
Найда лаблар бўзлаганда,
Қалбни ичар май қилиб.

Икки кўнгил юташганда,
Қайноқ лаблар туташганда,
Ахир унинг сўзларига
Ким инонмаган,
Ким ёнмаган?!

Юртим, сен ҳам лабимга инган
 Ёниқ уфқсан!
 Қайноқ бўса каби кезинган
 Лабимдаги қўшиқсан!
 Мангу ёниқ қўшиқсан!

1974 йил, 3 февраль

КЕЧИРМАСМАН

Севар ҳар ким ёр кўнглин билиб,
 Кўнгилсиз ёр – кўзга тушган чўп.
 Аммо нетай, севиб-севилиб,
 Муҳаббатда адашган ҳам кўп.

Кечиргайман ким айлаб хато,
 Айро тушса ишқдан – ёридан.
 Кечирмасман ҳеч кимни, аммо
 Айро тушса гар диёридан!





БАҲОР СЕВГИСИ

Тунда юлдузларни ичар булоқлар,
Кундуз кўкатларга улашар жамол.
Дарёлар севгисин тилар ўтлоқлар,
Мажнунтол соchlарин силайди шамол.

Дараҳтлардан бўйлар баҳор севгиси,
Барглар ҳовучидан тўкилар бўса.
Гуллардан анқийди муҳаббат иси,
Ўсмада қошларнинг чиройи ўсар.

Сойларда пишқирап соғинчим оти,
Майсалар кўрпаси чорлайди мени.
Мен сени қўмсайман майсада ётиб,
Ёрим, қайга боқсам эслатар сени.

Юлдузинг излайман чалқанча ётиб,
Сенсиз кезиб юрар ёнимда баҳор.
Майсалар кўрпаси танимга ботиб,
Мен сени кутаман ҳар кеч, ҳар наҳор.

Нафасинг уфурар баҳор тунлари,
Висол эпкинлари улашади tot.
Сен бўлиб жилмаяр баҳор кунлари,
Кел, ёрим, кўксимда баҳорни уйғот.

Баҳор билан бирга кезайлик, ёрим,
Соғинчларни ичсин висол булоғи.
Кел, кутиб олайлик севги баҳорин,
Кулф уриб гулласин кўнглимиз боғи.

Менга ўхшаб кетар энтиккан баҳор,
Гулдурак гулдурап ненидир йўқлаб.



Баҳорга севгимни этаман изҳор,
Баҳор булутлари юборар йиғлаб.

Рашкинг келмасин деб – қўзларим йўлдир,
Ёмғирдан ўзимни олиб қочаман.
Ниҳоят, кўриндинг, уст-бошинг ҳўлдир,
Баҳор билан бирга қучоқ очаман.

2003 йил, 18 январь

УМР ЙЎЛДОШИМГА

Мен сени аядим, қўздек аядим,
Сен менинг ўзимсан, ўздек аядим.
Сўз менинг бойлигим, ҳар бир сўз гавҳар,
Мен сени аядим, сўздек аядим.



ҚАЙТИШ

Қайтдим, дўстлар, ижодга қайтдим,
Ён бермоқда мажруҳлик пайтим.
Сўз жилови қўлимда тағин,
Тағин, дўстлар, Ҳақ сўзин айтдим.

Кунлар ўтди – жавдираб кўзим,
Тилдан қолдим, йўқотдим сўзим.
Кунлар ўтди – тополмасдан жой,
Беркиндим мен ўзимга-ўзим.

Мушкул бўлди Эрк тонгин қутиш,
Мушкул кечди ундан ҳам – ўтиш.
Ўтиш даври судралар ҳамон,
Мумкин эмас умрни тутиш.

Йўл олислар ёру дўстимдан,
Хабари йўқ қами-кўстимдан.
Менга боқмай югуради вақт –
Давр юки босар устимдан.

Уйга қувса қишининг совуғи,
Уйдан ҳайдар қўшним товуғи –
Буғдой қопни чўқилаб тешар,
Талондадир ризқим уруғи.

Совуқ менинг ризқимни қияр,
Қишининг ўзи таловни сурар.
Қалам олдим баҳорни қўмсаб,
Наҳотки, қиш тилимни тияр!

Қайтдим, дўстлар, ижодга қайтдим,
Бардан тортманг руҳланган пайтим.
Сўз жилови қўлимда тағин,
Тағин, дўстлар, Ҳақ сўзин айтдим.

2003 йил, 15 январь



ПОРА

Еб битирди имонни пора,
 У маҳлуққа ким топар чора.
 Бўғай десам гирибонидан,
 Олис эрур бизларнинг ора.

Аммо унинг қўллари узун,
 Чанг солади бамисли қузғун.
 Ҳар қадамда чалиб йиқитар,
 Қишида қор ҳам тўйдирмас қўзин.

Порахўрлар эл қаддин буқди,
 Номус-орни тут каби тўқди.
 Пул топмаса порага агар,
 Ҳатто хотин-қизларин тиқди.

Бу ботқоққа шоир ҳам ботди,
 Мансабни деб сўзини сотди.
 Пастда туриб кўрсатса пулни,
 Том устидан ўзини отди.

Борин сотиб ер олар деҳқон,
 Мажбуриятдан ортмайди хирмон.
 Пора олиб қарз берар банкир,
 Бошлар уни инқироз томон.

Ишчилар ҳам мансабдор қули,
 Иш тополмаса бўлмаса пули.
 Тунга ҳамроҳ гўрков ҳам букун -
 Марҳум тишин олади юлиб.

Порахўрлар олинар ишдан,
 Янги раҳбар чиқмайди қишидан -
 Куриб олар темирдан эшик,
 Пора кутмас энди тирқишидан.

Порахўрлар кўп бор тутилди,
Қамоқ деган хукм кутилди:
“Инсонпарвар” бизларда қонун,
Пора бериб бари қутилди.

Еб битирди имонни пора,
Йўқотишга йўқ менда чора.
Бўғай десам гирибонидан,
Олис эрур бизларнинг ора.

2003 иил, 16 январь

НАДИР

Кўқдан узилиб
Ўрмону тўқайзорларни куйдирган
Яшиннинг кучи надир,
Ер қаъридан
Тоғларни қўпориб отилган
Вулқонлар қудрати надир,
Денгизу уммонларни жойидан қўпориб
Кўкка улоқтирган
Довулу тўғонлар қудрати надир,
Надир Ватанга бўлган муҳаббатим
Кудрати олдида.



КҮНГИЛ МУЛКИ

Бу дунёда мулкдорларнинг кўпини кўрдим,
Салласига нафс ўраган сўфини кўрдим.
Тилёғлама тилларидан томса ҳамки бол,
Кўлларида чоҳ чуқалар чўпини кўрдим.

Тайёрига айёrlарни дерлар тулкидир,
Бундай қилиқ ҳақгўй учун ётдир, кулгидир.
Қалб бойлиги инсонларни улуғлар мудом,
Ишқу вафо, меҳру имон кўнгил мулкидир.

Ўзлигини асрай олган инсон ўзиdir,
Кўнгил мулкин қўриқчиси унинг кўзиdir.
Юрагидан меҳру шафқат таратар бўлса,
Кўнгил мулкин қулф-калити иссиқ сўзиdir.

2005 йил, 2 декабрь

ХАЁЛ ВА РЎЁБ

Элма-эл юргурган дарёлар бедор,
Дунёни оқартмоқ орзу-аъмоли –
Ёз чоғи буғланиб, қишда ёққан қор –
Дарёларнинг ўша оппоқ хаёли.



ЧЕГАРАЧИ ЎЙЛАРИ

Қоқ ярим тун. Олам уйқуда,
Сирга тўла гунг бир сукунат.
Яшасин деб халқим осуда,
Бир менгина уйғоқман фақат.

Йироқларга қадалган нигоҳ,
Кўшилолмас киприкка киприк.
Шитир этса майсалар ногоҳ,
Хушёр тортиб, оламан ҳадик.

Бўлса ҳамки агар у шамол,
Тўғрилайман автомат оғзин.
Ҳозир менга бегона хаёл,
Ўйлолмайман ёримнинг нозин.

Халал берар ахир бундай пайт
Ёр хаёли, она соғинчи.
Атрофимга боқсам сал лоқайд,
Хавфда қолар Ватаним тинчи.

Маъзур тутинг мени, отажон,
Ўйлолмайман сизни ҳам қониб.
Чегарага соқчиман бу он,
Ватан мени қўйган ишониб.

Сехролмас ширин тушлар ҳам,
Фикрим бўлмас на гул, на осмон.
Учиб ўтган оддий қушлар ҳам
Уйғотади кўнглимда гумон.

Қани энди, дунё тинч бўлиб,
Хавфсиз бўлса бутун чегара.
Диллар дўстлик меҳрига тўлиб,
Бўлмаса ҳеч юраги қора.

Бир отанинг боласи каби
 Яшасалар жамики инсон:
 Тинч бўларди одамлар қалби,
 Тинч бўларди бу кўхна жаҳон!

СЎЗ БЕРИНГ МЕНГА

Қайдадир ётибди битикли тошлар,
 Илк одам кашфини яшириб ҳамон.
 Даврлар элларни ҳар томон бошлар,
 Ҳар тусда товланар тарих ва замон:
 Гоҳо Момо Ҳаво, гоҳ Одам Ато
 Бошланғич ҳаётнинг қўлидан тутди.
 Сўнг улар бирма-бир бўлдилар жудо,
 Илк ҳаёт маймунлар қўлига ўтди.
 Аждодимиз чиндан бўлганми маймун?
 Ибтидо тил тишлаб чекинар нега?!

Ибтидо номидан сўзламак учун
 Сўз сўрайман бу кун!
 Сўз беринг менга!

Ер шари чарх урар: битган йўқ ҳануз
 Елкасидан атом очган жароҳат.
 Атомлар этмоқда ҳамон тажовуз,
 Гимиirlар хавф солиб чексиз бир офат.
 Гўё бир атомдек Ер шарин ўзи
 Коинот қўксига тураги омонат.
 Агар у портласа қолмагай изи,
 Ер шари тарқагай туманга монанд.
 Наҳот, келажаги бир ҳовуч кукун?
 Ер шари тил тишлаб чирпирад нега?!

Ер шари номидан сўзламак учун
 Сўз сўрайман бу кун!
 Сўз беринг менга!

Ракеталар кўкка учар кетма-кет,
“Сирли йўлдош”лардан само ҳам тажанг.
Турса ҳам Ер билан Осмон бетма-бет,
Бетинг-юзинг демай солинмақда чанг.
Қоплаб самоватни ҳар хил рутубат,
Чечакдай тошмоқда кўксига жафо.
Каммиди она Ер чеккан уқубат,
Нетар эди Осмон турса мусаффо.
Нечун йиғламоқда юлдузлар беун,
Самовот тил тишлаб тисланар нега?
Самовот номидан сўзламак учун
Сўз сўрайман бу кун!
Сўз беринг менга!

Ҳар ким келажакни тушунар ҳар хил,
Некбин наздида у энг порлоқ кунлар.
Охират деб билар эртани жоҳил,
Бугунги сафосин ўйлар малъунлар.
Келажакни ҳеч ким айтольмас аниқ,
Айта олар фақат эртанинг ўзи.
Ўйлаб кўрсанг, ахир, ибтидо янглиғ
Мавҳум тушунчадир келажак сўзи.
Ким енгиб чиқади: некбинми, малъун?
Истиқбол олдинга жим қочар нега?
Истиқбол номидан сўзламак учун
Сўз сўрайман бу кун!
Сўз беринг менга!

Лекин айтиб қўяй, бу дунё одил,
Доим енгиб келган қора қучни оқ.
Ғуборлар тарқалиб ёришадир дил
Ёрқин умидларни ким қилса байроқ.
Қанча қутурмасин баъзан жаҳолат,
Адолат кўрғонин бўлмайди олиб.
Бор экан дунёда токи адолат,
Халқ умид-ишенчи келади ғолиб.

Ҳис этиб турибман шу ишонч кучин,
 Адолат ҳукмини чиқармай нега?!

Адолат номидан сўзламак учун
 Сўз сўрайман бу кун!
 Сўз беринг менга!

РОЗ

Чекар эди юртим азият,
 Қай бир маҳкум қилмас ҳур ният:
 Чорлаган чоғ сохта инқилоб,
 Ваъда бериб элга ҳуррият –
 Ҳайқирганда ўн еттинчи йил,
 Лаббай деди эркка ташна дил,
 Мустамлака зулмин итқитиб,
 Яшаш учун озод, мустақил,
 Халқим, сен ҳам қўзғалган эдинг,
 Лек бир-биринг гўштингни единг.

Қонхўр подшо отиб ташланди,
 Бой-буржуйлар кўзи ёшланди.
 Эвоҳ, лекин бу қай кўргулик,
 Фуқаролар жангни бошланди.
 Лақма ўғил отасин сотди,
 Босмачи деб оғасин отди.
 Ҳаттоки, у, жон ато этган
 Онасига тош бўлиб ботди.
 Ҳақталаб дўст қонин тўқди у,
 Халқим, сенинг белинг буқди у.

Лақмаларга кўп эди шерик,
 Ажратмади соғми ё “чирик”,
 Дуч келганин қийратди улар,
 Донолар ҳам қолмади тирик.
 Лақмаларга қолганда замон,
 Англаганда ўзлигин Чўлпон,



Чорлаганда илмга Фитрат,
Қидирганда Қодирий имон,
Қатағондан кўзларинг тинди,
Не таёқлар бошингда синди.

Урилса ҳам бошингга девор,
Неча бора чексанг ҳам озор,
Миянг гангиб ёрилса ҳам бош,
Очилмади кўзларинг бир бор.
Ва ноилож бошингни эгдинг,
Мутеликнинг уруғин экдинг,
Босиб кетди юртни мутелик,
Зомбиликдан кўп ситам чекдинг.
Ғанимларинг кўтариб кўкка,
Тушдинг ўзинг қошида чўқقا.

Қилолмайин ўзни саришта,
Ишсизлар кўп дедик хорижда.
Яхши яшар ишсизлар биздан
Нью-Йорк, Лондон ёки Парижда.
Тўқ ишсизнинг келтириб “суқин”,
Олдинг, халқим, меҳнат ҳуқуқин.
Пахта териб тонгдан шом қадар,
Ўтдинг ялаб товоқлар юқин.
Сенинг бошқа ҳуқуқинг йўқдир,
Меҳнатингдан чаноқлар тўқдир.

Тўқдир фақат баъзи хўралар –
Нафси палак отган тўралар.
Давлат мулкин егани етмай,
Ҳатто деҳқон оғзин мўралар.
Оғзидагин нафақат деҳқон,
Чаноқлар ҳам олдирап ҳар он.
Карвонларни тўлдириб мудом
Хосил эмас, юкланаар армон.
Армонинг, халқ, бўлмайди адок,
Кўлинг янглиғ қалбинг ҳам қадоқ.

Лекин ундан чекмайсан қадар,
 Меңнат – бахт деб ўргатган падар.
 Меңнат қилиб, халқым, еринг ҳам
 Заңар ютди бүғзига қадар.
 Ермас, сен ҳам оғуга түйдинг,
 Ўз-ўзингни пичоқсиз сўйдинг.
 Нафси палак отганларингга
 Оролингни бой бериб қўйдинг.
 Қаён боқсам шўрғалар шўринг,
 Кўрмасликка оламан кўриб.

Кўрмаслиқдан йўқ ўзга чора,
 Кўрсанг, юзга суртишар қора.
 Халқим, ахир шу кунга довур
 Йўл топмайин бўлдим овора.
 Йиғлаб боқсам – кўзим сотар кўп,
 Ўздан тон деб, ўзим сотар кўп.
 Кўчар бўлса тилимга дардим,
 Ҳусnidдиндек сўзим сотар кўп.
 Сенга сўзим етмасдан ўчди,
 Дардим кўздан харсангдек кўчди.

Хайриятки, созланди созим,
 Ўз жарангин топди овозим.
 Шоир бўлиб илк бора, халқим,
 Сенга очиқ айтдим дил розим.
 Ахир, буқун сўзни сўз кесар,
 Ошкоралик шамоли эсар.
 Мустақиллик йўлин танладим,
 Аммо ҳали кўпdir йўл тўсар.
 Халқим, розим лақмангга айтма,
 Мустақиллик йўлидан қайтма!



НОТА ДАФТАРИ

Вақт нохуни чертар фасллар торин,
Гулғунча лабида баҳорнинг куйи.
Кун куйи эритар тоғларнинг қорин,
Қўшиққа тўлади булоқлар бўйи.

Ёзнинг қўшиғида ўзгача оҳанг:
Димоқни қитиқлар ҳандалак ҳиди.
Полизларда ҳосил куйлар ранг-баранг,
Боғ тўла мева ҳам – ёз куйи эди.

Куз ҳам ҳосиллардан солади қорин –
Хирмонлар қўшиғи бўлар қўлма-қўл.
Сўнг куз ивиб тинглар хазонлар зорин,
Қишининг қўшиғига бўшатади йўл.

Изғирин куйлайди узун қиши бўйи,
Этиклар остида қорнинг ғичири.
Қиши ҳам енгади кунларнинг куйи,
Қишига баҳор куйин кетар ичириб.

Фасллар куйидир кунлар қўшиғи –
Вақт номли дараҳтда янграган япроқ.
Вақт чертар, заминда қўшиқлар шиғил,
Нота дафтаридир шу она тупроқ.



СОЯНГМАН

Севгингга асир бир соянгман, Ватан,
 Мени чўчитолмас жон таҳликаси.
 Ва лекин сен ўзинг севгимас, зотан
 Лўттибоз озодлик мустамлакаси.
 Бўлсайди менда жон,
 Соянгман, Ватан!

1973 йил, Тошкент

КУЛОЛ МЕҲРИ

(Эркин Воҳидовга ўхшатма)

Гоҳо кулол меҳрин қоламан тусаб,
 Ахир у ер ишқин дилига туйган:
 Шу она тупроқдан пиёла ясад,
 Уни одамларга ўптириб қўйган.

1976 йил

ЕР ВА ДЕҲҚОН

Ер беэга. Ер тимдалар куч.
 Раҳбар дўқлар, деҳқон боши хам.
 Куз семирар. Деҳқон қўйни пуч.
 Эл сингари очдир замин ҳам.

Деҳқонлари бўлса гар соқов,
 Раҳбарлари кўзи очиқ кўр –
 Бундай элнинг ўзидадир ёв,
 Ери эмас, пешонаси шўр.

1997 йил, 8-9 декабрь

ТҮРТЛИК

Кўш ҳайдаган чоғи ўтламасин деб,
Солишарди ҳўқиз оғзига буров.
Халқим оғзини ҳам боғлашиб маҳкам,
Доим насибасин ер эди бирор.

УЛУФ ЮПАНЧ

Шоир фермер бўлди – чекмасман алам,
Бугун кетмондаста кечаги қалам.
Шеързабон тилимга қандай берай эрк,
Меҳнат қувончидан сархушдир каллам.

Мен эмас,adolat ўзи ҳам соқов,
Ғаним ўз ичимда қилар буқун ов.
Мен сўзим оғзимдан олдирган билан
Юртни оёқости қилмас энди ёв.

Халқни оёқости қилмоқда золим:
Бозордан излайди ризқини олим.
Мен ҳам чиқолмадим элим сафидан,
Қаламим олишга йўқ буқун ҳолим.

Тижорат дўлига тўкилур ижод,
Бозор тегирмони чирпирайди шод.
Ғаюрлар кулмангиз, юпанчим улуф –
Ватаним озоддир, Ватаним озод!

2001 йил, 8 февраль

ТОНГНИ КУТИБ

Қишлоққа тун чўқар, чўқар сукунат,
Сукунатни бузар кучуклар аҳён.
Бу ерда одамлар ўзи ҳуқумат:
Истаса ухлайди, истаса гирён.

Ўрганиб қолибман, менда уйқу йўқ,
Шаҳар шовқинини қўмсайди кўнгил.
Бировлар оч ётар, бировлар кўзи лўқ,
Нон талаб қилишга ҳеч кимда йўқ тил.

Кундуз ёшларга иш – дарёning қуми,
Билакда кучи бор тоғдан қазир тош.
Бунда иш деганинг балиқнинг думи,
Бозордан ризқини излар кекса-ёш.

Биргина бунда мен юраман беиш,
Тун бўйи қишлоқни кезаман ўйчан.
Орттиргим келмайди ҳеч кимга ташвиш,
Кимнинг ҳам уйига кирай сарпойчан.

Қумини йўқотиб айқирап дарё,
Оҳиста бораман Сангзорга томон.
Дарёга юлдузин тўкади само,
Дарёning куйига айланар осмон.

Сукунатга чўмар тун бўйи қишлоқ,
Бировлар тинчига бўлгим йўқ тушов.
Ёлғиз Сангзор уйғоқ, ёлғиз мен уйғоқ,
Қишлоғимни тонгга элтамиз икков.

2021 йил, 2 июль

ЯЛТИРАР ҲАВАС

Ҳаловатсиз кечар қунларим,
Кузги баргдай қадрсизdir пул.
Кўзларимни ичар тунларим,
Зулмат аро умид тураг тул.

Жон ачитар ҳаётнинг талхи,
Тополмайман тоза бир нафас.
Ўйларимни бурдалаб нархи
Дўконларда ялтирап ҳавас.

Умидимга излайман ҳамроҳ –
Кўшиқ янглиғ садоқатли тонг.
Келажакка чорлаб, дўстлар, оҳ,
Қонларимда чопар мунгли бонг.

Кўз милкимда титраг тунларим,
Қоғозларга тўкаман нуқул.
Ҳаловатсиз кечар қунларим,
Умидларим қолмаса деб тул.



ШУВУТЛИК

Дердим, отим эмас, пешонам қашқа,
Кўкка олиб учган Ҳиротим қани?
Қадам етмас ерда Ўримчи, Қашқар,
Алишер улғайган Ҳиротим қани?

Ватан парчаланди, парчаланди эл,
Уни бирластирган томирим қани?
Бобур бобом қабрин совурмоқда ел,
Қобулга туташган замирим қани?

Кўтара билмайин тарихнинг юкин,
Нечун парчаланди она Туркистон?
Ўз қавмин унуган ўзбекман букун,
Етти ёт бегона қадимиј Турон.

Мозийни қайтариб бўлмагай рости,
Ўтди, ўтган ишга дердим саловот.
Асқар дўстим ўзин не учун осди,
Ҳаётдан топмади нечун ҳаловат?!

Биз ҳам ўлган эдик кўзимиз очиқ –
Борми ўздан кечиб яшашдан маъни?
Ичдаги саволдан бўзлар қорачиқ:
Мен қани, сен қани, Ватаним қани?!

Биз ҳам яшар эдик бировлар учун,
Биров белгиларди бизнинг тақдирни.
Чиқара билмасдик ижозатсиз ун,
Тангрим тақдирлади биздек фақирни.

Бўлинниб кетса ҳам қадим Туркистон,
Пешонамиз бирдан ярақлаб кетди.



Мен борман, дейишга туғилди имкон,
Бир парча бўлса ҳам Ватанга етдик.

Майлига, бўлса ҳам пешона қашқа,
Майлига, демайлик, Ҳиротим қани.
Демайлик, қаерда Туркистон, Қашқар,
Алишер улғайган Ҳиротим қани?!

Ахир букун мен бор, сен бор, Ватан бор:
Ўзингни биромас, сен ўзинг бошқар.
Саволдан қорачиқ чекмас энди зор,
Ўзбекни таниди Ҳироту Қашқар!

Ўзбекни таниди, таниди жаҳон:
Букун ҳур Ватаним – Ўзбекистондир.
Қозоқ бир томонда, туркман бир томон,
Қирғизлар ҳам халқдир, омон-омондир.

Хуррият давридир, ҳатто ҳурдир ит,
Шукrona айтаман ҳар шом, ҳар саҳар.
Фақат ўтган кундан юзимиз шувут,
Тирик бўлса ўзин осмасди Асқар.



БЕЛБОФ

Ёқавайрон бўлиб юрадим аранг,
Шамоллар ўйнарди қўйнимга кириб.
Белбоғим йўқ эди – ҳолим эди танг,
Боғлаб олай десам белимни сириб.

Ҳеч қурса, ип билан боғлаш ҳам мумкин,
Аммо ип боғлашни кўрмас эдим эп.
Уйга чопар эдим, олмас эдим тин –
Шамоллардан ўзни асраб қолай деб.

Ғаладон чангига қоришиб терим –
Шеърим ҳам ётарди топмай бир сирдош.
Қайга борсин белин сирмасдан шеърим,
Варақлар шамолга қандай берсин дош?!

Эзгулик кўчада қолмаскан, изим –
Бор экан изимни ардоқлаган зот:
Ҳиммат – камар тутди Ирода қизим,
Мен эмас, шеъримга боғлади қанот.

Гўёки шеърларим тулпорга минди,
Олди улар ҳиммат камарин сириб.
Менинг ҳам белимда белбоғ бор энди,
Шамоллар ўйнолмас қўйнимга кириб.

2012 йил, 12 январь



ПОКИЗА ОШНАМ

Нуқул кир қидирар – унинг иши шу,
Ювиб тозалашлик мақсади эмас.
Юрагингга солиб шубҳаю ғулу,
Устдаги кийиминг улоқтирса, бас.

Яп-янги кийимим ушлаб кўрсатар,
Аслида қўл кири менга ёқади.
Гўё у киримни қўл билан артар
Ва кирни кўрсатиб, кулиб боқади.

Устдаги кийимим ечиб ҳам кўрдим,
Қаранг-а, кир топди баданимдан ҳам.
Сўнгра алам билан мен ундан сўрдим:
– Ўзимни қаерга отайин, ошнам?!

1979 йил



ЁЛГОНЧИ КУНЛАР

Адолат топмайин чиқар фифоним,
Тамом түйиб кетдим ёлғон сўзлардан.
Титкилаб ташлади кўнгил қўрғонин,
Қочиб кетолмасман ёғий кўзлардан.

Соқчи бўлай десам ўзимга ўзим,
Ўз ҳолимга қўймас эрктараб бағир.
Ҳатто бир-бирига ишонмас кўзим,
Кўзни юмиб яшаш нақадар оғир.

Таъқиб этиб юрар эркни айғоқчи,
Ўз эрким соқчисин мен қайдан топай.
Бостириб келмоқда ҳар ёндан соқчи,
Улар уруғи кўп, қай бириң қопай!

Соқчилар ичинда соқчисиз қолиб,
Биқиниб яшайман умид кўксисда.
Ҳаёт дорилфунун, мен эса толиб,
Ёлғон енгиб борар дарслар баҳсида.

Ёлғон сўзлар аста тилимга кўчар,
Тилимни тишлайман топмайин илож.
Эрким нолалари бўғзимда учар,
Айро тушган эркка виждан тўлар бож.

Адолат топмайин чиқар фифоним,
Виждан қувиб солар уйқумни тунлар.
Кундузи забт айлаб кўнглим қўрғонин,
Устимдан кулади ёлғончи кунлар...

1998 йил



ВАТАНДАН АЙИРДИ

Бобурнинг қисмати қийнайди дилим,
Буюк Ватан эди унинг матлаби.
Ватандан айирди уни ўз элим –
Суннийлар мазҳаби, шия мазҳаби.

Зеро, ҳиндлар уни этди-ку қабул,
Бобур унда қурди буюк бир давлат.
Ҳатто ислом динин этолди мақбул,
Қайси мазҳаблигин юрмади кавлаб.

Нечун Бобуриңгни қувдинг, халқим, сен,
Ватаним, таланган тарихим мулзам.
Оллоҳ битта экан, Ватан учун мен
Қабул қиласар эдим коғир динин ҳам.

У мусулмон эди, минг қатла шукур,
Мусулмон динида турди у қоим.
Ўзданнисас, ўзгадан излаймиз қусур,
Сўнгра афсус чекиб юрамиз доим.

Ватандан айирди уни ўз элим –
Суннийлар мазҳаби, шия мазҳаби.
Бобурнинг қисмати қийнайди дилим,
Буюк Ватан эди унинг матлаби.

2014 йил, 13 февраль



МАҚОЛГА ҚҰШИМЧА

Гапни гапир, гапинг жондан уққанга,
Жонинг бергил, жонин жонга сүққанга.
Йўқса, гапинг ҳайф кетадир, жонинг ҳайф,
Сўзлаб юрма, ҳатто сени туққанга.

2014 йил, 2 январь

ТИНЧЛАНДИ РУҲ

Шароф Рашидов хотирасига

Юртбошимиз тутди Адолат туғин,
Ўзбегим юртида шодлик шукуҳи:
Ҳамма ерда байрам, дилларда байрам,
Ҳатто Рашидовнинг тинчланди руҳи.

Энди “уф” тортмагил, тортма энди “уф”,
Қабрингда тинч ётгил, Муҳаммад Юсуф.
Нонқўрлар номини айтмасдан туриб,
Адолат қўрғонин этдик тасарруф.

Туз еб туфлаганлар чиқаролмас ун,
Ҳақ нури қалбларни қоплади бутун.
Иванов, Гдлянлар сололмас ситам,
Халқим эгик қадди рост бўлди буқун!

Юртбошимиз тутди Адолат туғин,
Ўзбегим юртида шодлик шукуҳи:
Ҳамма ерда байрам, дилларда байрам,
Ҳатто Рашидовнинг тинчланди руҳи.

2017 йил, 7 ноябрь



БАХШИДАДИР СЕНГА ЮРАГИМ

Тангрим берган улуғ мукофот –
Бир “куҳ” – жондир аъзои танда.
Бошим кўқда, шу билан мен шод,
Бошқа бойлик йўқ ахир менда.

Қалбимдадир жоним гавҳари –
Тинмай уриб асрар юрагим.
Унда ишқим, меҳримнинг бари,
Юрагимдир ёлғиз тиргагим!

Тангрим берган жон – бу – армуғон,
Ватан, сенга ишқим, тилагим,
Сени дея тепар қалбда жон,
Бахшидадир сенга юрагим!

2017 йил, 7 ноябрь

ХУМО ҚҮНДИ

(Халқ йўлида)

Кечаги кун кечадир,
 Ким ҳам ундан кечадир.
 Аммо кўпдир жумбоғи,
 Тилсимин ким ечадир.

Ечолмайин ўтдик биз,
 Орзу қўлин тутдик биз.
 Эркни тилаб Тангридан,
 Бугунимиз кутдик биз.

Қулаб тушди тахт ўзи –
 Ечиб берди Вақт ўзи.
 Айланайин Тангридан,
 Кулиб боқди Бахт ўзи.

Офтоб тегди елкамга,
 Дил айланди кўкламга.
 Нега бахтим қуйламай,
 Хумо қўнди ўлкамга.

2018 йил, 2 декабрь



КЕЛАЖАК

Бутун халқнинг орзуси бўлиб,
Олисларда порлар келажак.
Сертабассум юлдуздай кулиб,
Одамларни чорлар келажак.

Келажак, сен нафақат юлдуз,
Хаёлларда тўлишган ойсан.
Узолмайди ҳеч ким сендан қўз,
Жозибага шунчалар бойсан.

Нигоҳингнинг мисли офтобдай
Қайноқ тафти уриб турибди.
Ҳамма сени серзавқ китобдай
Дилларида олиб юрибди.

Нечун диллар очмасин чечак,
Эллар сенга интилмасин шод?!
Ахир сени гўзал келажак,
Халқ орзуси этмоқда ижод!

Ҳа, келажак, орзуим мисол
Мени сен ҳам турасан чорлаб.
Бахтим тараб мисли нурли ёл,
Не ажабки, кетсанг гар порлаб.

Интиламан мен сенга, бешак,
Ахир сенсан орзу чамани,
Зотан, сенсиз орзу – келажак,
Яшашимда
Бўлмасди маъни.

1974 йил

ЗАНГ

ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА ВА ҲАЖВИЙ ШЕЪРЛАР,
ЭПИГРАММАЛАР

Ҳазил-мутойиба дил очса, яхши,
Кулгулардан юзга нур сочса, яхши.
Ва лекин баъзида аччиқ кулгудан
Дилни хуфтон этган дуд қочса, яхши.





ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАЛАР

ШОИРЛАР “ТИРИК БАЛИҚЛАР” ДҮКОНИДА

УЙГУН:

Бунда ур-тўполон навбат талашиб,
Драмага мавзу топдим, кўнгил тўқ.
Балиқ ширинлигин етмишдан ошиб,
Сочим оқарса ҳам унуганим йўқ.

МИРТЕМИР:

Кўргулик экан-да, нетай, суюклим,
Қурмағур жиғилдон қиласр талотўп.
Бу ёруғ дунёнинг, билсанг, куюклим,
Жўяли, жўясиз ишлари ҳам кўп.

АСҚАД МУХТОР:

Балиқ овлаш гаштин Шолохов билар,
Вақт йўқлиги менга алам қиласр.
Замон фарзандиман, чўнтак кавлайман:
Тирик балиқ тайёр!
Баъзан бўйин товлайман:
Йўқ, дегим келади, ҳаққим довлайман –
Балиқ керак бўлса, ўзим овлайман!

ШУКУРУЛЛО:

Тирик балиқ дея йўллар юрибман,
Вужудимдан оққан жиққа тер бўлди.
Мана энди навбат кутиб турибман,
Неварадалар ширин гўштинг ер бўлди.

Майли, дедим, уйга қайтсам пиёда,
Сотувчига бироз бердим зиёда.
Нимасини айтай, ахир дунёда
Эшитганим “ол-ол” эмас, “бер!” бўлди.

Кўп қувганман дарёларда ҳаллослаб,
Балиқсан-да, берар эдинг доим чап.
Олтмиш йиллик ҳаётимда, рости гап,
Тутиб қолган нарсам фақат шеър бўлди.

Аммо сувмас, заминда ҳам “наслинг” бор,
Ундей силлиқ балиқлардан эл безор.
Айт-чи, қайси элга бўлиб омад ёр,
Балиқ фақат сувда яшар, дер бўлди.

ШУҲРАТ:

Ҳой, балиқ, сени деб пиёда келдим,
Етиб қолайин деб югуриб-елдим.
Барча таом ичра, оқ сочим ҳаққи,
Балиқ таомини тансиқ деб билдим.

Ҳой, балиқ, қайларда улғайиб-ўсдинг,
Мунча ялтирайди тангаю пўстинг.
Таниш-билишига навбатсиз бериб,
Мени четга сурди сотувчи дўстим.

Омон бўлсин десанг, агарда бошим,
Оқмасин десанг сен кўзимдан ёшим.
Сотувчи қўлидан сирғаниб чиқма,
Бошингга тушади тарозу тоши.



ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ:

Дарёлардан тутиб бўлмас,
Рогаткада уриб бўлмас.
Топгунимча қанча елдим,
Мана энди дучор келдим.

Тириклайн олиб кетай,
Метро билан уйга етай.
Болаларга берай бўлиб,
Ўзим четда турай кулиб.

ЭРКИН ВОҲИДОВ:

Дўконлардан келган омад
Мен учун омад эмас.
Балиқ тутмоқ гашт эрурким,
Ўзга гашт ҳожат эмас.

Дўконларда балиқ кўрсам,
Дейман улғайгач ёшим.
Ёшлигимда сотиб олмоқ
Мен учун одат эмас.

АБДУЛЛА ОРИПОВ:

Йўқ, бу ҳовузчамас, бу – бетон қафас,
Нажот излаб ўзин уради балиқ.
Кул бозори ёдга тушди шу нафас,
Димиқиб кетгандай туюлди борлик.

Ҳар томонга уриб ўзини агар,
Тилсиз балиқларки, чекса шунча ғам.
Қандай чидадийкин ўтмишда, дўстлар,
Куллар бозорида сотилган одам!



ХУСНИДДИН ШАРИПОВ:

Бунда ликиллайсан – түрни кўрасан,
 Бунда ликиллайсан – зўрни кўрасан.
 Мана, энди кунинг сўзсиз битади,
 Лекин қилтанофинг томоқ йиртади.

МАЪРУФ ЖАЛИЛ:

Потирлаб ётибсан семон ҳовузда,
 Дарё олиб қочар хаёлларингни.
 Ундовсимон қаддинг бўлди-ку сўроқ –
 Тушуниб турибман саволларингни.

Халтага тушишга хоҳиш йўқ сенда,
 Барибир жиғилдан унга қарамас.
 Ичинг бўлса ҳамки нукул қилтаноқ,
 Ўзинг ширинасан-да, ахир, ярамас.

Потирлаб ётибсан семон ҳовузда,
 Хотирлаб ётибсан дарёларингни.
 Мен сенимас, олиб кетгани келдим
 Дарё ичра кечган дунёларингни.

РАУФ ПАРФИ:

Кўзингда денгизлар ҳайқирав секин,
 Озиқ уммонига этилдинг таклиф.
 Тетик қўринасан питирлаб, лекин
 Мунғайган кўзингда ғуссанинг шакли.

Муздек сув ичида ёниб ғуссадан,
 Мунча типирлайсан, тинмағур вужуд!
 Шу кичик балиқлар – митти жуссада,
 Наздимда, денгизнинг қудрати мавжуд!



ЭРГАШ МУҲАММАД АТОРУҲ:

Сангзорнинг бўйида ўссам ҳам бироқ,
Солган эмас эдим дарёга қармоқ.
Ким яшар томоқдан турмаса ўтиб,
Бошлиб келди мени бу ерга томоқ.

Балиғим, мен сени севмайин нега,
Гўшт топмай қолганда асқотсанг менга.
Қадринг ошиб кетди шунчалик, ҳатто
Ҳафтанинг бир кунин ажратдик сенга.

Қадимдан сени дер: “Луқмаи ҳалол”,
Гоҳ сени дўкондан топмоқ ҳам маҳол.
Фақат типирчилаб тарозу босма,
Йўқса, чўнтакларга келади малол.

АРОҚ ҲАҚИДА КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАР ЭДИ

ЭРКИН ВОҲИДОВ:

Ўн саккизга кирмаган ким бор,
Боғдан шиша термаган ким бор.
Пул жамлагач шишалар сотиб,
Улфатига аста қўрсатиб,
Кўкрагини кермаган ким бор.

Дастлаб ҳар ким сени ичган он,
Ичи куйиб, ёнар бегумон.
“Ошиқ”ларинг қолдириб тилдан,
Сув ё лойга ботириб белдан,
Кўрганларни этасан ҳайрон.

Тушдим чоғи мен ҳам домингга,
Шеърлар битдим сенинг номингга.
Гоҳ яширин, гоҳ ошкор “от”дим,
Сенга азиз вақтимни сотдим,
Юрак тафтин бердим жомингга.

Энди менга сен тамоман ёт:
Бир ўзгача кўринур ҳаёт.
Сенсиз ўтган дамларим шириń,
Ҳижрондаги ғамларим шириń,
Кулиб боқар букун коинот.

Боғдан шиша термаган ким бор,
Ароқ дакки бермаган ким бор?

АБДУЛЛА ОРИПОВ:

Дедингки, мумкинмас сенга бу ароқ,
Конъяқдан йироқ юр, май ҳам шарт эмас.
Ароқни кўрганда, дўстларим, бироқ
Йўлбарсдай ташландим қадаҳга мен, бас.

Гоҳ мен, гоҳ у мени чўқтириди тизга,
Тиз чўккан чоғларим кор қилмас ўгит.
Мен ичган ароқни қуйса денгизга,
Қирилиб кетарди қанча балиқ, кит.

Лекин огоҳ этай сени бир сирдан,
Шишада тек ётган ароқда бор жон.
Айт-чи, қай аҳволга тушардинг, бирдан
Ичингда ғимирлаб қолса гар шайтон.

О, кибор туйғулар, эзгулик, виждон,
Булар ҳаётдаги эт билан тирноқ.
Ўзингни осмонда санама, Инсон,
Сени енгадиган... тек ётган ароқ.



ОМОН МАТЖОН:

Кўп ётма туманли шиша ичинда,
Шишалар дил дўстинг бўлолмас сенинг.
Сени тутқин этган қафас эрур ул,
Ароқ, сен менинг бўл,
Меники,
Менинг.

Жаранг сув булоққа қўшилиб кетма,
Булоқ ҳам дил дўстинг бўлолмас сенинг.
Қайнашим чашмадан теран жойдадир,
Ароқ, сен менинг бўл,
Меники,
Менинг.

Кўп титма Ҳайёмнинг китобларини,
Китоблар дил дўстинг бўлолмас сенинг.
Сен – чайқалиб турган қадаҳ қўлимда,
Ароқ, сен менинг бўл,
Меники,
Менинг.

Букун қадаҳ қўлдан тушди-да, синди,
Чун ўзинг оқ, ишинг қародир сенинг.
Энди мен демасман ёлбориб сенга:
– Ароқ, сен менинг бўл,
Меники,
Менинг.

МАЪРУФ ЖАЛИЛ:

Ароқ, кўпир, майли, қутур,
 Ё бургутдек қучоқ кер.
 Оёғимдан олма фақат,
 Учай, менга қанот бер.

Майда гапдан тўйиб кетдим,
 Пичирлама қадаҳга.
 Пиёлага “қулт-қулт” қуийл,
 Кўтар, майли, қаҳқаҳа.

Фийбатчининг тили мисол,
 Нотинч ароқ, қулоқ сол.
 Сен орзулар заволини
 Тушунарсан, эҳтимол.

Қанча орзу, армонларни,
 Қултумларинг ютгандир.
 Қанча номус, шармандалик
 Этагидан тутгандир.

Кўз ёшидан келгандирсан
 Балки ўзинг дунёга.
 Балки шундан йиғлатурсан,
 Зор этурсан зиёга.

Куйган қулман, ошқозоним,
 Яра қилдинг, ярамас.
 Мен Маъруфмас, сени ичиб,
 Бўлсам агар яна маст.



РАУФ ПАРФИ:

Шивирладинг сен менга, ароқ,
Худди қалбим ёнидан оқдинг.
Шивирладинг сен менга, ароқ,
Бир номсиз ишқ бағрида ёқдинг.

Шивирладинг сен менга, ароқ,
Шивирладим: “Сен борки, мен бор...”
Қўшиғингни тингладим узоқ:
“Йўқдир Ватан, йўқдир фарзанд, ёр...”

Шивирладинг сен менга, ароқ,
Ҳаммасидан, ҳаммадан кечдим.
Шивирладинг сен менга, ароқ,
Эрталабдан шомгача ичдим.

Шивирлама энди, эй ароқ,
Қайга олиб борурсан тағин?
Шивирлама энди, эй ароқ,
Ўтмишларнинг қора эртагин.

АБДУЛЛА ШЕР:

Ароқнинг ғам-дардлари,
Дунёдаги мардларни,
Ароқчаси йиғлатар.

* * *

Қандай ибليس ароқ бу?
Кўлингдаги яроқ у,
Ўз авлодинг қиргани.

* * *

Қайсиdir бир маккор, қув,
Олган сиқиб тахир сув...
Арпа-буғдой айби йўқ.

Ичиб тилдан қоламиз,
Ҳеч бўлмаса боламиз
Йўқотмасин ўз тилин.

Эвоҳ, дўстлар, бир сотқин,
Бус-бутун юрт ва халқин
“Яримта”га алмашди.

УСМОН АЗИМОВ:

Энди менга икки дунё бир,
Хаёт нима, нимадир оғу.
Бир душманни йўқотдим ахир:
Душман – ароқ, ароқ – душман бу.

Тикиламан, шишалар кулар,
Интиламан – ялтиллар шароб.
Кўплар умри шишада кулар,
Менинг умрим шишадай хитоб!

Қийналади, ёнади ичим,
Ёришмайди ёқсанг ҳам чироқ,
Бош зирқиллар, ўйлаб кўрсам жим,
Сен сабабчи барига, ароқ!..

Синдираман мен сени уриб,
Мажақлайман ва ёки бу чоғ,
Маяковский тарзида туриб,
Тупураман юзингга, ароқ!..



ШАВКАТ РАҲМОН:

Ароқлар тушсайди шифтдан оҳиста,
Чўнтақдан чиқмаса ҳасратга тўлиб.
Қулт-култни қадаҳга қуйса бехосдан
Менга қаратилган таънангни бўлиб.

Менга қаратилган нафратинг тўсиб,
Қадаҳлар жарангга ато этса тил.
Қўзлардан юраклар чиқмаса ўсиб,
Қадаҳлар куйидан мажруҳ бўлса дил.

Айбимиз очмасак бир-биrimizning,
Қўтариilmай қолса ерда ётган тош.
Ўртамиизда тинмай жавраса бизнинг,
Ҳеч бўлмаса ароқ – мижғов суҳбатдош.



АЗИМ СУЮН:

Ароқжоним, айланайин,
Айланайин, ароқжон.
Соқий бўлиб сайланайин,
Сайланайин, ароқжон.

Томчингни ҳам этмай исроф,
Қадрингга мен етурман.
Куйган чоғим, эмасдир лоф,
Бургут бўлиб кетурман!

Узоқлардан сенга, ваҳ-ваҳ,
Кўзим нури бойланар.
Гар айланиб турса қадаҳ,
Бошим менинг айланар.

Қанча-қанча ғовға кўрдим
Бошим менинг айланиб.
Сендан не наф-совға кўрдим
Ёшим менинг айланиб.

Ароқжоним, энди менинг
Айлантирма бошимни.
Қадаҳларга мен ҳам сенинг
Оқизмайин ёшингни.

ЭРГАШ МУҲАММАД АТОРУХ:

Шиshalарни бирин-кетин бўшатдим,
Айюҳаннос солар экан ароқ ҳам.
Томчи майни кўз ёшига ўхшатдим,
Томчи ёшда қанча фарёд, қанча ғам.

Шиshalарни бирин-кетин бўшатдим,
Бўшатишдан йўқ армоним, йўқ нолам.
Бўш шиshalар туролмади аммо жим,
Фарёдидан титраб кетди бу олам.

Шиshalарни бирин-кетин бўшатдим,
Ичга кириб кўрсатди у оласин:
Юрагимда зўрға-зўрға ухлатдим
Ўлиб кетган қўшиқларим ноласин!

Шиshalарни бирин-кетин бўшатдим,
Буқун энди дардим менинг зиёда.
Қадаҳни мен ерга уриб ушатдим,
Қадаҳ эмас, куй янграсин дунёда!..



ОТА ВА ГЎДАКЛАРНИНГ АЙТИШУВЛАРИ

Куз юртимизга оғир келди. Пахтакорлар ҳали ёп-пасига теримга тушмасдан ёғингарчилик бошланиб қолди. Шу сабабдан ҳозир тирик жон борки, пахтазор қўйнида. Шаҳарликлар ҳам ҳашарга отланишишмоқда. Лекин ишёқмасликни, ялқовликни, такасалтангликни бўйинтуруқ қилиб олган айрим сояпарвар кишилар ҳам борки, улар хотинларининг орқасидан керилиб, қўкракларига уриб ҳеч кимга сўз бермайдилар, ўзлари эса чойхонадан ёки қўланса ароқ ҳиди келган пастқам жойлардан бери келмайдилар. Куйидаги "Ота ва гўдакларнинг айтишувлари"да худди шундай боқибебамлар устидан кулинади.

ТЕРИМЧИ ХОТИН ЭРИНИНГ АЛЛАСИ

Аянг иш деб ёнадир,
Ким ҳам бундан тонадир,
Алла, қўзим, аллаё, алла!
Букун юртда хотинлар
Ҳам ота, ҳам онадир,
Кўрар қўзим, аллаё, алла!

Улар пахта теражак,
Иш деб жонин беражак,
Алла, қўзим, аллаё, алла!
Хотинларин ортидан
Эрлар қўкрак керажак,
Кўрар қўзим, аллаё, алла!

Бизга қалам қош бўлса,
Чойхонада ош бўлса,
Алла, қўзим, аллаё, алла!
Ичак узди қулгудан
Кўзлар жиққа ёш бўлса,
Кўрар қўзим, аллаё, алла!

Үтказмайин мұхлатни,
Күтдирмайин улфатни,
Ухла, қўзим, аллаё, алла!
Үссанг сен ҳам билмайсан
Аянг чеккан кулфатни,
Алла, қўзим, аллаё, алла!

Эрнинг фахри – хотиндир,
Кўп хислати ботиндир,
Алла, қўзим, аллаё, алла!
Истасак – гул, истасак –
Ўчиқ ичра ўтиндир,
Кўрар кўзим, аллаё, алла!

Ўтин бўлган кез букун,
Пахта деб ёнар тун-кун,
Алла, қўзим, аллаё, алла!
Бизга барибир – дунё
Бўлса ҳам остин-устун,
Кўрар кўзим, аллаё, алла!

ЧАҚАЛОҚНИНГ ЖАВОБ ИНГАСИ

Оч бўлсанг, баҳт йўлолмас,
Кўзга уйқу қўнолмас,
Қорним очди, инг-га-а!
Она ота бўлса ҳам,
Ота она бўлолмас –
Дадам қочди, инг-га-а!

Ортса элнинг ташвиши,
Қараб турмас эр киши,
Дарҳол чопар, инг-га-а!
Ҳамма учун баравар
Пахта иши – юрт иши,
Эл баҳт топар, инг-га-а!



БРИГАДИР ХОТИН ЭРИНИНГ АЛЛАСИ

Бўтам, аянг бригадир,
Келмаётири негадир.
Бизни ташлаб туну кун
Пахта билан биргадир,
Ишлар ҳар дам, аллаё, алла!
Алла, бўтам, аллаё, алла!

Тинмай ишлар, иш-жони,
Кўксида бор нишони.
Биз ҳам ризқни бўйнига
Осиб қўйдик ишониб.
Ишлар ҳар дам, аллаё, алла!
Ухла, бўтам, аллаё, алла!

Эркакларни олдинлар,
Дерди, қўли олтинлар.
Эгаллашди ўрнимиз
Омон бўлгур хотинлар,
Ишлар ҳар дам аллаё, алла!
Ухла, бўтам, аллаё, алла!

Беғам хуррак отавер,
Уйқу завқин тотавер.
Уйқу қочса, сўрғич бор,
Чўлпиллатиб ётавер,
Ухла, қўзим, аллаё, алла!
Кўрар қўзим, аллаё, алла!

ЧАҚАЛОҚНИНГ ЖАВОБ ИНГАСИ

Ёқмас эркак алласи,
Хозир терим палласи,
Ёрдам берар ёрига
Бўлса эрнинг калласи,
Ўзингиз урманг инга,
Инг-га, дада, инг-га-а!..

Ўтиб кетди ёз ойи,
Келди кузнинг ноз ойи:
Бир кун ҳаво очилса,
Беш кун бузуқ авзойи,
Ўзингиз урманг инга,
Инг-га, дада, инг-га-а!..

Элтинг мени яслига,
Тўғриси шу аслида.
Меҳнат қилиб эришсин
Эрлар хотин васлига,
Ўзингиз урманг инга,
Инг-га, дада, инг-га-а!..



МЕХАНИЗАТОР ХОТИН ЭРИНИНГ ҚИЗАЛОФИГА АЛЛАСИ

Аянг қўли рулдадир,
Кўзи эгат-йўлдадир.
Менинг эса кўзларим
Ароқ билан пулдадир.
Алла, қизим, аллаё, алла!
Кўрар кўзим, аллаё, алла!

Ароқ ичсам яйрайман,
Тилни тишга қайрайман.
Сўнгра худди шишадек
“Култ-култ” қилиб сайрайман,
Алла, қизим, аллаё, алла!
Кўрар кўзим, аллаё, алла!

Йиғлаб ичак узмагин,
Ҳаловатим бузмагин,
Маржон эмас кўзёши –
Кипригингга тизмагин,
Алла, қизим, аллаё, алла!
Кўрар кўзим, аллаё, алла!

Тинса қадаҳ жарангি,
Туролмайман гарангсиб.
Тўшак солиб, иш деса,
Менман шу кун белангиги,
Алла, қизим, аллаё, алла!
Кўрар кўзим, аллаё, алла!

Тўхтамаса иш-рули –
Кўпаяр аянг пули.
Ишлайверса, бизларга
Олиб берар “Жигули”,
Алла, қизим, аллаё, алла!
Кўрар кўзим, аллаё, алла!

ҚИЗАЛОҚНИНГ ЖАВОБ ИНГАСИ

Эрлар май деб “чүллабди”,
 Ёрин ишга йўллабди,
 Қолмабди ор, биф-биф-биф...
 Керак эмас сўрғичи,
 Сўлак билан ҳўллабди –
 Май таъми бор, биф-биф-биф...

Хотин-қизлар аъмолин,
 Ишдан топган камолин
 Элдан сўранг, биф-биф-биф...
 Бўлмаскансиз хотинча,
 Аяларнинг рўмолин
 Бошга ўранг, биф-биф-биф...

Терим қизғин ўлкада,
 Ётавермай кўлкада
 Ишга чиқинг, биф-биф-биф...
 Етар энди сурбетлик
 Ялқовликни елкадан
 Uriб йиқинг, биф-биф-биф...

Барча ая бўлиб хун
 Пахта терса, биз нечун
 Бўғилмайлик, биф-биф-биф...
 Шу кун бўлса ўссак биз,
 Керак эмас бу очун,
 Туғилмайлик, биф-биф-биф...

ҲАЖВИЙ ШЕҶЛЛАР

ҲАСАДГҮЙ

(Бир адабий танқидчи қиёфаси)

Сўнгра хилват бу маскандан бесас, бесадо
Чиқиб кетди буралганча улкан қурт каби.

Абдулла Орипов

Шоирликка ҳавас қилиб шеър ёзди аввал,
Лекин ҳарчанд чиранса ҳам ўтмади тиши.
Сўнг таржима қилмоқликни кўрди у афзал,
Нетсин шўрлик, юришмади бунда ҳам иши.

Пъеса ёзди, кино ёзди – орттирди алам,
Юрагига ҳасад қурти тушди ногаҳон.
Талвасагўй ҳасад билан тебратди қалам,
Шоирларни танқид қилиб кўтарди тўзон.

Унинг “дадил” тўзитганин мақтаб эл аро,
Қўлтиғидан сув пуркади уч-тўртта дўсти.
Ном чиқарди суртиб кўпнинг юзига қаро,
Шухрат билан унда ҳасад қурти ҳам ўсди.

Кўйди ҳатто устозларин юзига оёқ,
Ёшлар ичра у ўзини санади устоз.
Ёшлар унга умид боғлаб, олдилар “сабоқ”,
Аммо ундан устоз эмас, чиқди гуруҳбоз.

Гуруҳига кирмаганинг шеърларин уриб,
“Ўзиники” бўш ёэса ҳам тишлади тилин.
“Дарс” берганин пеш қилди у минбардан туриб,
Қай ёш шоир чапак чалмай оғритса дилин.
Атрофига қарсакбозлар тўплади талай,

Хушомаднинг манглайига мақтовгул тақди.
Халқقا қилган хизматидан кўз юмиб атай,
Салом бермай ўтганларнинг пўстагин қоқди.

Ўз қалбига қулоқ солса шоирлар агар,
Унинг “ақл” ўргатиши кетди гўё ҳайф.
Ким етказса обрўталаб қалбига кадар,
Ўша шоир шеърларидан қидирди у айб.

Махрумдир у имондан ҳам, муҳаббатдан ҳам,
Унга фақат сохта обрў, шухрат бўлса, бас.
Гўё сиртдан қараганда ундай доно кам:
“Адабиёт дўсти эрур, душмани эмас”.

Асли унинг қалби тўла ҳасад ҳамда кин,
Чидай олмас қайдга агар йилт этса ёғду:
Адабиёт – нақшин олма ичига секин
Буралганча кириб олган ҳасад қурти у.



КЎЗБОЙЛОГИЧ, САҲНАНИ БЎШАТ

Кўзбойлагич, энди саҳнани бўшат,
Гарчи лол қолса-да сеҳрингга одам.
Кўзбўямачилар “хунар” и ғалат,
Йўлда қолдиришди улар сени ҳам.

Зеро, мўъжизалар яратдинг кўп бор,
Не-не тилсимларни кўз юмиб очдинг.
Касбинг таҳсинига бўлдинг сазовор,
Лекин эл қўзини бўяшдан қочдинг.

Кўзбўямачилар бўяди кўзни,
Ҳатто хукуматни алдашга ўтди.
Бири минбарларда ғоз тутиб ўзни,
Билдирмай халқ мулкин юҳодек ютди.

Сутдан ёғ олишин билардик, аммо
Сутга айлантирди биттаси ёғни.
Топилмай турганда беморга даво,
Беморга чиқарди биттаси соғни.

Биттаси бир кило анордан, қаранг,
Икки литр шарбат олибди сиқиб.
Биттаси, турса ҳам ғўзаси аранг,
Ҳосил топширибди осмонга чиқиб.

Эвоҳ, қўйиб берсанг эртамиз даҳшат,
Ёзда у “парварда” ундирап дўлдан.
Кўзбойлағич, энди саҳнани бўшат,
Кўзбўямачи сени қолдирди йўлда.

Ҳамма билиб қўйисин улар “хунар” ин,
Уларга саҳнани этайлик инъом.
Саҳнада қолдириб уларнинг барин,
Қувиб чиқарайлик ҳаётдан тамом.

1985 йил, 14 декабрь

ТИЛ НАЙЗАСИ

Бунча тилинг узун,
 Уп-учли сўзинг,
 Ундан яраланган туйғулар хуноб:
 Бири юрагимга санчилди узун,
 Вужудимдан оқди
 Шариллаб азоб.
 Сўзинг азоби ҳам тилингдай узун,
 Бутун бир умрга
 Етади ҳисоб...

1985 йил

МИШ-МИШЧИЛАР

Миш-мишчилар кошки фақат
 Юрса гапни гапга улаб.
 Гоҳо улар миш-мишидан
 Тоғда тошлар кетар қулаб.
 Миш-мишчилар оғзига гар
 Тушиб қолсанг – уйинг куяр:
 Ё шиширап шардек пуллаб,
 Ё устингдан тупроқ уяр.
 Ахир, айтинг, насимийлар
 Терисини кимлар шилар?!
 Асли шилган жаллод эмас,
 Ифво қилган миш-мишчилар.

Туновгина икки қўшни
 Яшардилар тотув-иноқ.
 Ҳаётлари ўтар эди:
 Кириб-чиқиши, шоду қувноқ.
 Гап чиқдики, икки қўшни
 Беҳудага эмас тотув –



Бир-бирининг хотинини
Йўлдан урар: муғомбир, қув...
Икки иноқ кўшни букун
Бўлди жиқقا мушт-муштчилар.
Уларнинг ҳам жанжалига
Асли сабаб миш-мишчилар!

Не дердингиз тарқаса гап:
“Кўғирчоқлар фабрикаси
Қитмирларга тўла эмиш,
Чиқмас эмиш аммо саси:
Улар барча бошлиқларин
Одамликдан ўчирганмиш,
Маймуннусха, тулкинусха
Кўғирчоққа кўчирганмиш...”
Авжга чиқмиш текшир-текшир,
Сўроқ бермиш кўп ишчилар.
Шундай: йўқни йўндиришга
Қодир эрур миш-мишчилар!

Огоҳ бўлинг, улар кучин
Ўзингиздан қўйманг ҳеч кам.
Миш-мишчилар аралашар
Раҳбарларнинг ишига ҳам.
Бирин ишдан бўшатади,
Биттасига берар “mansab”.
Гоҳо улар охир замон
Яқинлигин юрар вайсаб.
Гар ишонсак, баҳтли дамда
Ғамга ботиб, ёш ичилар.
Лекин кўплаб лақмаларни
Ишонтирас миш-мишчилар.

Қорани оқ қиласар улар,
Кулга белар тўқисни ҳам.
Миш-миш билан ҳатто эгиз
Туғдиришар ҳўқизни ҳам.



Үзи туғар – аммо унда
 На бир ота, на она бор.
 Йүқ ердан бўлиб пайдо
 Тилдан тилга кўчар беор.
 Сўнг миш-мишлар кемасига
 Тушиб қолар кўп кишилар.
 Кулоқ берсанг, тубсиз кўлга
 Чўктиради миш-мишчилар.

Миш-мишчилар пичоғи йўқ,
 Лекин ҳақни юрар сўйиб.
 Кўзинг билан кўриб бўлмас
 Қопқонларни кетар қўйиб.
 Миш-мишчилар уруғи кўп,
 Изғиб юрар жарми-зовми.
 Ичиқора, худбин, баҳил,
 Иғвогар ҳам улар қавми.
 Ахир, айтинг, насимийлар
 Терисини кимлар шилар?!
 Асли шилган жаллод эмас,
 Ичиқора миш-мишчилар!..

1986 йил

ЮМАЛОҚ ХАТЛАР

Аён букун ўз-ўзин танқид
Ошкоралик тусини олди.
Иғвогарлар кўнгли бундан хит,
Кўли-қўлга тегмайин қолди.
Мукка тушиб ёзар куну тун,
Ёддан чиқмас ҳеч бир идора.
Хат йўллаб юради беун,
У деб қанча одам овора.
Пар-пар ёғиб асабинг ўйнар,
Лайлакқормас – юмалоқ хатлар.
Кўзлар тугул юракка қўнар –
Қайга бормас юмалоқ хатлар?!

Ўғил туғса раис хотини,
Унга борган меҳмонни санар.
Қора қилиб раис отини,
Юмалоқхат ҳар томон жўнар.
Ёки топиб эл аро ҳурмат,
Бирон раҳбар баҳт болин шимса,
Юмалоқ хат қопади ҳурмай,
Олқишлияди номаълум кимса...
Пастдан юқорига дағдаға солиб,
Тош каби кўчади юмалоқ хатлар.
Пок қалбларни мўлжалга олиб,
Ўқ мисол учади юмалоқ хатлар.

Ўттизинчи йилларни эсланг,
Кўпайганди мажҳул одамлар.
Не буюкларнинг ҳоли бўлиб танг,
Чекди қанча ғаму ситамлар.
Тўғри, букун отмас инсонни,
Лек дастингдан касалдир – инфаркт!
Кўринмасдан қийнаган жонни,
Иғво ёзган кимсаларга, марг!

Бунча изғир иғволар айтиб,
Түссиз, безбет юмалоқ хатлар.
Үзинг чиққан жойингга қайтиб
Юмалаб кет, юмалоқхатлар!

Күр-күрона қилмасман танқид,
Ошкор олдим қўлимга қалам.
Мажхулларга қилмасман тақлид,
Безбетликка қўймасман қадам.
Қопоғон ит – юмалоқ хатни
Олқишилаган кимса менга ёв.
Ким ҳам суръ иғво, тухматни,
Иғвогарга қаҳрим беаёв.
Кимсан ўзи?
Мард бўлсанг агар
Майдонга чиқ, қани, марҳамат...
Мен қўрқмасман сендан, иғвогар,

Имзо чекдим:
Эргаш МУҲАММАД

1986 йил



ЭПИГРАММАЛАР

ЮВИЛГАН ВИЖДОН

Боймат доғ туширди виждонга бир кун,
Ишчилар мажлисда шармисор этди.
Бошлиқ Боймат “доғ”ни ювмоқлик учун
Сочиқ-совун олиб ҳаммомга кетди.

Ёмон кўздан йироқ, ташвишдан йироқ;
Ётди у ҳаммомда “виждон”и увиб.
Бошлиқ Бойматга ҳеч юқмас энди доғ,
Виждонин бутунлай юборди ювиб.

1983 йил

ТИКАНЛАР ҲАМ

Кўтарилиб осмонга бурни
Боғ кўчани кезар димоғдор.
Баланд пошна туфлисин ўрни
Берар майса-гулларга озор.

Ҳатто синиб тиканлар учи
Йўл бўшатар “баландтуёқ”қа.
Тиканлар ҳам зуғумин, кучин
Ўтказаркан ялангоёққа!

1983 йил

ЗАНГ

Тарозу тошига эгганча бошин
 Эговларди Эрмат қўйиб зўр ихлос.
 Билмадим, зангмикин тарозу тоши,
 Аммо юрагини занг босгани рост.

1983 йил

ЖУМБОҚ

Шу бир темир дазмол қизигани дам
 Ҳамма тиришларни кетказгани чин.
 Куёш бўла туриб қалбингда, одам,
 Нега юзларингни босибди ажин?!

– Темир эмасман-да, темирмас қалбим,
 Ҳаёт ҳам темирмас яссилақ қўйсанг.
 Юздаги ажинлар ҳаётнинг зарби,
 Зарб буюммас, ювсанг ё силаб қўйсанг.

1970 йил

БАЛИҚЛАР

Дарё боис боқар ер яшнаб,
 Балиқ буни билмайди аммо.
 Балиқ бари бир жойда яшаб,
 Бир-бирига кун бермас асло.

Ҳазм қилиб юборар катта,
 Ўз кичигин тутгани заҳот.
 Катта бўлар кичик, албаттa,
 Улар шуни билмайди, наҳот?!



Денгизларга қўйилгач дарё,
Каттасининг ҳоли не кечар:
Фил олдида пашшадай гўё -
Акулалар унда тўн бичар...

1970 йил

БАҚАЛАР

Шовуллайди ям-яшил боғлар,
Чайқалади гуллар бир сулув.
Қулоч кериб туар қирғоқлар,
Қучоғида ўйноқлайди сув.

Еллар мавждан мавжларга кўчиб,
Балиқларни аллалар хушҳол.
Аммо шундай покликни қучиб
Бақалар ҳам яшар бемалол.

Бўлмаса-да заррача ёлқин,
Куруқ шовқин согани-солган.
Сувлар тугул бақалар тағин
Гулзорга ҳам мослашиб олган.

1970 йил

ТУҲФАТНИНГ ҲУШТАГИ

Ҳуштак туҳфасига ўрганган Туҳфат
Чорраҳада туриб чаларди нуқул.
Нега чалар десам уйғотиб нафрат,
Ҳуштагига уя қурган экан пул...

Текин пул тек ётмас - оғули илон,
Умрингни заҳарлар бир куни бешак.
Ҳуштаги дастидан еди у пушмон,
Охир чалиб қолди ўзи ҳам ҳуштак.

1972 йил



АНТИҚАЛИК

Мансабдор ўпкалаб түғри ойнадан,
Савлатим қани деб майдалаб түйди.
Эгри күзгу топиб “Кулгухона”дан
Хизмат хонасига ўрнатиб күйди.

Эгри күзгу унга бахш этди “савлат”,
Боқиб у түймасди аксига такрор.
Антиқа хушомад, антиқа сурат
Фақат одамдамас, күзгуда ҳам бор.

1972

ТОМОҚХҮР ТОМОҒИНИНГ СҮНГГИ ТИЛАГИ

Эргашсанг ҳар күйга солади томоқ:
Ангинадан қўрқмас – истар музқаймок.
Томоқ талабига кўнганни кутар:
Қорин,
Қорин,
Қорин...
Энг охир қамоқ...

Томоқхўр томоққа ўлимдир даво –
Томоққа тиқилар бутун бир дунё.
Дунёни ютолмай бўғилар томоқ,
Энг сўнгги тилаги – бир ютим ҳаво!

1972 йил



СҮЗ АРАВАКАШИ

Куруқ олиб қочди роса у сўзни,
Мақсадин англолмай тингловчилар ғаш.
Кимдир сўз қистириди тутолмай ўзни:
– Йўл эмас, бу – минбар, ҳой, аравакаш!

1972 йил

ТАНИШУВ

Қўшнисига чиқиб бир мижғов лақма
Ўзин танишириди бир соат вайсаб.
Чиндан уни таниб қолишиди ҳамма,
Кўчада ким кўрса берар энди чап.

1977 йил

СУКУТ АЛОМАТИ

Янги раҳбар сайлар чоғ эски ҳоким,
Уни ўпоқ, деди, бунисин сўпоқ.
Сўрашди: – Сизча ким?
Ҳоким эса жим:
У ўзини кўзлаб турарди кўпроқ.

1977 йил, 6 декабрь

ОТАСИНИНГ БОЛАСИ

Ота деди: – Қай бири маъқул:
Олтинларми ёки олийлик?
Ўғли деди: – Етса агар пул,
Иккисин ҳам, ада, олийлук!..

1980 йил

НЕ ҲОЖАТ

Шоир шеърин бостиролмай чекди риёзат,
Ётиб қолгач, далда дея, этди ижозат.
Аё, дўстлар, соғ одамни касалманд қилиб,
Сўнгра ундан қўнгил сўраш ахир не ҳожат?!

1977 йил

ШОҚОСИМНИНГ “БЕДАНА”СИ

“Бедана”син енг ичига солиб Шоқосим
Секингина иш жойидан чиқди қилтиллаб.
“Бедана”син сайратолмас дон бериб ҳеч ким,
Пиёлани тутсанг бўлди, сайрап қултиллаб.

1977 йил, 6 декабрь

КАШАНДА

– Чекиш мумкин эмас метрода, оббо, –
Автобусга чопар экан, деди у.
Автобусга етолмади, нафақат метро –
Ўпкадан ҳам маҳрум бўлган эди у.

1977 йил, 6 декабрь



ПИСМИҚ

Номзод кўрсатилди: дўсти ва рақиб,
Миқ этмади бордек оғзида талқон.
Сўнгра сайланмаган дўстга лой чалпиб,
Raқибиға кўксин айлади қалқон.

1977 йил, 6 декабрь

КЎПРИК ВА КЎПИК

– Яшашни ўргатай, туш, – деди кўпик, –
Не қиласан дарё устида ётиб?
Одамлар ҳам жавоб қайтарди, – кўприк
Қолмасин дейман-да, кўпикка ботиб.

1983 йил, 1 апрель

ХЎП-ХЎПЧИ ШАРҲИ

Хўп-хўпчига дедим: “Не маъно –
Бажармайсан, лекин дейсан хўп”.
Деди: “Бу сўз – кўз юмиб ҳатто
Тепсанг ҳамки, гол бўлгувчи тўп”.

1983 йил, 1 апрель

МАНМАН ҲАВАСКОР ДАЪВОСИ

Шеърим чиқди, шоирман, бас,
Бошқа шоир – пуф сассиқ.
Классиклар керак эмас,
Менинг ўзим классик.

1965 йил

БАЛЧИҚ

Эвоҳ, балчиқ, эҳ, қора балчиқ,
 Ҳазиллашдинг нечун синглимга.
 Лойга ботди –
 Ҳазилинг аччиқ,
 Қаттиқ тегди менинг күнглимга.

Синглим устин булғадинг лойга,
 Кўп олдида этдинг хижолат.
 Арзим айтиб борайин қайга,
 Қилиғингдан қалблар еса лат.

Кийим, майли, гар ювсанг кетар,
 Ўхшашингга, аммо күнглим тор:
 Худди сендай дилни оғритар
 Сўзи балчиқ кишилар ҳам бор!

1965 йил

МАСАЛЛАР

АЙИҚ ТИРГАГИ

Раис экан ўрмонга айиқ,
Ёзди буйруқ:
“Ўрмонга чиқ,
Дараҳтларни кўпроқ кес, қулат,
Солинг менга кўркам иморат,
Уялтирсин кўкни пардози!”
Бу буйруқдан бўлиб норози,
Йиғилишиб барча жонивор,
Арслонга борди чор-ночор.
Арслон уни ишдан индирди,
Эшак эмас, отга миндирди.

Хулоса

Баъзан бўлиш ўрнига сергак,
Айбдорларга бўлишар тиргак.

1960 йил

ТУЛКИ ОМБОРЧИ

Йиғилишиб барча жонивор,
Мудирликни берди Тулкига.
Нафсин тиймай қуриди омбор,
Ишдан бўшаб қолди кулгига.

Хулоса

Ўйнамагин нафсинг куйига,
Сўнгра тушма афсус ўйига.

1959 йил

ДАЙДИ КУЧУК

Дайди кучук баҳор, ёзу куз бўйи
 Кўчаларда санқиб ўтказди вақтни.
 Қиши келиб, қийнади иссиқ жой ўйи.
 - Ёз келса, уй қурай эслатсин тахтни...
 Уй қилиб ётди сўнг ҳар бир тирқишини,
 Тағин дайдиб кетди ўтказиб қишини.

А? ҲА!

- Ўзи турланиб турадиган кишининг сўзи ҳам турланиб туарар экан...

- Тўппа-тўғри. Бунақаларнинг уруғи кўп. Бугун айтган гапини эртага унутади. Кўзингга бақрайиб қараб туриб, бошқа тусга кириб олади. Сен балосан, англаб етибсан. Сен ўзи кимни назарда тутаяпсан?

- Ўзига сув юқтирмай, бошқа тусга кириб олган одамни!

- А?

- Ҳа!

МАНГУ ЁДГОРЛИК

БАЛЛАДАЛАР



О, ахир юракни ишқ билан ёқсанг,
Оlam munavvarдir azалдан-азал!
Visol kүзи билан ҳаётга боқсанг,
Ҳаёт шундай totли, шундайин гүзal!

ТОНГ СОФИНЧИ

(Сонетлар гултожи)

*Қиёси иўқ Ватаним –
Ўзбекистонимга*

1

Тождай порлар бошингда офтоб,
Олар у ҳам меҳрингдан зиё.
Меҳварингда айлангай дунё,
Кулоҳингдир серюлдуз ҳубоб.

Илк бор Эркка айладинг амал
Мустақиллик туғин кўтариб.
Мазлум халқинг дардлари ариб,
Истиқболга қўйилди тамал.

Ўзгарди онг, ўзгарди замон,
Аммо, Ватан, сен ўзинг ҳар он
Ўзгармас ишқ – олов томчисан.

Тилагимни музafferэтган,
Юрагимни мунааввар этган
Офтоб мисол ишқим тожисан.

2

Офтоб мисол ишқим тожисан,
Идрокимнинг султони ўзинг.
Эл ҳумосин осмони ўзинг,
Эрк баҳорин қалдирғочисан.

Улуғбекдек кўзларим ҳар вақт
Осмондадир, ўзингсан зеро,
Бошим узра айланган Ҳумо –
Керак эмас менга бошқа баҳт!



Ўтмиш этди қулликка маҳкум,
Этди Ҳумонг осмондан маҳрум,
Халқинг бағрин кемирди итоб...

Буқун сенга ҳар кўнгил ошиқ,
Барча битар шаънингга қўшиқ –
Сен дилларга битилган китоб.

3

Сен дилларга битилган китоб –
Ки, Мажнун ҳам дарс олгай ундан,
Байтига жо ҳар бир учқундан
Тутантириқ сўрагай офтоб.

У китобни ёқолмас ҳеч ким,
Қалбга ўйиб битилгандир у.
Сени севган тириқдир мангур,
Сен борсанки, йўқолмас ҳеч ким.

Сенсиз қолмас ҳаёт маъноси –
Сенсан, Ватан, ҳар битта ўзбек
Қалбидаги яшашnidоси...

Ҳа, элимнинг баҳт-қувончисан,
Сенсиз олам ўйилган кўздек:
Кўзлардаги гавҳар томчисан.

4

Кўзлардаги гавҳар томчисан,
Сен туфайли чароғон олам.
Душманингни минг йил кейин ҳам
Қувиб солган аччиқ қамчисан.

Татиб кўрди араб мазҳаби
Сенинг қамчинг аччиқлигини.
Дўстга қалбинг очиқлигини
Ҳамма билар беш бармоқ каби.

Букун эрк деб ёнасан ҳар дам,
Эртангни деб ташлайсан қадам,
Ҳар бир босган қадаминг аниқ.

Дунё сенга боқар қувониб,
Офтоб турар кўксингда ёниб
Гавҳар томчи – қорачиқ янглиғ.

5

Гавҳар томчи – қорачиқ янглиғ
Мустақиллик ёритди дилни,
Истиқболга бошлади элни,
Иқбол нури қалбларда ёниқ.

Букун халқим ундан олиб нур,
Маҳкам тутиб эркнинг қўлидан,
Бормоқдадир толе йўлидан,
Халқим, сенга минг бор ташаккур:

Ўтиш даври фидо этиб жон,
Ватан учун топдинг куч-дармон,
Фанимларга турмадинг мусраб.

Халқим руҳи яшнаб-яйрасин,
Ватан қучган эркнинг ойнасин
Ғуборлардан ўтгаймиз асраб.

6

Ғуборлардан ўтгаймиз асраб
Муқаннаю Торобий каби,
Берунию Форобий каби
Ўтажакмиз шухратинг тараб.

Ал-Хоразмий, ибн Синолар
Балқди ахир бамисли қуёш,
Фан оламин айлади нурпош
Яна қанча улуғ сиймолар.



Алишеринг – шеърият қалби,
Шоирларнинг енгилмас алпи,
Ўтди сени шарафга ўраб.

Орзу сочин ўрди олдиндан,
Машраблигин қўрди олдиндан
Гўдагингнинг кўзига қараб.

7

Гўдагингнинг кўзига қараб
Ҳатто хушин йўқотди Чингиз –
Тошган чоғи бамисли денгиз
Гўдакларинг кўзида ғазаб.

Айтсин, сиртга чиқмайин кетган
Жалолиддин ўғлин кўзёши!
Айтсин, Мўмин Мирзонинг боши –
Гўдак фаҳми неларга етган!

Доимо баҳт, надомати ҳам,
Нафратию муҳаббати ҳам
Фарзандларинг кўзида ёниқ.

Ўтмишингнинг изига боқиб,
Бугунингнинг юзига боқиб,
Кўролгаймиз эртангни аниқ.

8

Кўролгаймиз эртангни аниқ,
Жаҳон ошган довонларингдан.
Жаҳон ошган хирмонларингдан
Яна не бор дунёда тансиқ?!

Чийралгандир деҳқоним дили,
Хар толасининг қати-қатига.
Деҳқонимнинг муҳаббатига
Ожиз эрур қаламим тили.

Фақат унинг оппоқ ўйини –
Хирмон-хирмон унсиз куйини,
Тинглагаймиз ўртаниб ҳар дам.

Деҳқонимнинг ўйи ўзингсан,
Жаҳон кучган куи ўзингсан,
Ўзбекистон – Ватаним онам!

9

Ўзбекистон – Ватаним онам,
Сен муқаддас, энг гўзал туйғу.
Лекин дилда йўқ эмас қайғу,
Кечанг десам, кўзга кўчар нам.

Пахтазорда эл эди яғир,
Оғу ютди замининг – ўзинг.
Юксак учди ўзингдан сўзинг,
Ачинмайми, эсласам ахир.

Ачинмайми, онамсан-ку, сен!
Ачинмайми, отамсан-ку, сен!
Яна не дей, қизимсан – эркам.

Келажакка тиккандинг қўзинг,
Эртанг кутди ўғилу қизинг,
Сенинг эртанг – менинг ҳам эртам!

10

Сенинг эртанг – менинг ҳам эртам,
Янграп эди орзуим бонги.
Ният қилиб эл иқбол тонгин,
Бош қўтармай ишларди ҳар дам.

Шу қадарки, халқимда ғайрат:
Кезган чоғи фазода инсон,
Осмон қадар кўтариб хирмон,
Халқим чопди эгатма-эгат!

Фазогирдан ҳатто зиёда
Йўлларни у босди пиёда –
Қанотларга йўқдир эҳтиёж...

Бугунимга излардим нажот,
Куйим эди қайрилмас қанот –
Яшшимга йўқ эди илож!

11

Яшшимга йўқ эди илож,
Сенга қалбдан боғлиқ эдим мен,
Сенсиз сувсиз балиқ эдим мен,
Ўзинг эдинг мен учун хилож.

Халқ хиложи – саодатингни
Куйлаб ўтди Ҳамид Олимжон.
Куйлаб ўтди Усмону Чўлпон
Бошга тушган дард-фафлатингни.

Сен деб ўтди Қодирий ахир,
Ўтди Ойбек, ўтди Миртемир
Умрларин куйингга бериб.

Шу куйларга бўлиб пайваста,
Сизаётир бағрингга аста
Букун қалбим ишқингда эриб.

12

Букун қалбим ишқингда эриб
Боқсам: кўрдим зафаринг қат-қат.
Ёдга тушди қўп азиз хилқат,
Гуурландим кўкрагим кериб.

Шонга тўла ўтмишинг, кечанг,
Лек мардларинг жон фидо этди...
Улар билан сен ҳам қон ютдинг,
Кўзёш билан ювилди кўчанг...

Шамол тўсди Беҳбудий созин,
Фитратингнинг баланд овозин,
Кутулдилар улар жон бериб.

Қабрин топмай жим фарёд этдим,
Улар руҳин зиёрат этдим
Кўшиқлардан чечаклар териб.

13

Кўшиқлардан чечаклар териб,
Кутлайнми тиллакорингни,
Галлакору пиллакорингни –
Юрап букун кўкрагин кериб.

Ё куйлайми чўпон-чўлиғинг,
Улуғлайми соҳибкорингни,
Пахтакоринг – ифтихорингни,
Зеро, кўпдир сенинг улуғинг.

Бахтин топар сенда ҳар инсон,
Бор бойлигинг элингга эҳсон –
Озодлигинг халқингга меърож.

Кўнгил тўқдир, ғаним йўли берк,
Йиллар оша қўшиғингда эрк,
Эркинг қутлаб кийдирај гултож!

14

Эркинг қутлаб кийдирај гултож,
Минг бор шукур озодсан, ўлкам.
Зеро, ҳуснинг ўзи ҳам кўркам,
Тож кийишга йўқдир эҳтиёж.

Букун сенда жаҳон нигоҳи,
Оллоҳимга минг бор офарин,
Мустақиллик шонин-шарафин
Ва эркингнинг бўлдим гувоҳи.



Букун сенга мен ўзим шахсан
Юрагимни тож этдим – шоҳсан!
Кўкка боққил! Ундаир жавоб –

Орзуимни унда жам этиб,
Юрагимга айланиб кетиб,
Тождай порлар бошингда офтоб!

15

Тождай порлар бошингда офтоб,
Офтоб мисол ишқим тожисан.
Сен дилларга битилган китоб,
Кўзлардаги гавҳар томчисан.

Гавҳар томчи – қорачиғ янглиғ,
Ғуборлардан ўтгаймиз асраб.
Гўдагингнинг кўзига қараб
Кўролгаймиз эртангни аниқ.

Ўзбекистон – Ватаним-онам,
Сенинг эртанг – менинг ҳам эртам:
Яшшимга йўқ бошқа илож!

Букун қалбим ишқингда эриб,
Кўшиқлардан чечаклар териб,
Эркинг кутлаб кийдирай гултож!

1984–1993 йиллар

ШОИР

Гүзал қишлоқ елкаси узра
 Қиз сочидай түшалмоқда шом.
 Қиз қаради күкка бир сидра
 Құлларида тутган күйи жом.

Хаёлларин недир тилкалаб,
 Охурларга солди шошиб ем.
 Булат күчар күкни елкалас,
 Ёноғида қиз лабидан эм.

Күз узмайин күк уммонидан
 Қиз ўйларди: “Кеч кирди шояд...
 Чуғурлашиб шом Куръонидан
 Чумчуқчалар ўқирди оят.

Пода йўлин болалар пойлаб,
 Йўл чангитиб солади шовқин.
 Болаларга чоллар ҳой-ҳойлаб
 Пасайтирмоқ бўлишар завқин.

Пода келиб, югуриб ҳар ён
 Бузоғига шошилар сигир.
 Бузоқ “мў”ни эшитган замон
 Қозиғида айланар гир-гир.

Тупроқ йўлда ошиққан йигит
 Кузатарди завқланиб бунга.
 Юлдуз кечга ўқиди ўгит:
 Кеч ўрнини бермоқда тунга.

Йигит тезлаб бораркан, кўзин
 Уйқу каби элитди хаёл.
 Хаёл суриб урди у ўзин,
 Ёқа ушлаб қолди бир аёл.

“Саломни ҳам билмайди, аҳмоқ...”
 Тўнғиллади йўлдан ўтган чол.



Кўз олдини қоплади қопқоқ –
Тамом уни элитди хаёл:

Қадамлари секин-секинлаб,
Тўхтаб қолди йўлида йигит.
Занжирини тишлаб, юлқилаб
Ён ҳовлида сапчир эди ит.

Олмаларга тўлдириб қўйин
Қочиб ўтди бир тўда бола.
Йигит кўрмас: хаёли қуюн,
Юрагида ҳислар шалола...

Не ҳам дердик, қоракўз бўтам,
Қўяверинг булар барчасин,
Жўхоризор яшириб бу дам
Икки қора қуёш парчасин –

Шу йигитнинг йўлига муштоқ
Боқар эди қачондан бери.
Йигит эса турибди бу чоғ
Вужудини хаёлга бериб...

Зотан, у ҳам келарди ахир,
Висолни деб, қалби ушалиб.
Лек ўйига келмасди ҳеч бир,
Висол ҳисси нурдай тўшалиб,

Хаёллари кўқда талошиб
Кун ботишин кутганини қиз.
Билса эди қоларди шошиб,
Қиз олдида чўкар эди тиз.

Мана энди ўнгида – туши:
Йигит турар биз кўрган ҳолда.
Ўзидамас йигитнинг ҳуши,
Ўзга олам кезар хаёлда:



Бағрин очиб чорлар тафаккур,
Олиб учар илхомий саман.
Шуурига ёғилади нур,
Түйғулари яшнаган чаман.

Фикрлари тошқин дарёдай,
Қалбда ҳислар қуарар анжуман.
Инграб қолар гоҳо дилда най,
Гоҳо эса түшалар туман.

Йўл чангидан қирор босган қош
Чимирилади. Ботади терга.
Үй-тафаккур залваридан бош
Хиёлгина эгилган ерга.

Ана, бироз ёришди юзи,
Лабларида үйнар табассум.
Кўзга кўчди қувончнинг изи,
Ҳаяжондан жимирлаб, шу зум

Бир оламни ортиб олган бош
Кўтарилди кўкни қучгудай.
Қалдирғочдек қанот ёйган қош
Севинчини олиб учгудай.

Қувончидан сиғмай оламга
Ўз-ўзича кўяр илжайиб.
Сиртдан боққан ҳар бир одамга
Туюлади эриш... Ажойиб...

Ахир бу пайт кўрган нима дер,
Жинними деб үйлашар, койир.
Худди шундай туғилади шеър,
Шундай яшар одатда шоир.

Эшилса ҳам баъзан аччиқ сўз,
Шоир қалби билмайди ғараз.



Жўхоризор яширган жуфт кўз
Эртан албат қилади араз.

У ўз бахтин ўйламас сира,
Баъзан этмас ёр васли насиб.
Сахий қалби сўрамас кира
Кенг дунёни юрса ҳам ташиб.

Сезмас кўплар шоирнинг қалбин,
У ҳамманинг дардин этар ҳис.
Пешонаси шудгор ер каби,
Ёш бўлса ҳам эмасдир текис.

Сув юзини чилпиб ўтган ел
Манглайида қолдиради из.
У бор жойда тоғлар тилли эл,
Кўз қисишиб сўзлашар юлдуз.

Топа олар ноҳақлигин ҳам
Ерга бирдай боқмаган Кундан.
Яшиrolmas шундай кенг олам
Зиғирчалик айбини ундан.

Шундай кезлар йўллар четида
Бермоқ учун дунёга сайқал.
Ўйлар шамшаб ўйлар кетидан
Туриб қолар бамисли ҳайкал.

Ажаб эмас, чиндан бир маҳал,
Ёзган шеъри ёд бўлиб у дам,
Ўша ерга қўйилиб ҳайкал,
Оқиб турса ёнидан одам.

У чоғ унда одамлар не дер,
Фахримиз деб қолишар қойил.
Худди шундай туғилади шеър,
Шундай яшар аслида шоир.

МАНГУ ЁДГОРЛИК

*Онам Ҳидоятой
САИДУСМОН қизига*

1

Яна келдим, она, қабрингга
 Икки күзда жиққа ёш билан.
 Энди етиб сенинг қадрингга,
 Келдим, она, эгик бош билан.
 Тупроқ тұла күзларингни оч,
 Тупроқ янглиғ түйіб үпайин.
 Ҳаёт сенга айлади муҳтож,
 Букун сени қайдан топайин?
 Келдим сени сүроқлаб, бироқ
 Faқат бунда бир уюм тупроқ.

2

Энди мангу маконинг шунда,
 Зориқсам-да йүқ сендан дарап.
 Келолмайман қошингга кунда,
 Олисларда дард чекар юрак.
 Ахир нетай, мени бу ҳаёт
 Сендан йироқ қувласа, она.
 Қалбдан үзга бойлик менга ёт,
 Ёдгорликсиз ётар сағана.
 Безатолмай мармартош билан,
 Турибман мен эгик бош билан.

3

Мендең унсиз ҳайбатли чүққи –
 Темур қопқа термулиб боқар.
 Күнглим каби сенга куй түқиб,
 Пастда Сангзор зорланиб оқар.
 Ёнгинанғдан поездлар үтар
 Күзга суртиб қабринг гардини,
 Онажоним, бошингни күттар,



Бир дам тингла ўғлинг дардини.
Тополмадим сендей бир ҳамдам,
Ғам экан-ку сенсиз бу олам.

4

Сағанангда сарғайиб қолдим,
Бир сўзингга бўлиб интизор.
Ҳар сўзингни хотирга олдим,
Мехринг дилда ўт олди такрор.
Билмасканман меҳрингни, она,
Суйган чоғинг тунлари бедор -
Ҳар сўзингни ўйласам яна,
Қанча меҳр, қанча сеҳр бор.
Қайтса эди болалик пайтим,
Нолишларим олардим қайтиб.

5

Тирик пайтинг тиймайин тилим,
Неки келса шуни сўйлабман.
Мехринг билан яшнаса дилим,
Ҳаёт ўзи шу деб ўйлабман.
Англамабман, ҳаёт йўлида
Қоқилма деб, тиласанг тўзим.
Сени кўриб ўлим қўлида
Худди мошдай очилди кўзим.
Кеч очилди кўзларим бироқ,
Кучиб қолдим оқибат тупрок.

6

Баргдай титраб ҳазин ва мунгли
Оқа бошлар юракдан куйлар.
Куйга борин тўколмас кўнглим,
Ғижимлайди туйғумни ўйлар.
Қилолмайман фикрим саришта,
Қўл тўшалган, тик турибман, тик.
Ҳаёт берган эзгу фариштам,
Нени сенга этай ёдгорлик!

Қалбимгами ўяйин исминг,
Ё қайтадан тиклайми жисминг?!

7

Тиклай десам жисминг, онажон,
Инсон қанча бўлмасин буюк,
Марҳумларга бахш этолмас жон,
Ҳали ўлим олдида ўксук.
Қани энди, кўксимни тилиб,
Буюк сиймонг қалбимга ўйсам.
Ва Данконинг қалбидай юлиб
Қалбимни мен қабрингга қўйсам.
Порлаб турса меҳрга тўлиб,
Мангу ўчмас оловдай бўлиб!

8

Ўй тизилган сезгим мисли сих,
Тубсиз экан ўйнинг ҳам таги.
Ахир қандай қалбга урай тиф –
Кўксимдаги ОНАМ юраги!
Мерос қолган онамдан фақат
Шу бир юрак, шу ғамли сийна!
Мен ўзимга қилмасдим шафқат,
Онам руҳин қўймасам қийнаб!
Ахир бу ҚАЛБ – онам солмай жар,
Ўз қалбидан яратган асар!

9

Қабристонда жимлик хукмрон,
Гўё ҳаёт қолгандай тўхтаб.
Не қиласин билмайин бу он
Қуёшгина жилмаяр сохта.
Зотан, булут келмоқда бу дам
Кўк юзини бостириб тамом.
Сохталикка ўргандим мен ҳам,
Дўстлар ичра қувноқман мудом.
Сукут сақлар шу ғамли ҳилқат,
Фақат шунда, шунда ҳақиқат.



Оғир жимлик. Қаршимда фақат
Эшиксиз уй – бир уйим тупроқ.
Жимжитликка қилолмай тоқат
Шивирларди ненидир япроқ.
Ел еларди билмайин қўним,
Майса-гуллар тушарди ўйин.
Сезган янглиғ чилпарчин кўнглим,
Авж олдирди Сангзор ҳам куйин.
Тўлиқсан қалб куйлаб юборди,
Дилда борин сўйлаб юборди.

Таскин топиб юрагим бироз,
Ортимга мен қайтдим оҳиста.
Ёдинг бўлиб кўнглимга ҳамроз,
Қола бошлар қабринг олисда.
Аммо дилда борасан порлаб,
Бир орзуни кўнглимга туйдим:
Тирик сиймонг меҳрга ўраб,
Қўшиқ деган чўққига қўйдим...
Севинчимга қалб қилиб торлик:
– Қўшиқ! – дедим, – сенга ёдгорлик!

Тўзғиб кетди хаёлим бирдан,
Мозорингдан кўтарилди чанг.
Қуёш чиқиб келгандай қирдан,
Кўз ўнгимда жонланди чеҳранг.
Ўхшар экан хаёл ҳам тушга –
Тирик олам қочди зориллаб,
Хаёлимда сен келиб ҳушга,
Якка ўзинг қолдинг пориллаб.
Сўнгра кўкни босгандай булут,
Қўзларингга кўчди бир сукут.

13

Титраб кетди ногаҳон олам,
 Чаппар урди таниш бир товуш:
 Онагинанг ўргилсин, болам,
 Нима учун турибсан бехуш? -
 Уввос солиб тўлғондинг беҳол,
 Сўнгра чўздинг мен томон қўлни:
 Ол, табиат! Олиб ташла, ол,
 Қабристонга элтувчи йўлни!
 Фарзанд зоти чекмасин ситам,
 Бу йўлдан ҳеч юрмасин одам!!!

14

Хаёлимда шу қўйи сени
 Олиб кетдим қўтариб, она,
 Юпатмади қўшиқ ҳам мени,
 Қўшиқ бўлиб ўзинг парвона.
 Қўшиқ янглиғ мангу ҳаётсан,
 Сен ҳақингда куйлаш ҳам қийин.
 Ўлимларни ўлдирган зотсан,
 Ўлим бор деб ўйлаш ҳам қийин.
 Ўзинг экан ўзингга ҳар гал
 Тирик турган мангулик ҳайкал!

1966 йил



ЗАНЖИРБАНД БУРГУТ

МУҚАДДИМА

Маҳрум бўлсанг ҳур фикр-ўйдан,
Кун кўришинг ўйлаб қоласан.
Қоринни деб безасан уйдан,
Ўз мулкингга човут соласан.
Шундай ҳолга тушган бир Бургут
Қисматини берайин сўйлаб.
Диёнатга солмайлик човут,
Қадамимиз босайлик ўйлаб.
Зеро, кўплар сотиб диёнат,
Этмоқдадир элга хиёнат.

1

Бир қоя бор қалбимга яқин,
Кўнгил янглиғ оқ ва пурвиқор.
Пастда қолар қўкламги чақин,
Олисларда куйманар баҳор.
Аrimайди ёзда ҳам аммо
Чўнг бошидан кумуш жиғаси.
Тошдан тошга сакраб доимо
Ўйноқлайди қумуш жилғаси.
Ой тунлари суқланиб боқар,
Куёш нурдан гулчамбар тақар.

2

Жилғаларнинг қўшиғи дилгир,
Бемор чолдек туарар тоғ мудраб.
Тоғ бағрида қирлар ҳам мизғир
Бир-бирига елкасин тираб.

Тоққа боқиб бўламан ҳайрон,
Оқ булутдан бошида “салла”.
У уйқудан туриши гумон,
Еллар тинмай айтмоқда алла.
Уйғоқ диллар, уйғотинг уни,
Нечун мунча севар уйқуни?!

3

Ўнгирларда ўйнайди оху,
Тоғ уйқусин бузмоқчи гүё.
Кўчган тошлар солади ғулу,
Титраб кетар бутун бир дунё.
Титраб кетди вужудим маним,
Нечун бунда ваҳима ва мунг?
Балки тилсим айлаган ғаним,
Нечун ахир турар мудом гунг?
Гар ҳайқирсанг, қайтар акс-садо,
Аммо чиқмас ўзга бир нидо!

4

Ҳайҳот, гунгман, дўстларим, мен ҳам,
Сабабини англадим энди!
У тоғ дарди эмасдир мубҳам –
Макр тоғнинг Бургутин енгди.
Шул боис тоғ хаёлга ботиб,
Мунгли боқиб турар қояси.
Тоғ ўксигай узала ётиб,
Дараларни босган сояси.
Мен топай деб дардига дармон,
Тилсиз тоққа бўлдим таржимон.

5

Тоғ қоясин учқур тошига,
Етолмаган чўпон таёфи.
Чиқолмаган қорли бошига
Ҳатто чайир кийик туёфи.
Фақатгина саҳардан то шом

Шу қояда ўсган бир бургут.
Тутқинликни билмаган тамом,
Сийпалаган патини булут.
Қоя узра парвоз этган у,
Макон тутган шу тоғни мангу.

6

Баҳорда ҳам бағрида бўлган,
Қишида ҳам турган ёнида.
Қалби тоғнинг меҳрига тўлган,
Тоғ виқори кезган қонида.
Агар Бургут биронта илон
Кўриб қолса, этмаган сукут,
Ёки қўрқиб чекмаган нолон,
Мисли ўқдай отилган Бургут:
Човут солиб, ғижимлаб шу он
Илонларга бермаган омон.

7

Бола эдим уни кўрганда,
Ўлтиради чўққида мағрур.
Виқор билан қараб турганда
Фуруримга етарди путур
Ва айларди мени шунда лол
Шиддат билан юксакка учиб.
Тўсолмасди йўлини шамол,
Шўнғир эди булутни қучиб.
Мафтун этиб болалик чоғим
Чорлар эди бургутли тоғим!

8

Ўша Бургут бехосдан бир кун
Кўриб қолди кучук қорасин.
Икки кўпрак искалаб бутун
Титкиларди тоғлар орасин.
Ногоҳ дара гумбурлаб кетди,
Чўққилар ҳам берди акс-садо.

Итлар чопиб ўлжага етди,
Овчи ўқи кетмади хато:
Каклик тишлаб қайтдилар кучук,
Энди Бургут тек турсин нечук?!

9

Ҳаволанди кўк сари Бургут,
Бир-икки бор айланди сўнгра.
Ишончдадир ғалаба ва кут,
Ишонч билан шайланди сўнгра
Ва кўзини важоҳат қоплаб,
Шиддат билан қуилди итга.
Етиб бориб чанг урди боплаб,
Тоғ босгандай туйилди итга.
Қора қонга беланиб юзи,
Туманлашди кўпракнинг кўзи.

10

Аввал кўпрак боққанди лоқайд,
Кейин зўрға тутди ўзини.
Бургут яна ташланди шу пайт
Мўлжал олиб кўпрак кўзини.
Кўзларига Бургут солиб чанг,
Тумшуқ урди кўпрак бошига.
Иккинчи ит бошлаб қолди жанг,
Етиб бориб Бургут қошига.
Жанг қизиди сўнгра бир муддат,
Бургут ёлғиз – сусайди шиддат.

12

Қайда қолди мададкор оху,
Қайда бу дам тоғнинг калхати?!
Бургутга-ку ёт эди қўрқув,
Ёлғизлиги ёвга асқатди...
Бермасмиди охулар далда,
Тилаб турса ёнида омад.
Бош қўшганда калхат шу дамда



Бургут дарҳол тикларди қомат.
Ёлғиз Бургут қилолмайин жанг,
Химояда жон сақлар аранг.

13

Етиб келди Овчи, хайрият,
Кўпраклардан қутулди Бургут.
Ўзга эди Овчидаги ният,
Бошқа эди Бургутда умид.
Овчи ўйлар: борар олди ов,
Турди гўё ошиғи олчи.
Бургут энди эмасди асов,
Гўё уни қутқарди Овчи...
Аммо Овчи ишонмай “ов”га,
Солди уни чилвир тушовга.

14

Қаноти ҳам қайрилди унинг,
Оёғига боғланди тушов
(Овчи менга ёқмади шунинг,
Тумшуққа ҳам солибсан буров).
Қичқиришга қўйиб бер, ахир,
Нола тортсин титратиб тоғни!
Видолашсин у билан тоғ-қир,
Ювсин бироз дилдаги доғни:
Гуноҳи не – тоққа меҳрими?
Гуноҳи не – ёвга қаҳрими?!

15

Типирчилар Бургут bemажол,
Кўпракнинг ҳам бири берди жон.
Кулиб боқди Овчига иқбол,
Завққа тўлиб қайтди уй томон.
Бир кўпраги оқсаб эргашди,
Кўзларида милтиради ёш.
Аза бўлди унга ов гашти,
Шерик қолди кўтаролмай бош.



Бу ов кимга келтирди алам,
Кимга шодлик, кимгадир мотам!

16

Фақат Овчи қайтар бепарво,
Үлган күппак келмас ўйига.
Кўзи яшнар кўкламдай, аммо
Куз кирганди соқол-мўйига.
Бошидаги хазонрез рангин
Қоплаб турар устунсиз айвон.
Шўрлик Бургут қолганди гангиб,
Туман эди унга тўрт томон.
Тоғни қўмсаб қон босди кўзин,
Унутарми ахир юрт тузин!

17

Овчи йўлда бўлиб овора,
Уйга келди жиқ терга пишиб.
Ҳолдан тойган Бургут бечора
Қолди Овчи кўйига тушиб.
Шижоатдан қолмади асар.
Уй тўрида ётди у ёввош.
Тамшанарди нон берса агар,
Гар бермаса турар эгиб бош.
Куш бўлсанг ҳам тушма тушовга,
Қарам бўлиб қолма бировга!

18

Кунлар ўтди оқин сой мисол,
Сой сўнгидек Бургут қуйилди.
Юз кўрсатди неча бор ҳилол,
Овчи унга ойдек туйилди.
Уни қўлга ўргатди Овчи,
Қараб қолди Овчи қўлига.
Соҳиб эрур унга тушовчи,
Тушди унинг солган йўлига.
Оҳ, маккорлик, разил маккорлик,
Кўрсатмадинг кимларга зорлик!

19

Шундай жасур Бургут ҳам, мана,
Тузоқ тушиб, овинг этар шан.
Тушови ҳам ечилган, ана,
Лек юракка урибсан кишан.
Энди бундан кетолмас нари,
Гүё кетса – очликдан ўлар.
Унутилди тофу тош – бари,
Гүё шунда толеи кулар.
Бургут қалби боғланди, ёху,
Боғлаган не? Мехрми ё у?!

20

Мехр бўлиб туйилар балки,
Балки чиндан эмасдир макр.
Шоирлар ҳам суюлар балки,
Балки ноҳақ юритдим фикр.
Хў, Эргаш, сен қалбга қасам ич,
Шеърда мудом поклик ғамин е.
Гар бошингга тушса ҳам қилич,
Ҳақиқатни, адолатни де.
Мехр шимиб ўсгансан чайир,
Мехр билан макрни айир!

21

Кўр, Овчининг “мехру ҳимматин”:
Чиндан доим Бургут қорни тўқ.
Овчи билди Бургут қимматин,
Зеро, уни бекор боққан йўқ.
Билмасайди Бургутнинг нафин,
Тенг қилмасди ҳатто сарқитга.
Итин сийлаб қиларди даъфин,
Бургут гўштин берарди итга.
Наф деб қилди Бургутга хизмат,
Гўшtlар бериб кўрсатди ҳиммат.



22

Букун Бургут ишчандир ҳар он,
Уни Овчи ўргатди овга.
Тоғнинг ёвин оларди нишон,
Букун ўзи айланди ёвга!
Ўсган тоғин баҳридан ўтиб,
Бургут меҳри Овчига ийди:
Какликларни келади тутиб,
Оҳуларнинг кўзин чўқийди.
Оҳ, ўзингдан чиққан балога,
Борар эдинг қайга давога!

23

Лекин, дўстлар, не қилсин Бургут
Аросатда ўралиб қолди.
Овчи унга бериб гўшту сут,
Юрагини кишанлаб олди.
Кетолмайди – юрак занжирбанд,
Бундан ортиқ бормикан макр?!
Фарзандидан ким бўлар хурсанд,
Ўз Ватанин унутса, ахир.
Тоғлар эса мудраркан хомуш,
Бургутини кўрар доим туш.

24

Ўнгирларда ўйнайди оҳу,
Тоғ уйқусин бузмоқчи гўё.
Кўқда Бургут кўринди, ёҳу,
Титраб кетди бутун бир дунё.
Кийик ўзин урди ҳар ёнга,
Каклик қорга тиқиб қолди бош,
Куён ўзин олди панага –
Қотиб қолди жами тоғу тош...
Куйиб-ёниб Бургут қилар ов,
Аммо эга ўлжага бирор!

25

Билса эди – буюклик шони
У Бургутта бермасди қанот.
Бўлса эди тошларнинг жони,
Тошлар эди уни шу заҳот.
Балки тилсим айлаган ғаним,
Йўқса, нечун буюк тоғ ҳам гунг?!
Келар тоққа қичқиргим маним,
Йўқолсин деб ваҳима ва мунг!
Аммо тоғда ҳукмрон шамол,
Қичқирганинг – овози завол.

26

Ҳайҳот, гунгман, дўстларим, мен ҳам!
Сабабини англадим энди:
Ўксук тоғнинг дардимас мубҳам –
Овчи макри Бургутни енгди!
Буюк номин йўқотди Бургут,
Овчиликни қилиб олди касб.
Майли, тоғлар, бунингни унут,
Чиққан эрса ношуд ва нокас.
Бургутларинг етишиб ҳали,
У нокасни қўймас келгали.

ХОТИМА

1

Бургут бўлиб туғилган Бургут
 Ўзгартмасин ўз номин, ҳайҳот!
 Ундейларга бўронинг бурқут,
 Жой бермагил бағрингдан, ҳаёт!
 Минг афсуским, шу Бургут мисол
 Бор юраги занжирбанд инсон.
 Овчим, майли, қўлга кишан сол,
 Озод бўлсин қалблар ҳар қачон!..
 Нечун энди чиқармайлик ун,
 Бошга тушса Бургут тушган кун!

2

Бехудага сиз ҳам, одамлар,
 Faфлатларга берманг юракни.
 Тўғрилолмас кейинги дамлар
 Қийшиқ ўсган улкан теракни.
 Енгил турмуш элитган пайти
 Бургут янглиғ қилма кўникма.
 Пушмон бўлган одамлар, айтинг,
 Кўникмадан бир наф кўрдикми.
 Шу бугунги куним кун дея,
 Қилгунингча, кўникма ҳосил,
 Майли, азоб ташласин соя,
 Ватанин деб дорга ҳам осил!
 Инсон бўлиб туғилган инсон
 Инсон бўлиб қолсин ҳар қочон!

ГЎЗАЛЛИК ҚИСМАТИ (Шеърий қисса)

МУҚАДДИМА

Ёшу қари танир Чиройни,
Ёри бор ҳам йўлини тўсар.
Уялтирар тунлари ойни,
Юлдузлар ҳам кўзини қисар.
Шундай гўзал, шундай у сулув,
Илк кўрганлар шайдо шу нафас.
Билмаганлар тушиб юрар чув,
Билган унга қилмайди ҳавас:
Кўрса уни от бўйи қочар,
Тунда бориб эшигин очар
Билмаганлар ғафлатда қолиб.
Ишга солар қўш нафсини ҳам,
Сўнг билмаган Чиройни билар.
Қанча берса – унга бари кам,
Чўнтак тугул терисин шилар.
Нафси кўкка ўрлар ҳар бойнинг,
Кўшсам дейди ҳиссага ҳисса.
Нафс домига тушган Чиройнинг
Қисматидан сўйлай бир қисса.

1

Куппа-кундуз, айни туш маҳал,
Борар эдим ариқ ёқалаб.
Боларилар йиғарди асал,
Ҳар бир гулга қўйиб аста лаб.
Чигирткалар шимиб гул totин,
Сўнгра гулни кетарди тепиб.
Капалакнинг гулдор қаноти
Ҳисларимни қўзғарди елпиб.
Капалакдай толмайин хиёл
Теваракни қучарди қўзим.

Күнглим каби узалиб хаёл
 Күярди гул юзига юзин.
 Ҳислар тўла кўнглимга анқиб
 Куйиларди ялпизнинг ҳиди.
 Хув, кўппак ҳам юрибди санқиб,
 Наҳот, гулни тусаса диди?
 Диidi борми, йўқми, билмадим,
 Фақат менга шуниси аник,
 Бир гул турар – кўппак бир одим,
 У бепарво кўрмаган янглиғ.
 Лекин одат гидик чоғидан
 Сезиб бўлмас шивирни тинглаш.
 Гул кўпирган олма боғидан
 Ел келтирди ширин бир инграш.
 Хавотирга тушиб у шу он
 Сергакланиб қаради боқقا.
 Думин қисиб бўлди сўнг “куён”,
 Ўз сезгиси бошлаган ёқقا.

2

Кетган эди мажақлаб гулни
 Кўппак жўнар пайтида бундан.
 Гўё янчиб кетганди дилни,
 Ололмайман кўзимни ундан.
 Типирчилар ҳислар бетоқат,
 Гул устида куйманар хаёл.
 Қолган эди кўппакдан фақат
 Оёқ изи, тирноқлардан “хол”.
 Гулнинг мажруҳ тани бўялиб,
 Чапланганди қизғиш суюқлик.
 Кўшни гуллар боқар уялиб,
 Уларда ҳам қўрқинч, куюклиқ.
 Балки кўппак тирноғида ҳам
 Бир ол томчи кетган зор қақшаб.
 Балчиқларга беланиб бу дам,
 Балки қолган балчиқса ўхшаб.
 Оҳ, кўппакка бунда нима бор,

Нега этар гулларни пайҳон.
Дардкаш бўлиб тебранар гулзор,
Мажруҳ гулда ўйларим ниҳон.
Ёнидаги яна бир гул ҳам
Букилганди наздимда хиёл.
“Кўппак қайга йўқолди бу дам...”
Хаёлларим – тўзиб ётган ёл.
Гўзалликнинг кўзини ўйиб
Кетса қайдан топайнин даво.
Гўзалликни яратиб қўйиб,
Табиатнинг ўзи бепарво.
Бундай ҳолга бўлганда гувоҳ,
Нафас тўхтаб, юрак қисади.
Айтинг, ахир дўстларим, эвоҳ,
Гўзалликнинг шуми қисмати?!

3

Боғ хаёлдан чиқибди паққос,
Келганди-ку ширин бир инграш.
У товушни унуглибман, рост,
Мажруҳ гулдан кўнглим бўлиб ғаш.
Қалби ёниб қай бир баҳтиёр
Ширингина ингради унда.
Бир-бирига бериб ихтиёр,
Сўзлашарди икки ёш бунда.
Кимнинг қизи?
Кимнинг шаввози?
Тўхтанг, тўхтанг,
Гапирди бири...
Эркаланган йиги овози...
Яна жимлик.
Барглар шитири...
– Мана, Чирой,
Сенга сирға, пул...
Қанча десанг, бераман ҳали...
Чирой кўзи сирғада нуқул,
Қўлида пул, ўйлари дали...

– Шодмон ака,
Сиз менинг жоним,
Мени тағин кетманг унутиб.

– Янганг ёмон,
Фақат юргин жим,
Билиб қолса юборар ютиб...

Қиз боши ҳам,
Йигит ҳам ўсал:
Бир-бирига сүйкалар гоҳи.
Икки товуш тинди бир маҳал,
Шитирлади дараҳтлар шохи.

4

Сувга чўккан тош каби сингди,
Боғ тўрига бир қора шарпа.
Элас-элас кўзга чалинди
Сиёҳ тундан юлинган парча.
Қиёсладим мен уни тунга,
Тасвиrlаб ҳам бўлмас шарпани.
Арзимайди.
Ёпайлик унга
Қарғиш ёқсан сатрий кўрпани.
Уни асти кўрмаган маъқул,
Тасвирини ким ҳам суяди?
Ўт-ўт эрур, кул-чи, эса-кул!
Шарпа эрур шарпа суврати!
Ҳа, боғ тўрига соядай сингди
Ўша тундан юлинган парча.
Товуш бериб шох-шабба синди,
Сас ҳам бермай кетди у шарпа.

5

Ундан сўнг-чи?
Ундан сўнг, эвоҳ,
Шўрлик Чирой боғни оралаб,
Чиқиб келди бамисли арвоҳ.

Гавҳар тишлар орасида лаб,
 Юзларида асар йўқ қондан,
 Тўзғиб кетган дуркун соchlари.
 Умидини узгандай жондан
 Санчилади қилич қошлари.
 Гандираклаб келди-ю, беҳол,
 Ёлғиз ўсган теракни қучди.
 Бир нафасда ўзгарди аҳвол,
 Ақли қочиб, хаёли учди.
 Ҳаёт гўзал бўлса ҳам беҳад,
 Изтиробга тўлиқдир қўйни.
 Бирор ғамдан бўлади хурсанд,
 Айлантирап азага тўйни.
 Шундай гўзал гўзаллик аро
 Ахир, мана, рўй берди фоже.
 Чирой сайри бўлди тим қора,
 Кўлдан кетди гўзаллик тожи.
 Шодмонини ардоқлаб дилда,
 Чиқмаганми висол қўмсаб ул.
 Қайдан билсин ишқ гоҳо тилда,
 Тўй кўрмайин қолишини тул?!
 Биларди-ку, гул деб тутгани,
 Алаф чиқиб қуврашин ният.
 Биларди-ку, баҳт деб кутгани,
 Бўлишини мангу азият.
 Ахир Шодмон уйланган эди,
 Севгисига ишонди аммо.
 Мана энди, Чирой панд еди,
 Чақ-чақ урар бошида само.
 Лекин қизга қоронғу дунё,
 Кўзларидан ранг олган қалби.
 Шундай гўзал баҳор ҳам гўё
 Кўк кийинган азадор каби.
 Шу гул қизни кул қилгани он,
 Наҳот, йигит қалби қисмади?
 Ахир, ҳусн эмасди-ку, нон,
 Гўзалликнинг шуми қисмати?!

Дунё ўзи ажабдан ажаб:
 Яшаш истар яхшию ёмон.
 Яхшиларга омад берар чап.
 Гўзалликка ёпишар сомон.
 Беозорлар азобдан қўрқиб,
 Юрса ҳамки бурчакма-бурчак,
 Бурчакларга чотирин тўқиб,
 Тутиб олар маккор ўргимчак.
 Бахт маскани чотири гўё,
 Тўрсиз олам унинг учун ғам.
 Асли шундай яралган дунё:
 Бахт излайди –
 Душман ҳам, дўст ҳам.
 Баъзи ҳолни ўйлаганинг дам
 Миянг ғовлаб бўласан гаранг:
 Лойда яшаб, лойни еса ҳам,
 Чувалчангга юқмас асло чанг.
 Чувалчанглар ҳаёти-ҳаёт,
 Олди-орти – ҳаммаёғи бош.
 Бош-у, бироқ ақл унга ёт,
 Думидан ҳам еяберар ош.
 Лойни сезар, шунга ҳам шукур,
 Кўзсиз эрур, керакмас кўзёш.
 Керак эмас унга тафаккур,
 Керак эмас на унга қуёш.
 Зотан, доно тортару жабр,
 Умри ўтар тизгинда гирён.
 Жоиз эмас телбага таъбир –
 Тўпигига чиқмайди уммон.
 Телба эмас йигит ҳам, қиз ҳам,
 Ё эчкию қашқир ҳам эмас.
 Ўзин биздан санамайди кам,
 Ҳатто бизни тенги ҳам демас.
 Иккисин ҳам сиёғи одам,
 Аммо шуни айтаман такрор:
 Одамларнинг орасида ҳам

Ўргимчагу чувалчанглар бор.
Мисолимда худди шу маъно:
Ўргимчакка ўхшар йигит ҳам.
Чувалчангмас – бўлсайди доно,
Қиз ўз бошин этмас эди ҳам.
Илинтириб тўрга, ҳароми,
Кетди, мана, бошини олиб.
Чил-чил синиб муҳаббат жоми,
Йиғлар энди қиз танҳо қолиб.
Дунё ўзи азалдан охир
Доноликни қиласи талаб.
Нафс балосин тиймаган, ахир,
Холи доим ажабдан ажаб.

7

Ана, нафс деб баҳтсиз қолган қиз
Турап ҳануз теракни қучиб.
Фақат бироз чўкибди у тиз
Бирор кўриб қолишдан чўчиб.
Кимга дардин айтсин энди у?
Қиз ҳолидан ҳеч ким хабарсиз.
Сирғаю пул солади ғулу,
Отмоқликка ожиз эди қиз.
Ҳаётга ҳам қилолмас ҳужум,
Йўқ эрса-да қасос адоги.
Кийимлари ғижим ва ғижим,
Кўйлагида қизғалдоқ доғи.
Гўзалликнинг ҳаммаси гўзал,
Гўзал эди шу туриши ҳам.
Таърифига тилим лол бу гал,
Тасвирига ожиздир қалам.
Энди сиз ҳам этинг тасаввур,
Тасаввурдан гўзал нарса йўқ.
Тасаввур ҳам аммо, ҳайтовур,
У ҳусндан узилган бир чўғ.
Шунчалар қиз қомати зебо,
Юзи сувдай сулув ва тиниқ.



Қайроқ тош ҳам қилади ибо,
 Дириллаган баданлари ниқ.
 Тўзғиб ётган сунбул сочи ҳам
 Нозик белин қучади рашқдан.
 Нега шундай гўзалнинг ҳар дам
 Аrimайди кўзлари ашқдан.
 Дунё чаппа айланиб бир бор,
 Қани, қувса дилдан тутунни.
 Шу гўзални айлаб баҳтиёр,
 Қайтиб берса кечаги кунни.
 Йўқ! Йўқ, асло!
 Ҳеч бир ҳожатсиз!
 Қайтар эди бари бир шу кун.
 Ўшандা ҳам қолиб нажотсиз,
 Қоплар эди юрагин тутун.
 Ўшандা ҳам унинг барибир
 Тўлар эди кўзлари ёшга.
 Юмиқ кўзлар очилмас ахир,
 Мағрур боши тегмаса тошга.
 Балки у ҳам мағрурлик қилиб,
 Гўзалликда танҳоман деган.
 Чиройини ақл деб билиб,
 Балки бугун қаттиқ панд еган.
 Балки ҳеч бир ғамни тан олмай,
 Баҳт деб юрган бир уй эркаси.
 Энди тоғдай ғамни енголмай,
 Силкингандир нозик елкаси.
 Савдо тушиб ҳар ҳолда бошга,
 Энди юм-юм тўқмакда кўзёш.
 Кўзёшидан боқар қуёшга,
 Кўзёш бўлиб кўринар қуёш.
 Майли, дунё айланиб чаппа,
 Ўтган кунни этмасин бунёд.
 Гўзалликни яратган дафа
 Ақлдан ҳам берсанг-чи, ҳаёт!

Қалбга чўкиб тоғдай бир армон,
Қиз ўрнидан турди оҳиста.
Ниқти тандан кетибди дармон,
Қадам босар авайлаб, аста.
Сўнган энди қутурган ҳислар,
Зўрға тутиб турибди ўзни.
Шўрлик Чирой неларни эслар,
Нега ердан олмайди кўзни.
Балки тузар хаёлда режа,
У эртанги турмуш, ҳаётга.
Қандай қувноқ, шодлигин кеча,
Балки олган ачиниб ёдга.
Нега хуснин, номусу орин
Қўриқлашга тополмади куч.
Нечун дарҳол топширди борин,
Ёрсиз эрга келмасмиди дуч.
Мана энди оғир ўй суриб,
Келди Чирой ариқ бўйига.
Ечинди у панада туриб,
Нелар келди қизнинг ўйига.
Балки сувдай ғамлари совиб,
Ўйлагандир енгил тортишни.
Балки сувда этагин ювиб,
Ювмоқчиdir элдан миш-мишни –
Қиз ечинди, ечди ҳархолда...
Бирдан шу пайт сув этди “шалоп”.
Ёзолмайман
Қизни бу ҳолда,
Йўқ, начора сақлаймиз одоб.
Боламасмиз ўтириб толда
Пойласак биз.
Кетдик ёру дўст,
Бунда туриш эмасдир дуруст.

Дүстлар, Чирой қиссасин айтиб,
 Қолдирғандик ариқда ёлғиз,
 Кузатайлик у ерга қайтиб,
 Не аҳволга тушди экан қиз.
 Бу не ҳолдир?
 Қандай фалокат?
 Қон юқими манави майса?
 Наҳот, Чирой тополмай тоқат,
 Ўз-ўзига ҳадди кучайса?!
 Яшамаклик әмас тайёр нон,
 Онанг доим қилиб қўйса тахт.
 Курашлардан туғилган инсон,
 Курашлардан иборатдир баҳт.
 Алдандингми, майли, тута, ён,
 Сўнгра ундан чиқар хулоса.
 Ўз-ўзингга қилмайин исён,
 Ўйла умринг давомин роса.
 Ким ҳам уни инсон деб атар,
 Қилмоқ бўлиб ўзига исён,
 Аччиқ қилиб турмушга агар
 Ўз-ўзини айласа қурбон.
 Аҳмоқларнинг аҳмоғидир у,
 Ҳаёт уни кечирмас асло.
 Ўлган билан битмайди қайғу,
 Ўзгармайди ҳаёт ҳам аммо.
 Жангда ўлган бўлмаган авом,
 Ўлимларни ўлдириб ўлган.
 Ҳаётлари этмоқда давом,
 Улар бўлиб шу ҳаёт кулган.
 Нечун ахир бехуда ўлмоқ,
 Нега керак ўзига қасдлик?!
 Қон юқими...
 Майсадек сўлмоқ?
 Рост бўлса гар нақадар пастлик.
 Мудҳиш ўйлар дилим қўпориб,
 Тахликага солади тинмай.

Қўрқа-писа қўлни юбориб
Ушлаб кўрсам...
Хайрият, ҳай-ҳай,
Кўппак янчган ўша мажруҳ гул...
Ана, Чирой.
Дармонга тўлиб,
Олган ўхшар чўмилгани дам.
Ҳеч нарсани кўрмаган бўлиб
Кетиб борар уйига илдам.
Мен бекорга кўтариб оҳ-воҳ,
Таҳликаға солибман дилни.
Қиз ҳолига йўқ эди гувоҳ,
У ҳам ўйлар билмас деб элни.
Балки бериб тақдирига тан,
Бахтдан тамом умидин узган.
Кўнгли қолиб севгидан, ёрдан,
Эр қилмаслик режасин тузган.
Бир фикрга келган, ҳойнаҳой,
Келажаги кўрсатар буни.
Еб қўймаса ақслини чирой
Ўнглаб олар ўзин бир куни.
Ҳозирча биз кузатиб қолиб,
Фикран қизни уйга элтайлик.
Эртасини назарга олиб
Икки йилни ортга силтайлик.

10

Бир ой ўтиб ғам-ғуссадан очилмабди чиройи,
Супураркан ҳовлисини қилас аста хиргойи:

“Оқариб ойдинда ётсам, ой менинг қўйнимдадир,
Сесканиб кўзимни очсан, ёр қўли бўйнимдадир.

Мен сени ёрим десам, орtingда ёринг бор экан,
Сенинг менга атаган туганмас зоринг бор экан.

Оҳ уарман, оҳ уарман, оҳларим тутгай сени,
Қўзёшим дарё бўлиб балиқлари ютгай сени.

Куз саҳарин салқини сўлдирди гуллар баргини,
Кимга айтиб, кимга йиғлай бевафо ёр дардини..."

11

Бир йил ўтди, кашта тикар ўлтириб тол тагида,
Қиз овози солланади қоратолнинг баргida:

"Тол ёғочнинг навдасига каклик қўйинг, сайрасин,
Кимнинг майли кимда бўлса, қўяверинг, яйрасин.

Олма пишган боқقا кириб эскисин зорлатаман,
Энг баланд шохига чиқиб, янги ёр чорлатаман.

Ташлаб кетган ёримнинг тилин гунгдай тийдираман,
Янги ёрим бошига тилла жиға кийдираман.

Боғ аро боғнинг гули, сайра чаманинг булбули,
Гул ҳуснига ишонса, менман қизларнинг гули..."

12

Чирой – ёрнинг ташнаси,
Қўтаришган пошнаси.
Қўлда упа, ойна,
Лаби қўшиқ ошнаси:

"Қизил гул бўлай дерман,
Ғунчасига мен ҳайрон.
Қиз бола бўлай дерман,
Кечасига мен ҳайрон.

Қизил гул ўймоқ-ўймоқ,
Кам экан ёрга тўймоқ.
Қайси нодоннинг иши
Қиз олиб, жувон қўймоқ.



Туя чўкиб ётади,
Кўнғироғи ботади.
Уйланмаган йигитлар
Қандай уйда ётади...”

13

Сабоқ бериб ўтди қанча кун,
Ҳаёт ўзи буюк бир мактаб.
Кимнинг ақли бўлса гар бутун,
Қолмагай ҳеч бир жойда тўхтаб.
Тўхтаб қолди бизнинг бу сулув,
Сув кўлмаклаб бўлгандаи ботқоқ.
Тўқмас энди кўзёшин дув-дув,
Ётга яқин, дўстлардан йироқ.
Эл ишига боқмайди қиё,
Капалагин юради овлаб.
Боқишлиари нозли, беҳаё,
Юракларни қўяр тушовлаб.
Унинг хуснин толдим мен айта,
Нигоҳлари сеҳргар чақин.
Бирозгина тўлишиб қайта,
Бўлган жуда кўзларга яқин.
Икки йилда нелар кечгани,
Не бўлгани эмас бизга роз.
Сабоқ олмай, оғу ичганин
Қўшиғидан англадик бироз.
Эшиқданмас, очган туйнуқдан
Хонасига сирли тунги йўл.
Жирканмайди песу хунуқдан,
Ҳаммага ҳам бераверар қўл.
Ҳар бир бўйдоқ танийди уни,
Ёри бор ҳам йўлинни тўсар.
Ёлғиз сира ўтмайди туни,
Рашк кўпайса, қиз кўнгли ўсар.
Энди унга кор қилмас ўгит,
Ўгит берсанг қиласди араз.
Сендан унинг кўнгли бўлиб хит,

Үзин доно айлайди фараз.
 Йүқ! Йүқ!
 Чирой йүлиң йүқотди,
 Қайтолмагай гүзал ҳаётга.
 Сулувлигин қуёши ботди,
 Яхши номда олинмас ёдга.
 Майли, дунё айланиб чаппа,
 Қизлик кезин этмасин бунёд!
 Гүзалликни яратган дафъа,
 Ақлдан ҳам берсанг-чи, ҳаёт!

14

Түзғиб кетиб ногаҳон хаёл
 Элтди мени илк бобга шу пайт.
 Күз ўнгимда жонланди у ҳол,
 Гул қисматин этди яна қайд.
 Кетганди-ку, мажақлаб гулни
 Күпрак жүнар пайтида бундан.
 Гүё янчиб кетганди дилни,
 Ололмайман күзимни ундан.
 Типирчилар ҳислар бетоқат,
 Гул устида куйманар хаёл.
 Қолган эди у гулдан фақат
 Оёқ изи, тирноклардан “хол”.
 Балки шу гул этгандир огох,
 Қаршисида турибман мен лол.
 Сочин юлиб, чекар фақат ох,
 Туйғуларим – түзғиб ётган ёл.
 Гүзалликнинг кўзини ўйиб,
 Кетса қайдан топайин даво.
 Гүзалликни яратиб қўйиб,
 Табиатнинг ўзи бепарво.
 Тонмас ахир: кучук ҳам, гул ҳам
 Табиатнинг жондай фарзанди.
 Тилга киргин, безовта ўлкам,
 Нечун ғамга гүзаллик банди?!
 Бундай ҳолга йўл қўйса агар



Узрлидир онгсиз оламлар.
Улуғсан-у, онглисан магар,
Йўл кўйдинг сен нега, одамлар?!
Десанг, ҳаёт бундан ҳам кулсин,
Ўз жиловинг ўзгинанг тутгил –
Силкин!
Қалқин!
Тутдай тўкилсин
Юракдаги ғуборлар буткул.
Нега керак алдаш, алданиш,
Кимга керак беҳуда умр?!
Инсофданми ҳаётдан яниш,
Айлаб ўзин юзини қўмир?!
Зар қадрини билади заргар,
Қайдан билсин ўз қадрини зар.
Ўз-ўзини англаган дунё
Гўзалликни қадрлар, безар.

ХОТИМА

Бир-бир тўкиб дилдан ўқинчим,
 Диққатингиз тортдим гул-қизга.
 Балки таниш, азиз ўқувчим,
 Шундай юртлар қисмати сизга.
 Юртингизга эрқдан бериб зеб,
 Инсонлардек яшаяпсизми?
 Ўйлаб кўринг, ё яшадим деб,
 Садақа нон ошаяпсизми?
 Садақа нон ер энди Чирой,
 Бўломади ўзига соҳиб.
 Ўйламасдан берди хуснин бой,
 Энди уни нафс этар таъқиб.
 Қиз қисмати шуки, қисқаси,
 Ҳамма Чирой йўлини тўсар.
 Тугар экан қисмат қиссаси,
 Раҳмат сизга, тинглаган дўстлар.
 Гар эрсангиз Ватанга фарзанд,
 Дейман фақат:
 – Бўлингу омон,
 Туғилдим деб юрмангиз хурсанд,
 Яшамак ҳам эмасдир осон!



ҚҮЛЛАШГАН ҚҮЛЛАР

МУҚАДДИМА

Ақлин түғри йўлласа одам,
Оғзиғагин олдирмас.
Бир-бирини қўлласа одам,
Элин доғда қолдирмас.

Шу нақлни эслаганим дам
Кўз олдимда чирпирак –
Қайта-қайта раҳматли онам
Айтиб берган бир чўпчак.

Бир чўпчакки, чўпни кўкартар,
Умрларга раҳнамо.
Шу ҳақда мен кучим етса гар
Қолдирайин бир нома.

1

Булутларни кучгудек бўлиб
Силкинади уч терак.
Пастда булоқ куйлади тўлиб,
Кўшиқлари бир тийрак.

Бироқ булоқ бўлолмас дарё,
Шовуллашга мадор йўқ.
Кўлмак каби ўксимас аммо,
Ўз умридан кўнгли тўқ.

Паст бўлса ҳам куйи магарки,
Бордир унинг виқори:
Авж пардада тераклар барги
Кўтаради юқори:

Булутларга ёндош юксакда
Шовуллайди япроқлар.
Күринадир чиңса теракка
Күз илғамас йироқлар.

Аммо унга чиқмоқ ҳам маҳол,
Тани силлиқ қайроқдай.
Фақат чиқиб тунлари ҳилол,
Порлаб турар байроқдай.

Шовуллайди жүр бўлиб ерга,
Бошларида кумуш барг.
Кулгу бўлган нечовлар элга,
Чиқолмаган неча мард.
Фақат.

2

Фақат бир марта унга
Чиққан эди бир кўр чол.
Унинг номи қолиб мангуга,
Кучган эди баҳт-иқбол.

Бундай баҳтга кўзи очиқ ҳам
Бўлавермас мұяссар.
Ақл билан иш тутса одам,
Қалби кўзга айланар.

Кулоқ солиб юрагига чол,
Кўра олди узоқни.
Биргина у қучмади иқбол,
Шон қучдирди қишлоқни.

3

Чиққанди чол айни қуз фасли,
Фотих Темур қайтганда.
Мана бундай бўлганди асли,
Қисқа қилиб айтганда.



4

Бу ер эди жаннатга Эшик,
Номи эди кўп улуғ.
Бироқ унда бўлиб ит-мушук,
Яшардилар уч уруғ.

Икки уруғ солишиб нифоқ,
Бир-бирини осарди.
Бири бироз эди иттифоқ,
Жанжалларни босарди.

Шу ҳамжиҳат уруғдан бир гал
Сайлашганди ҳокимни,
Икки уруғ кўтариб жанжал,
Тезлаб қолди ҳар кимни.

Паст уруғ деб сотдилар ғийбат,
Кун бермади улар ҳеч.
Аrimади бу элдан ғурбат,
Тинч ўтмади бирон кеч.

5

Кунлар ўтиб авжга чиқди кек,
Бўлди кўп бор тўполнон.
Бир кун ҳоким уйига селдек
Босиб келди оломон.
Ҳоким йиғиб уруғин шу кун,
Солди кўпга маслаҳат.
Жонимииздан тўйдирди бутун,
Бу на ўлим, на роҳат.

Токайгача тил тишлаймиз жим,
Солайликми ё қирғин?
Бўлиб қолса улардан ҳоким,
Кун йўқ бизларга тағин.

Тағин ўлпон устига ўлпон,
Бошланади йўқчилик.
“Не десанг шу! Қон тўк десанг, қон!”
Маъқуллади кўпчилик.

6

Нафрат кўчди. Нафрат зўр шамол –
Бўлмас отани таниб.
Чиқиб келди ўртага бир чол
Тол таёққа таяниб.

– Нафратингни босгин, халойик! –
Шерга ўхшаб қичқирди.
– Нафрат фақат ёвларга лойик! –
Титраб-қақшаб қичқирди.

Ожиз эди икки кўзи ҳам,
Оппоқ эди соч-соқол.
Чукур-чукур тин олиб бир дам
Ўйга толди сўнгра чол.

Чимчалоғин тишлади шартта,
Тирқираф отилди қон.
Юрак қони бу ҳам, албатта,
Бу ҳам оғритади жон.
Сўзларди у кўксига уриб,
Қон кўксини доғлади.
Кимдир бирор ўрнидан туриб,
Чимчалоғин боғлади.

Солмоқчимиз кимларга қирғин?!
Ҳаммамиз ҳам бир халқмиз.
Биз ҳақмиз, деб ўйламанг тағин,
Ўзимиз ҳам ноҳақмиз.

Хўш, айтинг-чи, тўғри бўлсак биз,
Бало борми қирғинга?!



Нега энди бармоқлар бигиз,
Чақирмадик йиғинга?!

Гап қайтарсанг, кўпаяди гап,
Чиқазади аччиғин.
Уларни ҳам бир жойга тўплаб,
Айтмоқ керак очиғин.

Тўғри, улар эмас ҳамжиҳат,
Қовушмайди одамга.
Шартми энди тарқатиб ғийбат,
Мотам қўшмоқ мотамга.

Биз, ўзимиз ҳамжиҳатмиз, рост,
Нега улар бегона?
Аслимизни ўйласак бироз,
Бир отаю бир она.

Шундай экан, бўлсак бир бовур,
Бағримиз ҳам бўлар бут.
Дилда бўлса ҳарорат, ҳовур,
Бошқа дилга ўтар ўт.

Ўз-ўзимиз бўлсак қирпичоқ,
Душман келса, нетамиз.
Бириксак биз, халойик, у чоғ
Тоғни талқон этамиз.

– Мана! – дея ҳассасини чол
Тизга уриб синдириди.
– Мана шудир ёлғизда аҳвол,
Чол ҳам ишин тиндириди.

Бириктиrsa агар учовин,
Эр йигитга бермас дам.
Гап қувалаб туширманг қовун,
Қовун тушса, унинг ҳам.



Уруғлари сочилиб кетар,
Қолар оёқ остида.
Қайта экса ким уни агар,
Тутар юртни дастида!..

Чолни сўзин тугатган маҳал
Олиб кетди қўлма-қўл.
Кўп муаммо бўлган эди ҳал,
Топилганди ойдин йўл.

7

Аммо ёмон туролмади тек,
Ўйламайин йироқни;
Тўртта-бешта сақлаб юрган кек,
Ишга солди пичоқни.

Қолдиришиб оғизда ошин,
Лол этишди ҳар кимни.
Йиғмасидан ҳали эл бошин,
Ўлдиришди ҳокимни.

Тўпланишиб ҳамжиҳат уруғ,
Қилди яна маслаҳат.
Ҳаммаси ҳам аламга тўлуғ,
Дилларида йўқ шафқат.

Босди тағин эл ғазабин чол:
– Ўзни босинг, эртага.
Йиғинг элнинг барин дарҳол
Уч теракнинг тагига.

– Шунда, – деди у ҳам қалтираб, –
Жазо бериб айбдорга,
Қолганларга уқтирамиз гап,
Нифоқ солманг бекорга.



Шу кун ҳамма тил тишлаб тағин,
Тарқалдилар чор-ночор.
Бўлишидан эртага йиғин,
Элни этди хабардор.

8

Тирнаса ҳам дилларни алам,
Қасос тоғи йиқилди.
Эртасига тумонат одам
Уч теракка йиғилди.

Йиғин энди бошланган пайтда
Келиб қолди уч чопар.
Довруғ солиб қайта ва қайта,
Мисли шердай солди жар:

– Ғолиб Темур қайтмоқда жангдан,
Таъзимига чиқинг, халқ!
Ғолиб Темур қайтмоқда жангдан,
Таъзимига чиқинг, халқ!
Ҳамма бирдан қалқди оёққа,
Силкингандай гүё ер.
Кўйишларин билмай қаёққа,
Чиқиб кетди совуқ тер.

Ахир элга эмас эди роз,
Келса султон ё хоқон.
Вилоятнинг ҳокими пешвоз
Чиқар эди шу замон.

Не қиларин билмай аҳоли
Турган чоғида дилгир,
Чанг тўзитиб отлар шамоли,
Келиб қолди жаҳонгир.

Одамлардан нарида тұхтаб,
Бирпас қараб турди у.
Күзларидан сүнгра ўт чақнаб,
Отга қамчи урди у.

Сакраб тушди балиқдай оти,
От әмасди, у – дулдул.
Овозлари ёйди қанотин
Турган каби зўр довул:

– Улуғ жангда ғалаба қучиб,
Қайтган чоғим саломат.
Нега кетди рангларинг ўчиб,
Бунда қандай маломат?!

Қани шодлик? Қани эҳтиром,
Табриклашлар шон билан?!
Бу аҳволда заҳматим ҳаром,
Ювайми ё қон билан?!

Чиқди унга эмаклаб пешвоз,
Қорин соглан бир киши.
Таъзим қилиб, довдираб бироз,
Деди: – Элнинг турмуши.

Жанжаллидир, олий султоним,
Уч уруғмиз. Бири паст...
Паст уруғдан сайланди ҳоким,
Бизлар бўлдик хору хас.

Ошна этди бизларга мунгни,
Ўз уруғин кулдириб.
Қишлоқ аҳли чидолмай, уни
Кўйишдилар ўлдириб.



Гуноҳимиз кечиринг бир гал,
Йиғилгандик биз шунга.
Бахтимизга ўзингиз тамал,
Шон ёр бўлсин мангуга.

От устида бургутдай бўлиб
Бузрук Темур турарди.
Кетган чоғи жаҳлга тўлиб,
Отга қамчи уради.

Қамчи урди отига яна,
От жойида сакради.
Буйруқ бериб, қилгандай таъна,
Пайғамбардай қаради:

– Уруғ-уруғ бўлиб сафланинг,
Бўлса жондан илинжинг!
Қиличимдан қўрқинг, сақланинг,
Оlam олган қиличим!

Уч тўдага бўлинниб, дарҳол
Сафга турди одамлар.
Саф олдида силкитганча ёл
Темур оти қадамлар.
– Туғ келтир, – деб буюрди Темур,
Туғ келтириди навкари.
– Шу туғ, – деди, – кўзларимга нур,
Менинг қучган зафарим.

Куч бахш этган менинг кучимга,
Енголмаган бирон ким.
Кимки уни терак учига
Қадай олса, у – ҳоким.

– Мана, – деди туғни ташлаб у, –
 Унинг жойи юксакда!
 Юксак тутар бу туғни мангу,
 Ўти борлар юракда!

Паст уруғга охирги навбат,
 Куч синасин қолгани! –
 Ўзни урди ҳамма шу фурсат,
 Туғни қўлга олгани.

Бир чеккада “паст” деган уруғ
 Тураг эди йиғилиб.
 Бошқалари оламан деб туғ,
 Бош ёради суқилиб.

Олиб чиқиб битта полвони
 Терак сари югурди.
 Сўнгра ерга тегмай товони
 Ёшу қари югурди.

Одам бўйи чиққанда полвон,
 Оёғидан тортишди.
 Йиқилганди шўрлик, нечовлон
 Унга ўзин отишди.

Тўс-тўполон бўлди бир муддат,
 Бари ҳолдан тойишиди.
 Сўнг полвонга тилашиб омад,
 Бир-бирини койишиди.

Неча бора уринди полвон,
 Енг ичига туғ солиб.
 Бироз чиққач, қууруди дармон,
 Кетар эди сирғалиб.



Холдан тойиб полвон ҳам охир,
Қайтди аста ортига.
Еб қўйгудек тикилди амир,
Қамчи урди отига.

– Паст уруғдан борми, талабгор?! –
Жаҳл билан қичқирди.
– Ҳа, ҳазратим, шундай одам бор! –
Аҳил бўлиб қичқирди.

– Қани, чиқсин ўртага ўша,
Кўриб қўяй бастини.
Ким бўлса ҳам агар хоҳласа,
Қайтармайман шаштини.

Келишдилар чолни етаклаб,
Бошлар қуи эгилди.
Темур ичин кемирди ғазаб,
Унга мазах туюлди.

Ожиз эди чол кўзи ахир,
Зўрға турар оёқда.
Терак боши йўлмиди тақир,
Чиқа олсин қаёқдан?

Ичга ютиб ғазабин, лекин,
Темур ечди нимчасин.
Туғ ўрнига энгашиб секин,
Узатди рўмолчасин.
– Бўлсин, – деди, – йўлингиз қутлуғ,
Туғ юрагим парчаси.
– Туғни беринг, юксак бўлғай туғ! –
Таъзим қилди барчаси.

Түгни берди ноилож чолга,
Ишонмади чамаси.
Гувоҳ бўлди бир ажиб ҳолга
Турганларнинг ҳаммаси.

Оқсоқолни қўлма-қўл элтиб,
Борди бари теракка.
Бир-бирига елкасин тутиб,
Кўтардилар юксакка.

Ва ниҳоят терак учига,
Түгни қадаб тушди чол.
Қойил бўлиб бирлик кучига,
Хатто Темур қолди лол.

У ўзича ўйлар эди: “Ҳақ,
Бу бирлиқдан паст кучим.
Шундай бўлса эди бутун халқ,
Синар эди қиличим...”

– Бу уруғга – деди сўнг Темур, –
“Улуғ бирлиқ” номи зеб.
Фармон берди, ҳоким бир умр
Шу уруғдан бўлсин деб.



ХОТИМА

Айтиб бердим кўргандек бир-бир,
Юргандек қучоғида.
Бу кўзимга кўринган тасвир,
Онам айтган чоғида.

Бўлса ҳам гар айтилган сўзлар
Олис замон эртаги.
Дўстлигимиз бор унда, дўстлар,
Ҳам орзудир эртанги.

Бугунги бу бирликдан ахир,
Оlam ҳайрон қолади.
Эл чиндан ҳам бўлса бир бағир,
Осмондагин олади.

Қўллар қўлга туташсин мангур,
Бирлик бўлсин раҳнамо.
Шу ниятда тунлар беуйку,
Ёздим, дўстлар, бир нома.

ҚҰЛТИҚТАЁҚ РАҚСИ

– Келин келди! – севинчга тұлиб,
Болаларнинг янграр овози.
Болаларга бирдан жүр бўлиб
Янграб кетди машшоқлар сози.
Қадам ташлар “Ёр-ёр” мавжида
Бир-бир босиб келин ва куёв.
Ўйин-кулгу, шодлик авжида,
Гулхан ёқди ўртага бирор.
Эл русумин эртароқ адо
Келин ўтга мой сепди шу зум.
Олисларга таралди садо,
Қийқирап шавқ: так-тум, така-тум...

Рақс тушади ўртада гулхан,
Ҳилпирайди олов этаги.
Завқдан бутун осмон ости шан,
Завқдан қалқыр ҳатто ер таги.
Дилдаги ишқ рамзи – оловни
Келин-куёв айланди уч бор.
Олқишлишиб келин-куёвни
Қизлар тағин бошлади “Ёр-ёр”.
Балки түғри, балки бу хато –
Шўхлик қилиб бақирди бирор:
Бошлаб беринг ўйинни, ота!..
Ота чиқди... Лол келин-куёв...
Тинди бирдан қийқирган созлар,
Воқеликка айланди рўё...
Бўғизларда қотди овозлар.
Сув сепгандай жим қолди дунё.
Ота эди ярадор бургут –
Кўлтиқтаёқ икки қўлда ҳам.

Кўтарилди ўртадан сукут,
“Чал” дея у имо қилган дам.



Яна янграб таралди садо:
Им-банг, им-банг, им-бала, им-банг...
Болалардан кексаларгача то
Ота томон боқди ҳангуд манг.

Ярадордек сапчиб, ўртаниб,
Ўйнар эди ўртада гулхан.
Рақс бошлади ота силтаниб,
Ўйнар сакраб қўлтиқтаёқ ҳам.
Келдим дея шу кунга етиб,
Шодлик тўла кўкси кўпчийди.
Ота қалбин намоён этиб
Қўлтиқтаёқ тинмай сапчиди.

- Вой, ўзимнинг отажонимдан! -
Қизи бориб боғлади белбоқ.
- Вой, ўзимнинг отажонимдан! -
Кучоқлади бир бола шу чоғ.
Ота билан ўғли ҳам ўйнар;
Кенжা ўғли ҳали ёш эди.
Ота қувнар, бола ҳам қувнар,
Аммо кўзлар жиққа ёш эди.
Қаддин юклаб битта оёққа,
Ота ўйнаб боқар ўнгу сўл.
Гоҳ суюниб қўлтиқтаёққа,
Куйга монанд силкиб қўяр қўл.

Отага мос рақс тушар гулхан,
Доира жўр: так-тум, така-тум...
Чопиб келди орзуси кулган,
Ўзида йўқ она ҳам шу зум.
Чиқолмади даврага бироқ,
Тўхтаб қолди она bemажол.
Олиб қочди онани йироқ,
Олиб кетди ўтмишга хаёл...



У кез эди ёшгина келин,
 Эри эса суқсурдай йигит.
 Замон халқын букса ҳам белин,
 Келажакка боғларди умид.
 "Кўк кўйлак"ка қатнарди эри,
 Бўлмоқчийди энг моҳир раққос.
 Кўйлагини ивитиб тери,
 Рақс тушарди туну кун, холос.
 Ҳа, айниқса, "Бургут ва илон"
 Рақсига у тушар эди зап.
 Ногоҳ учди диллардан нолон,
 Зир титратди "фашист" деган гап.
 Орзуларнинг қаноти синди,
 Эр отланди олис жанг томон.
 - Сизсиз қандай яшайман энди?! -
 Дод согани ёдида ҳамон.
 Йиғлаб-йиғлаб кетганда хушдан,
 Эр тасалли берганди: - Хотин,
 Кўй, йиғлама, йиғласин душман,
 Куритгаймиз фашистлар зотин.
 Айтди дерсан, келаман қайтиб,
 Ўстирамиз ҳали кўп фарзанд.
 Фарзандларга тўй қилган пайти
 Сени шундай этайин хурсанд.
 Шундай ўйнай, шундай ўйнайин,
 Еру осмон тушсин ларзага.
 Кўй, йиғлама, йиғинг кўрмайин,
 Дучор бўлсин душман азага.

Дармон берди бу сўзлар дилга,
 Эрин кутди, кутди чекиб ғам.
 Бир оёғин ташлаб ёт элга,
 Жангдан қайтди эри чиндан ҳам.
 Илк кўрганда қотиб қолди лол,
 Бир оёғи йўқлигин билиб.
 Келмасин деб эрига малол,

Соғ оёғин ўпди йиқилиб.
 Оёғига қараб мунг билан
 Деганди эр олиб оғир тин:
 – Қайтиб келдим уйимга жангдан,
 Қайтолмайман рақсимга лекин...

Шуни ўйлаб, ўзин тутолмай,
 Пик-пиқ йиғлаб юборди она.
 Кўз ёшини ичга ютолмай,
 Чоли тараф шошилди яна.
 Ҳаяжонга юраги талаш,
 Титраб чиқди бўғзидан шодлик:
 Ками бордир деманг ваъдамнинг!
 Ниятингиз амалга ошди!
 Даврадаги барча одамнинг
 Юзларига ҳаяжон тошди.

Кампир чолга белбоғни боғлаб,
 Елкасига ташлар экан тўн,
 Кенжা ўғлин ўпди қучоқлаб,
 Хаёл куршаб, туриб қолди сўнг.
 Кенжা ўғил: – Ўйнанг, аяжон,
 Ўйнанг! – дея тортқилар жавраб.
 Кўзда ёшу, юзда ҳаяжон,
 Қарсак чалди бутун бир давра.
 Қарсак чалди чарсиллаб гулхан,
 Қарсак чалди толу тераклар.
 Қарсак чалди ота ҳам хурсанд,
 Қарсак чалди жами юраклар.
 Қарсакларга ҳамоҳанг, ҳамдам,
 Чилдирмадан тараплар садо.
 Гумбурларди гўёки бу дам
 Чилдирмага айланиб само.
 Ўйнаб кетди Она ҳам шу он,
 Тегишарди чоли қоқиб қош.
 Қийқириарди юраклар шодон,

Аммо күзда ғилтилларди ёш.
 Күзёшига қоришиб кетди
 Жами қувонч, жамики алам.
 Мана, Ота ниятга етди,
 Тушиб кетди ларзага олам.

Үйнар Ота – ярадор санъат,
 Бахт завқидан кўкси кўпчийди.
 Бироқ ўқиб урушга лаънат,
 Қўлтиқтаёқ тинмай сапчийди.
 Ким унутар ахир бу бахтнинг
 Бағрини ғам этганин ғалвир.
 Қўлтиқтаёқ бўлган дараҳтнинг
 Жароҳати битганмас, ахир.
 Ҳамон бахтга соя ташлаган
 Урушни ҳеч кўрмасин жаҳон.
 Зор бўлмасин дилни ғашлаган
 Қўлтиқтаёқ рақсига инсон!

Ота ўйнар, ўйнар қасд билан,
 Қўлтиқтаёқ рақс этар, ана.
 Ўша мудҳиш уруш устидан
 Ота буқун қиласар тантана.
 Юлдузлар ҳам рақс тушиб гўё
 Тўйни қутлаб урап эди бонг.
 Теваракка таратиб зиё
 Ўйнар гулхан. Ҳали узоқ тонг...

Тугатишга йўқ менда хоҳиш,
 Уруш эмас, тўйдир анъана.
 Давом этсин ўйину хониш,
 Давом этсин юртда тантана.

1979 йил, Тошкент



у

Ватан ҳамда Озодлик учун қурбон
бўлганлар хотирасига бағишлайман

Сиртмоқ...
Чиқ-чиқ...
Дук-дук...
Сўнгги дақиқа...
Юзага чиқади энди ҳақиқат...

Оҳ, У бир кун эрксиз элига боқиб,
Вужуди сирқираб хаёлга ботди.
Озодлик нуридан машъала ёқиб,
Халқининг қалбида тонгни уйғотди.
Курашга чорлади одамларни У,
Куролсиз курашмоқ нақадар қийин.
Куролли кимсалар қон тўқди, ёху,
Ўзларича қувнаб, олди эркин тин.
Куролли кимсалар
Енгган дақиқа,
Тутқунликка тушиб қолди ҳақиқат.

Тўғри одамларни йўлдан оздирди,
Ватан хоини, деб аташди Уни
Ва ҳакам ҳукмга шундай ёзdirди:
“То ўлгунча ўтсин қамоқда умри...”
Қамоқхона унга тош кафан бичиб,
Умрини митадай емирап эди.
Зулмат кўзларининг нурини ичиб,
Қалбини ёлғизлик кемирарап эди.
Устидан жабрлар
Кулган дақиқа
Далда берар эди Унга ҳақиқат.

Ногаҳон Ватанга ҳужум қилди ёв,
Маккорларда шудир ёлғиз лаёқат:

Ватанни ўртага қўйишиб гаров,
 Мазлум халқни жангга ундейди фақат.
 Қамоқда ётганлар этилди “озод”,
 Ватан учун жангга кетди “хойн”лар.
 Жанг чоғи Уни ҳам этмоқ бўлиб шод,
 “Сотқин” деб атаган маккор тайинлар:
 “Озодсиз,
 Ватанни эъзозлар
 фақат,
 Кимда устун бўлса юртга муҳаббат!”

Қалбларни асабий чулғайди олов,
 Чақмоқдай чақнайди томирларда қон.
 Ватан эътиқоди – енгилмас ялов
 Ва лекин урушнинг озуқаси – жон...
 Маккор қолмоқ учун ўз жонин асраб,
 Душманга сотилди кутилмаган дам;
 Жангчилар қўзида портлади ғазаб,
 Ночор асир тушди душманга У ҳам...
 Сиртмоқ...
 Чик-чиқ...
 Дук-дук...
 Сўнгги дақиқа...
 Ўзага чиқади энди ҳақиқат...

Буқолмаган Унинг бардошин қамоқ,
 Энди букармиди душманнинг қўли?!
 Тебраниб турибди тепада сиртмоқ,
 Чанг солиб турибди бўғзидан ўлим.
 Ва лекин душманга боқди У, ё Раб,
 Тешиб юборгудай чақмоқ нигоҳи.
 Душман нутқ сўзлар Уни қоралаб,
 Сотқин бўлмагани Унинг гуноҳи.
 Сўнгги сўз берилди,
 Сўнгги дақиқа:
 Енгамиз!
 Енгамиз!

Енгар ҳақи...

Сўнгги дақиқа...

Оёқ остидаги тўнка тепилди,
Чинордан чирсиллаб синди бир новда –
Эгилмай синишни афзал деб билди,
Сиртмоқда осилиб турган У – гавда.

Гунг эди,

Гунг эди

Сўнгги дақиқа...

Сиртмоқда чайқалиб турган Ҳақиқат.

Тилдан қолса ҳамки, ўлмас ҳақиқат,
Вақт келиб қайтадан кираар тилга ҳам.
Очилмай қолмагай ҳеч қандай хилқат,
Бор сирни фош этар Вақт деган ҳакам.
Етиб келди элга қунлар – севинчлик,
Оқара бошлади қуёшнинг сочи.
Қанот ёзмоқдадир Озодлик, Тинчлик,
Фазони қучмоқда Инсон қулочи...

Лекин ҳамон бордир

Сўнгги дақиқа...

Бўғилган

ҳай...

ки...

риқ...

“Ҳақи...

қат...”

ОРОЛ. ОРОЛ – ЯРАДОР ЮРАК

ОРОЛ ЁТАР ЎЙИЛГАН КҮЗДЕК

...Вужуди қулоқقا айланган Орол нажот овозини эшишишга иштиёқманд энтикишлар билан мадорсиз түлғанади. Бироқ күм, туз ва узлуксиз ғувуллаган шамол унинг қулоғини том битириб, ҳеч нарсани эшитирмайди. Бирон нажот берувчи сасни илғай олмаган Орол чор-ночор ниманидир кўришга орзуманд интиқ кўзларини олис-олисларга тикади. Зеро, бу кўзда миллион-миллион суронли йиллар ўзининг абадий ўчмас изларини қолдирган. Унда ярақлаган қуёшли кунлар ҳам, булатли дамлар ҳам, юлдузларни бошидан сочқидай сочган сурмаранг тунлар ҳам ўз аксини кўради. Бинобарин, бу кўз – Марказий Осиё минтақасининг пайдо бўлган ибтидосидан тортиб бугунги кунларига довур равшанлиғ манбаи, нурли дунёси, ҳаёт шамсидир. Ҳа, она заминимизнинг олис келажакни – халқимизнинг нурафшон истиқболини кўзлаган якка-ёлғиз кўзи – Орол. Оролсиз бу минтақанинг равшанлиғ оламини чанг-тўзон тумани қоплади, бутун тирик мавжудотнинг ёруғ ҳаётдан баҳрамандлиғ умиди узилади. Минг афсусларким, айни ҷоғларда минтақамизнинг ёлғиз кўрар кўзи тобора ичга ботиб, замин қаърига чўкиб, ўйиб ташланган кўзdek даҳшатли бир ҳолни бошидан кечираётир. Бурун худди гўзал қизлар кўзидек жозибадорлик касб этган Оролимизнинг ўйилган кўзdek ваҳимали тус олиши – давримиз жароҳати, бизнинг кечириб бўлмас хатоимиздир. Орол ҳеч қачон бундай даҳшатли таҳликага тушмаган эди. Ҳолбуки, у не-не қирғинлар, дарё-дарё оққан қонлар, қанчадан-қанча мудҳиш фожиалар гувоҳи бўлган. Лекин ўзининг бугунги ўйилган кўзdek ҳолга тушиб

қолишини дўст-ку дўст, душманлардан ҳам кутмаган эди. Баъзан нафси аждарҳога айланган дўст, манқуртлашган фарзандлардан кўра, қон тўкса ҳамки ақлли душман афзаллиги, балки шундандир...

ЎЙИЛГАН КЎЗ

Сўраб қолсанг,
Қаршингда мен лол,
Билмам, неча Оролнинг ёши.
Лек тарихдан кўхнадир Орол,
Удир асли ҳаётнинг боши.
Жайхуну Сир белбоғдек доим
Қувват берган Оролга, элга.
Орол учун эл туриб қоим,
Худди кўздек ардоқлаб келган.
Номи ҳатто милоддан бурун
Жаранглаган муқаддас сўздек.
Нелар қилиб қўйдик биз букун,
Орол ётар ўйилган кўздек.

Зеро, бўлиб Орол мафтуни
Кеча унга талпингандик, рост.
Этган эди бир шоир уни
Гўзал Лайли кўзига қиёс.
Сифар эди бағрига осмон,
Сузар эди балиқ булути...
Энди унда сузади армон,
Йўқдир энди денгиз субути.
Гўё чўллар дардини тинглаб,
Чаманзорлар режасин туздик.
Кумлар аро оқибат инграб
Орол ётар ўйилган кўздек.

Гоҳ чуқур деб ўйлаймиз чўнқир,
Иш тутмаймиз узоқни кўзлаб.



Үзимизга сүнг келиб мункир,
Йүқ айбдорни юрамиз излаб.
Түғон қурдик, каналлар қаздик,
Қопламади берган пахтамиз.
Дүст нафси деб умр үтказдик,
Бугун энди лолмиз – тахтамиз.
Оғамизга ён босиб күпроқ,
Дарёларни Оролдан уздик.
Дарёларни ютди қум-тупроқ,
Орол ётар үйилган күздек.

Орол ичра эллик түккиз хил
Яшар эди ноёб мавжудот.
Кирқ беш тури (эмас бу ҳазил!)
Битта қолмай битди умрбод.
Увол кетди ҳаммаси, увол,
Бу – Оролнинг битмас яраси.
Қайга урсин бошини Орол,
Балиқларин қандай асрасин?!
Табиатдан чиқмоқ бўлиб зўр,
Экологик қонунни буздик.
Қумлар аро энди босиб шўр,
Орол ётар үйилган күздек.
Қорақалпоқ туз туфлаган чоғ,
Билган эдик кетганин жигар.
Түғон қуриб туз узра бироқ,
Ғам устига юкладик кадар.
Халқ яшашни қилганда талаб,
Кўрсатмасдан тушганчувини,
Сабр тилаб,
Бошини силаб,
Рўкач қилди Сибирь сувини.
Кўра-била,
Болтадан ҳатто
Тоймадик-а ўлар хўкиздек.
Аён энди кечаги хато –
Орол ётар үйилган күздек.



Ахир сувсиз мен қандай яшай,
Орол – менман, Орол ўзимдир.
Борар бўлсан асрлар оша,
Орол менинг кўрар кўзимдир.
Яшолмасман Оролсиз, оға,
Орол – менинг дардим, шукуҳим.
Бироқ букун топмай қўналға,
Самоларда тентирар руҳим.
Руҳим янглиғ қувғинда Жайҳун,
Сир сирин ҳам биз энди сездик.
Фарёд чекиб чўл аро дилхун
Орол ётар ўйилган кўздек.

ДАРЁЛАРИДАН МАҲРУМ ОРОЛ

Нима сабабдан Орол денгизи фожиага юз тутди? Ахир бу мудҳиш ҳол Марказий Осиё минтақаси табиатига таъсир қилиши оқибатида халқ орасида турли хил касалликлар келтириб чиқарди ва чиқарайпти. Туз чанги кўтарилиб боғу роғларни қуритаётир. Ҳатто она сутига ҳам туз доғи кириб борди. Бу аҳволда халқ қаёққа қочсин, қайга чекинсин.

Орол чидолмай ўз-ўзига чекинди, аммо у шўрпешона соҳилларидан қочган сари унинг ортидан ёвуз кум ва туз кўчкинлари хуружига учраган қирғоқлари қисиб бораётир. Орол чекинди, бироқ балиқлар она маконидан қаёққа ҳам чекинсин – улар қирилишга маҳкум, қирилди... Балиқчилик заводлари тўхтади. Балиқчилар, завод ишчилари кетишли. Лекин сувсизликдан қирғоқларида сасиб ётган балиқлар сингари қумга ботиб кемалар қолди. Кемалар кетолмайди. Кемалар янглиғ шу ерни Ватан қилган халқ ҳам ҳеч ерга чекинолмайди. Ҳа, халқ – Ватан номли денгиз балиқлари. Халқ Ватансиз нафас ололмайди. Халқ ҳамма мусибатга чираб келаяпти, чидашга маҳкум. Лекин Орол сувсизликка чидолмай қаҳрланди – туз тўзонини кўтарди. Орол қаҳри – қизғиши тўзон бутун уғқ юзига этак тутиб куёшни тўсди, туз ёмғири бўлиб ёғилди. Унинг қаҳри етган ерларда боғу роғлар қуриди, ер ерлигидан воз кечди – ҳосил бермай қўйди. Туз ёмғирига қўшилиб қорақалпоқ элига мусибат ёғди. Бу мусибат ёмғири Бухорогача етиб борди. Бу кўринимас ёв одамлар соғлигини издан чиқарди, ҳатто қонлаги гача кириб борди. Турли касалликларни келтириб чиқарди. Энг айнимас ва мусаффо она сутида ҳам туз доғи пайдо қилди. Ўз-ўзига чекиниб қуриётган Орол қаҳрини сочар, аммо шу ерни Ватан қилган Балиқлар, Кемалар, Халқ нима қилсин, Орол қаҳридан қайга қочсин?! Уларнинг Ватани битта.

ОНА СУТИДАГИ ДОҒ

Она эрур бизларга Орол,
Онага ҳам келтирдик биз шак.
Айб фарзандда –
Она қадди дол,
Аммо гуноҳ – дард тортар тўшак.

Гуноҳимиз – Оролнинг тузи,
Гуноҳимиз қўймас бизни соғ.
Соғ жойимиз қолдими ўзи,
Кирди она сутига ҳам доғ.

Оналарнинг ёқалари чок,
Ўз сутидан зурёди нобуд.
Не бор энди
Бу дунёда пок?!
Қачон тилга кирасан сукут?!
Портла, сукут!
Сенинг туфайли
Тушди она сутига ҳам доғ.
Йиғла, она, йиғлагил, майли,
Сутингда доғ –
Ичса қолмас зоғ.

Бу фожиалар қандай содир бўлди?

Мутахассисларнинг келтирган далилларига қараганда, 1917 йилдан 1960 йилга довур республика мизда 800 минг гектар ер ўзлаштирилган экан. Унинг Оролга заррача ҳам таъсири сезилмабди. Кейинги 20-25 йил ичидаги 1 миллион 200 минг гектар янги ер сахролардан тортиб олинибди. Мана шу баднафслик оқибатида Орол фожиага юз тутибди. Мутаносиблик йўқолган ерда меъёр қурийди. Аслида одамларнинг қалбидаги меъёр ороллари қурияпти. Зеро, бизлар маънавият қашшоқлигига учраб, кўпдан-кўп эзгуликларни йўқотиб қўйдик. Балиқ бошидан чирийди. Бу

йўқотишларнинг омиллари замон алломаларига бориб тақалади. Атом бомбаю водород бомбалару курролларнинг янги-янги турларини яратишга сарфла наётган харажатларнинг зил-замбил юки Оролнинг ҳам елкасига тушаётири чамамда. Инсониятни ҳало катга олиб боришдан нима манфаат?! Нега маънавият ва эзгуликни йўқотаяпмиз?! Орол фожиаси ана шу йўқотишларга боғлиқ деб ўйлайман.

ОРОЛ – ЎЗИМИЗ

Гўё титраб инграгандек тор,
Дилим ўртар Орол ноласи:
Қандай чидар одам боласи,
Халқ туз ялаб, юрса сувга зор!

Боқдик аммо жонсиз тош мисол,
Оролни илк дард тутган маҳал.
Кутқарайлик биз ўзни аввал,
Демак, бизнинг ўзимиз – Орол!

Ахир, дўстлар, юракни алҳол
Босиб ётар лоқайдлик тузи.
Хиёнатдан бамисли Орол,
Куриётири севги денгизи.

Йўқотмасак лоқадлик тузин
Барқ уролмас жасорат боғи.
Покламаса ҳар бир зот ўзин,
Кетмас биздан она сут доғи.

Зеро, инсон Орол мисоли,
Чекинмоқда дунёларидан –
Айро тушган Юрак ороли,
Ҳақу поклик дарёларидан.



Ҳал этолмас кўрган қўзимиз –
Тўсиб олар турли хаёллар.
Дарҳақиқат, бизнинг ўзимиз –
Дарёсидан маҳрум ороллар!

Куриётир,
Рости, бизда ҳам,
Орол янглиғ шўр босган имон.
Бўлай десанг, Оролга ҳамдам,
Ўзни қутқар аввал, эй, Инсон!

ШОИР УМРИ

1

Шоир ёри кетди ташлаб,
Мехри йўқ деб ёримнинг.
Шоир қолди бошин қашлаб,
Сочин тараб шеърининг.

Бир кун дўстин кутди хомуш,
Ўйи телба сой эди.
Турмуш эмас ёрсиз турмуш,
Дўсти уни койиди:

– Юз бор айтдим сенга, ҳай-ҳай,
Қўшиқ эмас, ёр керак.
Ёр ҳолидан хабар олмай,
Менга дединг тор керак.

Кетди ёринг, ғамга ботиб –
Оғу тушди ошингга.
Нима топдинг уйда ётиб,
Шеъринг етди бошингга.

Шоир деди: – Дўстим, бўл жим,
Ҳазилми бу ёки дўқ?
Дилда ёниқ муҳаббатим,
Қўрқадиган ерим йўқ.

Оҳ-воҳ айлаб бир кун тағин
Топишарман ёр билан.
Янгратарман севги боғин
Юрак деган тор билан.

Ахир рўзғор қули бўлиб,
Ажралсан гар шеър билан,
Билиб қўйки, шу кун ўлиб,
Тенг бўлурман ер билан.

2

Шоир ўғлин хузурини
Кўрмай кетди отаси.
Кимга айтсин узрини:
Эмас унинг хатоси.

Шоир ҳар кун азоб ерди,
Не қиларин билмасдан.
Дўсти келиб танбеҳ берди,
Юзу хотир қилмасдан:

– Юз бор айтдим сенга, ҳай-ҳай,
Ота-она ғанимат,
Улар ҳақда ёниб-куймай,
Қўйдинг шеърга муҳаббат.

Кўз юмдилар дилинг ғашлаб,
Шеъринг етди бошингга.
Қолдинг, мана, кўзинг ёшлаб,
Келмас қайтиб қошингга.

Шоир деди: – Қўй, эй ошна,
Хазилми бу ёки дўқ?
Шеъриятга менман ташна,
Келажакдан кўнглим тўқ.

Ота-она кетар бир кун,
Ушлаб бўлмас зор билан.
Улар умрин этгум узун,
Юрак деган тор билан!

3

Захга бериб шоир кўксин,
Эл баҳтини ўйлади.
Дил дардини қандай тўксин,
Тунлар мунгли куйлади.

Күйлади у ғамга ботиб,
Саломига йўқ алик.
Охир шоир қолди ётиб,
Енгди уни хасталик.

Кўз олдини босди туман,
Ўйи хира ой эди.
Бориб бир кун ҳол сўраркан,
Дўсти уни койиди:

– Юз бор айтдим сенга, ҳай-ҳай,
Шеър деб мунча куйинма:
Умринг ўтди ўйнаб-кулмай,
Берди сенга куй нима?!

Ёш жонингга жабр этиб,
Умринг хазон этасан.
Роҳат кўрмай, кунинг битиб,
Ўлиб кетсанг нетасан?!

Халқингни қўй, ўзни ўйла,
Бу дунёда яшаб қол.
Нима топдинг элни куйлаб,
Сен ўзингни қўлга ол.

Шоир деди: – Умрим тамом
Бўлган эмас, урма дўқ!
Шеъриятим – имон – соғлом,
Кўрқадиган жойим йўқ.

Бу дунёга устун бўлмас
Бирон кимса ҳеч қачон.
Аммо билки, қўшиқ ўлмас
Бўлса агар тирик жон.

Хасталикни енгди шоир,
Қайнаб қолди қозони.
Энди ким ҳам уни койир,
Эл ҳурматин қозонди.

Мунгли ўтиб шоир куни,
Охир баҳтга ёлчиди.
Қўрқитмоқчи бўлиб уни
Аммо дўсти алжиди:

– Юз бор айтдим сенга, ҳай-ҳай,
Шеърдан не наф тегади.
Тамом – куйинг синиқ бир най –
Она тилинг тугади.

Шоир кўзин зулмат тўсди,
Шу зум хушин йўқотди.
Юрагига гўё дўсти
Заҳарланган ўқ отди.

Шоир бокди дўстига лол,
Қалбга қўрқув ўрлади.
Аммо ўзин тутиб дарҳол,
Гулдуракдай гурлади:

– Ишонмайман, элим яшар,
Ўлим билмас эл мангу!
Унутмайди тилин башар,
Эл бор экан, тил мангу! –

Шундай дея берди у жон,
Ўлдирди дўст ҳазили.
Тан олмасди дўсти ҳамон
Ўлдирганин ўз “тили”...

* * *

Дўсти эслаб ҳамон койир:
 “Кун кўрмади, эҳ, эсиз...”
 Яшай олар қайси шоир,
 Зеро, она тилисиз?!

Она тили – шоир жони,
 Ҳазил қилиб бўлмайди.
 Қўшиғида яшар шони,
 Қўшиқ эса ўлмайди.

Янграп экан шоир сўзи,
 Агар она тилида.
 Демак, тирик унинг ўзи,
 Яшар элин дилида.

ШОИР ЭДИ КАТТА ЎФИЛ

Чол мункайган, қўлда асо –
 Кексаликнинг таъсири.
 Бандаликни этган бажо
 Узоқ йили кампири.
 Гоҳо ўйга ботар чуқур,
 Ўйдан бошқа йўқ эрмак.
 Гоҳо эса қиласар шукур,
 Фарзанд қолган бир этак.
 Қизлар бари тинчид кетган,
 Ҳовли-ҳовли невара.
 Невалар бўйи етган,
 Ҳатто кўрган чевара.
 Фақат уйда уч ўғли бор,
 Иккитаси ёш ҳали.
 Шуларни деб ота бедор,
 Интиқ келин кўргали:



“Йигит бўлгач, топса-тутса,
Оиласа бўлса бош.
Келин келса, меҳмон кутса,
Бизга ҳам боқса қуёш.
Десам қани, ўғлим доно –
Оиланинг каттаси.
Менинг катта ўғлим аммо
Тенгқурларин латтаси...”

Катта ўғил шоир эди,
Боз устига талаба.
Ота эса койир эди,
Келган чоғи ҳар дафъа:
– Болам, энди кексайдим мен,
Укаларинг ҳали ёш.
Оиланинг каттаси сен,
Уйлан, уйга бўлгин бош.

Ота сўзин икки қилмас,
Неки деса, хўп дейди.
Аммо уйда қўним билмас,
Баҳоналар тўқийди.
Уйлан деса, майишар бел,
Хемири йўқ чўнтақда.
Шоирлигин мақташар эл:
“Ўт чиқибди кесакдан...”

Мақтоворларни тинглаб ота,
Ўғли айбин яширас.
Қизлик уйга чиқиб аста,
Таърифини оширас:
– Ўғлим шоир, ўғлим доно,
Оиланинг каттаси.
Хеч кимга у демас аммо:
“Дарвешларнинг биттаси...”

Катта ўғил ўзи ўқиб,
 Ўқитмади укасин.
 Катта ини топиб-тутиб,
 Уйлаб қўйди акасин.
 Куни битиб чол кўз юмди,
 Етиб келди у “дарвеш”.
 Отани ҳам ука кўмди,
 Акасига қилмай пеш.
 Уйланганда инилари
 Чўзолмади ака қўл.
 Лекин қувнаб кутар бари,
 У қишлоққа олса йўл.
 Қайтар чоғи кисса ковлаб,
 Қўл қисади инилар.
 Оиласда кимнинг шу пайт
 Катталиги билинар.

Бироқ ука бундай дейди,
 Қўшниларга эртаси:
 – Чиқмадингиз, келган эди
 Оиласиз каттаси.

Не ажабки, бу кун ўша
 Оиласинг “латтаси”,
 Оиласас, бутун гўша,
 Элу юртнинг каттаси.



ЛОРЕЛЕЯ ВА ЛАЙЛИ

Қайиқчию қайиқни қоз
Биламанки, парчинлар бир-бир
Лорелея қўшиғи соз
Ташлаган дил қисмати шулдир

Ҳанрих Ҳайнек

Ўйнар эди боғда болакай,
Бўғриқиб юз қуёш ҳовридан.
Бир куй мисли тилсимланган най
Учиб келди қўшни ҳовлидан.

Болакайни сеҳрлаб наво,
Ҳайкал янглиғ қўйди қотириб.
Ким экан у?! Билолмас аммо,
Боролмайди бола ботиниб.

Сўнг оҳиста пахса деволдан,
Мўралади чорлаб куй майли.
Ҳайратланди бу ажиб ҳолдан,
Куйлар эди қўшни қиз Лайли.

Ўн тўрт яшар қизчанинг гўзал,
Овозида сирли қўнғироқ.
Ўн беш яшар болада бу гал,
Кезар эди нафис бир титроқ.

Қиз куйларди: “Севаман сени,
Йўқотмасанг элда бурдингни.
Қандай севсанг агар сен мени,
Шундай севсанг ўсган юрtingни...”

Болакайда не бўлди содир,
Хушсиз қолди шу кундан бошлаб.
Юрагида дард тушиб садр,
Ётди тунлар бошини қашлаб.



Ишқ дардидан ким келар ғолиб,
Кимга айтсин қайғусин ахир?
Тонг саҳарда анҳорга бориб,
Тушга қўшиб айтди бирма-бир.

Кўтаролмай ишқ дардин анҳор,
Бўталоқдай югурди бўзлаб.
Юлдузлар ҳам тонггача бедор,
Кўз юммади у бергач сўзлаб.

Сўнг қаламга узоқ тунлар жим,
Афғон қуиди кўтармай бошин.
Қоғозларга қалам бетиним
Тўқди бир-бир ошиқ кўзёшин.

Кўнглин тўкиб мисрага ошиқ,
Кўшиққа қалб этди у инъом.
Олиб учди қанотда қўшиқ,
Олиб берди шоир деган ном.

Хоҳ юртига, хоҳ ёрга доир,
Бўлмаса гар оташин бир ишқ.
Машҳур бўлмас ҳеч қачон шоир,
Жозиба касб этолмас қўшиқ.

2

Бошлаб келди уни қай қисмат?
Кам эдими қалб тўла ғусса?
Ё ҳаётда борми хусумат?
Ишқ синови қўшдими ҳисса?

Шоир кезар Рейнда бу шом,
Сокин оқар Рейн дарёси.
Чўққиларни қуршаган тамом
Шом қуёшин зарҳал зиёси.



Ҳув, чўққида кўринган пари,
Ким бўлдийкин? У қандай рўё?
Ҳайне айтган Рейн дилбари –
Қадим эртак жонланди гўё.

Лорелея тилла кокилин
Зар тароқ-ла тараб, куйлади.
Куи қуршаб шоирнинг дилин,
Ўйларига ўйлар улайди.

Қайиқдаги куйчининг, ёху,
Кўзларига кўринмас дунё.
Қаршисида даҳшат: қоя, сув,
Шоир унга боқмасди қиё.

Ҳув, чўққида сеҳрлаб бу он
Лорелея куйларди тинмай.
Шоир фақат боқар у томон,
Тангрим ўзи асрасин, ҳай-ҳай.

Эвоҳ, кучин кўрсатди қоя,
Парчинланди қайиқча буткул.
Ёвуз ажал ташлади соя,
Энди ундан қутулмоқ мушкул.

Харсангтошу дарё уюри
Чиқмоқ учун бермади имкон.
Ишқи шунга тураг буюриб –
Севиклим деб ошиқ берди жон.

3

Шундай ҳолат рўй берди, қаранг,
Жайхун жўшган қоя бағрида:
Қайиқчани бошқарар аранг,
Тўлқин ўйнар қайиқ сағрида.

Қоя узра соч тараб Лайли
Зарҳал қуёш чиқишин кутар.



Пастда эса Жайхуннинг зайди –
Уюллари девни ҳам ютар.

Қоя узра Лайлисин кўриб
Ошиқ шоир хушидан оғди.
Боқди шоир зўр-базўр туриб,
Сувдан нари харсангтош тоғдир.

Қайиқ бориб урилди тоққа,
Парчинланди қайиқ шу заҳот.
Бор кучини йиғиб оёққа
Ўзин отди – чекинди мамот.

Типирчилаб талпинар куйчи,
Жон жомини ҳовучда тутиб.
Бу дарёдан қутулиб кўр-чи,
Қуёш тушса юборар ютиб.

Жон талвасада чўққига яна
Боққанди у (бу не каромат!),
Куйлаб турар Лайлиси, ана,
Шоирига бағишилаб омад.

Куч чатнатиб шоирнинг пайин,
Сув бағрини тилкалай бошлар.
Терган янглиғ худди атайин,
Қирғоқ нуқул ҳайбатли тошлар.

Тутқич бермас сирғанчиқ тошлар,
Мункиб тушар тағин у сувга.
Беркитса ҳам кўзини ёшлар,
Боқар фақат ўша сулувга.

Қиз куйларди: “Севаман сени,
Йўқотмасанг элда бурдингни.
Қандай севсанг агар сен мени,
Шудай севсанг ўсган юртингни.



Асрай олсанг ёмон кўзлардан,
Юртингни ҳам мен каби, ўғлон.
Нажот кутма, ҳув, юлдузлардан,
Кутқаргувчи ўзим бегумон...”

Тўзғиб кетди парқув каби сув,
Чалинаркан қўшиқ қулоққа.
Юрт севгисин дилга туғиб у:
– Ҳув! – деди-ю, чиқди қирғоққа.

4

Юзларида бўртиб ҳайрати,
Сувга бокди қирғоқда туриб.
Тик қирғоқни кўрган фурсати
Кетди қалби орқага тортиб.

Хушин йиғиб олдими, қайдам,
Пичирлар у дарё бўйида:
“Лорелея қутқулари ҳам
Эриб кетди Лайли куйида.

Она Ватан, англадим энди
Широқ қайдан олганин қудрат.
Нечун Ёркент тобути синди,
Нечун тирик то ҳануз Фурқат...”

Лайлиси ҳам турмади қараб,
Севганига топширди ўзин.
Лайли янглиф сочини тараб,
Зарҳал қуёш кўрсатди юзин.

5

Қовуштирди иккисин Ватан,
Яшар энди шу юртда улар.
Қўша юрсин қўшгани билан,
Юрт севганинг баҳти ҳам кулар.

БИР УЙ ЭШИГИ ҲАҚИДА УЧ БАЛЛАДА

1

Эшик тақиллади. Ҳаприқди умид:
Бутун бадан бўйлаб чопди ҳаяжон.
Ўйлар қуршаб келди бир-бирига зид,
Аммо йўл бўшатди ишончга гумон.

Шошилиб илмоқни излади қўллар,
Бир нафас кутади ўт бўлиб вужуд.
Ҳислар бинафшаси юракда гуллар,
“Кимсиз?” – майин титраб порлади овоз.

Эшик тирқишидан нур каби кирди
“Менман!” деган овоз – дилдаги орзу!
Эшик Бахтни кутиб қучоғин керди,
Ишқдай ичкарига отилди ёғду.

Қучоқлаб энгашди лаблар томон Бахт,
Ийманиб ўзини топширди аёл.
Бахтдан икки вужуд ҳансирар караҳт,
Чексиздек туйилди уларга иқбол.

О, ахир юракни ишқ билан ёқсанг,
Оlam мунавардир азалдан-азал!
Висол кўзи билан дунёга боқсанг,
Дунё шундай тотли, шундайин гўзал!

Мана, толе бўлиб очилди эшик,
Диллар яшнаб кетди бамисли баҳор.
Шу ўй эшигига тайёрлаб бешик,
Ҳатто келажак ҳам боқар умидвор.

2

Эртани тебратар қўйнида бешик,
Эр-хотин эртани шўр манглай этди.

Қарсиллаб ёпилди бехосдан эшик,
Хона ҳам, юрак ҳам зириллаб кетди.

Эшик қарсиллаши титроқни сўтди,
Чуқур чандиқ солди дилда айрилиқ.
Эшик тирқишидан қисилиб ўтди
Юрак санчиғидай узун ҳайқириқ:

“Остонингни елкам чуқури кўрсин!” –
Пиллапоя бўйлаб югурди ҳижрон.
Дунё, сен ҳам йиғла, гўдакдай хўрсин –
Бахтдан етим қолди уч бирдай инсон!

О, агар ҳижронга топширсанг ўзни,
Кунларинг тўқилар баргдай сарғариб!
Ҳаётда ҳеч нарса жалб этмас кўзни,
Дунё шундай нурсиз, шундайин ғариб!..

3

Эшик тақиллади. Сесканар хаёл,
Севгини соғиниб талпинар юрак.
Ўзини қўярга жой топмас аёл,
Билгисиз туйғудан ўртанар гўдак.

Эшик очилади. Бўлиб қўшни чол,
Бўсағадан кулиб қарайди шафқат.
Эшик тақиллади. Сўраб кетар ҳол,
Эски бир таниши. Ишқ келмас фақат.

Эшик тақиллади. Қайтмайди иқбол,
Лекин раҳму шафқат этадир ташриф.
Эшик фийқиллади. Ҳис этар аёл,
Эшик қўшиғида ўзга бир таъриф:

Майли, ёр келмаса куйдириб доғда,
Сўраб келганларга минг бора шукур.
Ҳар ҳолда эшиги очилган чоғда
Хонага киради эшик тўла нур.



УРУШ ВА ТИНЧЛИК

(Рақс – композиция)

УРУШ

Парда күтарилиганды саңнада оғир сукунат. Раққоса қызлар ҳар ер-ҳар ерда Тангрига илтижо этгандай құлларини күкка чўзиб, ҳайкалдай қотган ҳолда хомуш туради. Чолғу асблолари охиста инграй бошлайди. Раққосалар жойларида тек турган күйи қалқиб-қалқиб, құлларини мусиқага ҳамоҳанг түлқинлантиради. Мусиқа аста-секин баланд пардага күтарила боради.

(Чолғучилардан бири):

– Күзёшларни тирқиратиб,
Урушларни күрганмиз күп.
Гүдакларни чирқиратиб,
Отилди түп, отилди түп.

(Созандалар хор бўлиб):

Хо-ов даҳшат!
Хо-ов даҳшат!
Хо-ов даҳшат!

(Чолғучилардан бири):

Жанг меваси ўлим эрур;
Ер ҳам ларzon, дил ҳам ларzon.
Хазон бўлди ёш-ёш умр,
Курмай ўчоқ, осмай қозон.

(Созандалар хор бўлиб):

Хо-ов даҳшат!
Хо-ов даҳшат!
Хо-ов даҳшат!

Саҳнага гандираклаб жангчи йигит кириб кела-ди. Унинг яланғоч баданида ўқ жароҳатлари кўриниб туради. Раққоса қизлар уни куршаб оладилар. Йигит қизлар билагида ерга чўзилади. Қизлар атрофида гир-дикапалак. Раққосалардан бири бошқаларини итариб юбориб, “Бу менинг йигитим” дегандай унинг қўксига бошини қўяди. Сўнгра қувончдан телбаланиб ўйинга тушади. У ўйнаётганда қолган раққосалар оғир дард билан чайқалиб туришади. Бу қизғаниш ҳолатини барча қиз бир-бир ўзларича такрорлайди.

(Чолғучилардан бири):

Қучоқ кутган бургут кўзлар
Тупроқ қучди, тупроқ қучди.
Қучоқлари қувраб қизлар,
Қалбдан кўзга фарёд кўчди.

(Созандалар хор бўлиб):

Хо-ов даҳшат!
Хо-ов даҳшат!
Хо-ов даҳшат!

Йигит қизлар кўмагида ўрнидан туриб, гандираклаб ўйинга тушади. Кейин жанг тахлит-ҳолатини шиддат билан рақсда ифодалайди. Ярадор пайтини эслатиб, гандираклаб саҳнадан чиқиб кетади. Қизлар қалқиб-қалқиб йигит ортидан қўлларини чўзиб қолишади.

(Чолғучилардан бири):

Қон ҳидидан ўқчиб шамол,
Мурда узра шивирлаб дер:
“Сочин юлиб бўзлар аёл,
Бўзлагандай буғдойсиз ер”.

(Созандалар хор бўлиб):

Ҳо-ов даҳшат!
Ҳо-ов даҳшат!
Ҳо-ов даҳшат!

Раққосалар урушни ер юзидан қувлаётгандай шахт ва ғазаб билан ўйнайдилар. Кейин рақс давомида давра ҳосил қилиб ер бағирлайдилар. Улар бир-бирлари га интилиб давра тораяди ва ниҳоят муштлари туташган ҳолда ўринларидан туришади. Барининг муштлари бирлашиб ҳавога кўтарилади. Шу зайлда ҳайкалдай қотиб қолишади. Мусиқа аста-секин тинади.

(Парда туширилади)**ТИНЧЛИК****(Парда кўтарилади)**

Саҳнада тўп-тўп гуллар. Булбулу қумриларнинг дилларни сеҳрловчи хониши кучсизгина тараляётган мусиқа садоларини босиб кетади. Аҳён-аҳёнда бойўғлининг бўғиқ овози эшитилади. Мусиқа аста-секин кучайиб саҳнани денгиз шовуллашидай мавжли куй оқими тўлдиради. Куй маромида гулларни оралаб, ҳар томондан раққоса қизлар кириб келишади. Улар енгил шабадада сокин тебранган буғдой бошоқларидаи оҳиста йўрғалаб, куй авжида ҳур оқ кабутарлардай шўх рақсга тушадилар. Соврин олган отдай саҳнага кириб келган йигитлар қизларга қўшилиб кетишади. Қизлар билан йигитлар жуфт-жуфт бўлишиб, ўйинни давом эттирадилар.



(Чолғучилардан бири):

Осойишта еру осмон,
Тонг кўзида мудрар орзу.
Тинч яшаса бутун жаҳон,
Ҳамма жойда ўйин-кулгу.

(Созандалар хор бўлиб):

Ҳе-ей орзу!
Ҳе-ей орзу!
Ҳе-ей орзу!

Раққоса қизлар тиз чўкишиб, тонгдаги лўппи ча-
ноқлар шаклида чайқаладилар. Йигитлар қизларни
айланиб ўйинга тушишади. Улар рақсларида гоҳо
юракларини чаноқларга жойлаётгандай меҳр билан
эгилишган, гоҳо эса чаноқлардаги тонгни оламга та-
ратишаётгандай қўлларини кўкка чўзган пахтакор-
лар тасвирини намоён этадилар.

...Булбуллар, қумрилар чақчақлайди. Шу пайт йи-
роқдан бойўғлининг юракларга нохушлик соловчи
бўғиқ товуши эшитилади. Раққосалар чўчиб, бир жойга
тўпланишади. Йигитлар ёвга ташланмоқчи бўлган шер-
дай қоматларини тик тутишиб, сергак нигоҳларини
олисларга қадашган кўйи ҳайкалдай қотиб қоладилар.

(Чолғучилардан бири):

Бизлар тўккан манглай терда
Пахтадай оқ эзгулик жам.
Нега энди яшар Ерда
Қора ният одамлар ҳам.

(Созандалар хор бўлиб):

Ҳе-ей дунё!
Ҳе-ей дунё!
Ҳе-ей дунё!

Раққос ва раққосалар жуфт-жуфт бўлишиб ўйинларини давом эттирадилар. Рақс жараёнида қизлар катта давра оладилар. Йигитлар давра теварагини ўрашиб, ўз рақсларида хирмон кўтараётган дехқонлар меҳнати тасвирини ифодалашади. Раққосалар давраси аста-секин торайиб, кўллари туташади. Туташган кўллари устида ёш бола пайдо бўлади. Улар юксалган хирмон рамзи мисол бирпас қотиб қолишади. Йигитлар бироз ортга чекинишиб, кўлларини пешоналарига қўйишиган ҳолда уларга, яъни хирмон рамзига мафтункор боқадилар.

(Чолғучилардан бири):
 Юлдузларга нима деркин,
 Кўкни ўпган оппоқ хирмон.

(Хирмон шаклидаги қизлар):
 Дехқонлар шод, диллар эркин,
 Тинч бўлса, бас, бутун жаҳон!

(Ҳамма хор бўлиб):
 Ҳе-ей тинчлик!
 Ҳе-ей тинчлик!
 Ҳе-ей тинчлик!!!

Йигитлар ўша қўйи жойларидан жилмай турадилар. Оппоқ либосдаги қизлар тонг нуридай таралиб кетадилар.

ПАРДА

ДОСТОИНАР



УЙ МУБОРАК

МУҚАДДИМА

Даврим қалби берган садо
Жаранглар ҳар пучмоқда.
Уйимиздир ҳатто фазо –
Инсон тинмай учмоқда.

Гар истасак,
Шундай уй бор –
Денгиз туби ҳовлимиз.
Лек күпимиз қулбага зор,
Зах шимади бовrimиз.

Кўплар билан иши йўқдир,
Ижроқўмнинг вақти зиқ.
План тўлса – қўнгли тўқдир,
Режасиздир ишқ, қизиқ.

Бола қадди дарров шамшод,
Дарров етар қиз бўйи.
Қай оила бўлмасин шод,
Насиб этса уй тўйи.

Уй беришди Қулматга ҳам,
“Уй муборак” қилайлик.
Уй олган сўнг...
Не-не алам
Бошдан кечди, билайлик.

* * *

Инсон умри – куз осмони,
Гоҳ булатли, гоҳ кулар.
Турмушнинг ҳам баҳт нарвони,
Гоҳ тикланар, гоҳ қулар.

Бугун қуёш кулиб бокди,
Куз осмони чараклар.
Кулмат илк бор чироқ ёқди,
Күнгли уйдек ярақлар.

Чақчақлайди болалари,
Чақчақлайди хотини.
Неки мавжуд дилбар бари,
Минган шодлик отини.

Уч хонали квартира
Олди ахир шаҳардан.
Ўчиб кетди кўп хотира
Шу қувончли хабардан.

Кулмат умри ўтди зотан,
Ижарага уй сўраб.
Юрагини этди Ватан
Турмуш деган дард ўраб.

Берилди у ишга бутун,
Илғор бўлди заводда.
Уйли бўлсам дерди тун-кун,
Ёнди қалби шу ўтда.

Мана энди кўп хотира
Ўчиб кетди хотирдан.
Берди унга квартира,
Ёришди дили бирдан.

Синди энди ҳасрат тифи,
Хурсанд эди ич-ичдан.
Болаларнинг қийқириғи
Томни тешар севинчдан.

Кулмат борин этиб бозор,
Тўй қилмаса бўлмайди.
Кулган баҳти топиб озор,
Кўнгли сира тўлмайди.

Кулмат бориб келди бозор,
Айтди кечга дўстларни.
Рафиқаси – чечан Баҳор
Ёпди каму кўстларин.

Варақилар қилди хил-хил,
Дастурхонни безади.
Шўрва тайёр: гўшти ҳил-ҳил,
Татьми тилни кесади.

Сўнг дўсту ёр бўлишди жам,
Ўйин-кулгу олди авж.
Ароқ кучли денгиздан ҳам
Даврада гап урди мавж.

“Уй муборак!”
“Уй муборак!”
Шифт ҳам ҳатто қаҳқаҳлар.
Тушмас лабдан бу ибора,
Жўр бўлади қадаҳлар.

Тўйда дардни ким тингларди,
Фақат севинч сўзларди.
Бехос эшик жиринглади,
Давра юзи ўзгарди.

Шодлик кезган уммон ичра
Дуч келгандек айсберг,
Кулмат шу зум турди сачраб:
– Эшикни оч! Нега берк?!



– Бекитгандир, – деди Баҳор, –
Болаларнинг биттаси.
Эшигимиз дўстга хумор –
Очиқ эди дадаси.

Сўнгра бориб очди дарҳол,
Қўлин қўйиб қўксига.
Кириб келди соҳибжамол,
Танимади аксига.

Кўрсатиб у иззат-икром,
Ичкарига бошлади.
Бегонайди меҳмон тамом,
Кулмат бўйин қашлади.

Аммо у ҳам этди бажо
Оталарнинг урфини.
Тўрдан унга кўрсатди жой
Очиб кўнгил қулфини.

Ўрнидан дув турди давра,
Хурмат қилиб меҳмонни.
Қайси ўзбек қиласар сўроқ
Уйга келган меҳмонни.

Фақат исмин айтди хурсанд,
Исми экан Севара...
Ҳамма тағин гап билан банд,
“Ол-ол” билан овора.

Баҳор қилган ошни алқаб,
Кулматни шод этишди.
Ярим кеча давра тарқаб,
Уй-уйига кетишиди.

Тўй ҳам ўтди, йўқ муаммо,
Дил севинчи бехудуд.
Меҳмон қизда йўқдир аммо,
Кетишга ҳеч тараддуд.

Елка қисиб хотинига
Кулмат қизни кўрсатди.
Баҳор борди қиз ёнига
Бой бермай деб фурсатни:

Хуш келибсиз уйимизга,
Бугун баҳтдан соч ўрдик.
Кўшилибди тўйимизга
Насибангиз, хуш кўрдик.

Тангрим ўзи қилсин шафқат,
Паноҳида юрибмиз.
Буюрмайсиз айбга фақат,
Танимайроқ турибмиз.

Севара ҳам шуни кутиб,
Турган экан чамаси.
Тамшанаракан тупук ютиб,
Тўкиб солди ҳаммасин:

– Катта раҳмат, опа, сизга,
Кучоғингиз очилди.
Кут ёғилсин уйингизга,
Тўйғаздингиз, оч эдим.

Ростин айтсам, хонадоним –
Уй-жойим йўқ азалдан.
Бор бойлигим – жомадоним,
Қолди у ҳам вокзалда.



Бир бошпана излаб юриб,
Уйингизга дуч келдим.
Қорним очиб, хаёл суриб,
Тўйингизга дуч келдим.

Кимлигимни сўраб-нетмай,
Мени меҳмон этдингиз.
Бегона деб, ҳазар этмай,
Жийрилмади этингиз.

На она бор, на бир падар,
Меҳр кўзлаб келдим мен.
Олислардан чекиб кадар,
Паноҳ излаб келдим мен.

Хўп десангиз, қолай шунда,
Мехрингизни билайн.
Қош чимирмай сизнинг кунда
Хизматингиз қилайн.

Менга тордир бугун шаҳар,
Зотан, катта, чиройли.
Ишга кириб олсам агар,
Бўлиб қолсам уй-жойли.

Яшар эдик бир умрга
Опа-сингили тутиниб.
Ҳақ тўлаши бўлар бир гап,
Жой сўрайман ўтиниб.

Жужиқларин ўйнатарди
Қулмат қўшни хонада.
Баҳор ўйлаб меҳмон дардин,
Икки ўтда ёнади.

Ха, десинми, йўқ, десинми,
Бу нотаниш гўзалга?
Танибики у эсини,
Шодлик солар пайсалга.

Уйда турса шундай пари,
Ишонч борми эркакка?
Шу бугунги қувончлари
Айланмаса эртакка.

Йўқ дей деса, бечора қиз
Тағин кимга мусрайди?
Юриш қийин қизга ёлғиз,
Душманми, дўст учрайди.

Ўлибдими, қиз – ёш, гўзал,
Эрига бормас яқин.
Ўзгаларга эри бир гал
Кўрсатмаган тиш оқин.

Сўз айтмади: “Илож йўқ-ку”,
Ёки “Майли, қол” деган.
Аста туриб ўрнидан у,
Борди Қулмат олдига.

Қулматга ҳам қиз тарихин
Бир бошидан қайтарди.
Негадир у қиз таърифин
Ошириброқ айтарди.

Қулмат деди: – Яшаш учун,
Юрибди, де, жой танлаб.
Тунай қолсин майли бугун,
Оқ йўл тила эрталаб.

Юрма тағин таъзириң еб,
Йиғиширгил хом ўйни.
Ижарапи қўямиз деб,
Олганмидик бу ўйни?!

Баҳор бироз бўлиб мулзам,
Чиқди меҳмон томонга.
Совуқ гапни аммо ҳеч ҳам,
Билдирмади меҳмонга.

Унга хомуш қўринди қиз,
Мехри ортди тобора.
Бир хонада ўзи ёлғиз
Ором олди Севара.

Баҳор эрта турган эди:
Ҳамма тараф саришта.
Эр ёнига бориб деди:
- Қиз эмас, у фаришта.

Ҳаммаёқни ювиб-артган,
Этсам арзир овоза.
Чалинмасин қўли дардга,
Идиш-товоқ топ-тоза.

Кўриб-билиб аҳволин биз,
Кет, деяйлик не учун?
Жой топгунча бечора қиз
Тура қолсин уч-тўрт кун.

Турса турсин деган янглиғ,
Қулмат бошин ирғади.
Баҳор унга боқди илиқ,
Розилигин илғади.

Шу-шу уйда шодлик-хуррам,
 Кулгуларнинг садоси.
 Бўлиб қолди Севара ҳам
 Оиланинг аъзоси.

Куюқ сочи ўйнатар кўз,
 Елка узра товланиб.
 Иш буюрсанг, турмас бесўз
 Ерга қараб, ковланиб.

Уни бари қиласар ҳурмат,
 Яшар эди хотиржам.
 Бир амаллаб сўнгра Қулмат
 Жойлаштириди ишга ҳам.

Сал кечикса, эслашади,
 Қолишдилар ўрганиб.
 Болалар ҳам излашади
 Юрак-бағри ўртаниб.

Кунлар оқиб тўлдиришди,
 Кўкдаги кўл – ойни ҳам.
 Она тобсиз билдиришди
 Баҳоройга айни дам.

Болаларин олиб чиқди,
 Кутар ахир онаси.
 Севара бор уй тўлиқдир,
 Саранжомдир хонаси.

Бир парча хат этди огоҳ,
 Ишдан қайтгач Севара.
 Оро бериб қолди ногоҳ,
 Қилди сочин чамбарак.

Дўконларга учган тахлит,
Бориб келди бирпасда.
Ичкилик ҳам қилди харид,
Олиб келди гулдаста.

Уй ичини шамоллатди,
Кам-кўстини тузатди.
Пардаларни дазмоллади,
Тўй кунидай безатди.

Кечроқ қайтди ишдан Кулмат,
Мойга ботиб қўл-юзи.
Кутиб олди уни хурсанд
Севаранинг бир ўзи.

Уй боқарди сирли, мубҳам,
Болалардан йўқ дарак.
Болаларнинг ўрнига ҳам
Эркаланди Севара.

Уқди дарров Кулматнинг у,
Кўзидаги савонни.
Айлаб минг бор нозу кулгу,
Тушунтирди аҳволни.

Чехрасида чақнаб ханда,
Сочиларди нур-ёғду.
Кулмат устин ечинганда,
Кўмаклашиб турди у.

Ювинганда сочиқ бериб,
Янги пайпоқ келтирди.
Кўз-кўз қилиб, кўксин кериб,
Сўнг ёнига ўлтирди.

– Вой-ей, мунча бақувватсиз, –
 Тортди Қулмат бурнидан.
 Сүнгра бирдан ўпдию қиз,
 Иргиб турди ўрнидан.

Қулмат эса титраб тизи,
 Ўрнидан ҳеч туролмас.
 Олов бўлиб ёнар юзи,
 Ақли-хуши эди маст.

Хаёллари арқон солди,
 Судраб тортди ҳар томон:
 “Наҳот, мени севиб қолди,
 Шундай гўзал бир жонон.

Ҳазиллашган... Кўнгли очиқ...
 Ўпди... Тортди бурнимдан...”
 Тизи янглиғ титрар сочиқ,
 Туролмайди ўрнидан.

Қиз туради деган каби:
 “Бўшанглигинг кўрсатдинг”.
 Тағин борди қизнинг лаби,
 Қулоғига Қулматнинг:

“Кулгим қистар ич-ичимдан,
 Туролмайсиз не учун?
 Ўпиб олдим севинчимдан,
 Мен туғилган кун бугун”.

Қулмат шошиб турди дарҳол,
 Такбирини йўқотди.
 Энди тили чиққан мисол
 Бир амаллаб сўз қотди:



“Табриклайман... Сени қара,
Айтмабсан-да наҳорда...”
Кўшиб қўйди: “Эх, Севара,
Кетмас эди Баҳор ҳам”.

“Ҳечқиси йўқ, мана, сиз бор,
Ёлғиз қолсам бошқайди.
Яхши эркак – кўпга сардор,
Ўз ортидан бошлайди.

Қани, бошланг ичкарига,
Ҳамма нарса мунтазир”.
Қулмат деди: “Хўп, “дори”га
Чиқиб келай, мен ҳозир”.

Қўлдан тортиб, эркаланиб,
Севара дер: “Бор бари”.
“Қандоқ бўлди?” иккиланиб,
Қулмат кирди ичкари.

Таниб бўлмас уй ичини,
Хонтахталар ясоғлиқ.
Яширолмай қувончини,
Тилади қизга соғлиқ.

“Ажойиб қиз, – дилга туйди –
Шунча бўлар ҳурмат ҳам...”
Севарани қучиб қўйди
Ҳазиллашиб Қулмат ҳам.

Қизаришиб, ими-жими,
Ўлтиришди ёнма-ён.
Юксак ўрлаб қон босими,
Ҳислар қиласар тўполон.



Кулмат ўзин алдай бошлар,
 Қалбга берар тасалли:
 “Сал суйканسام, жеркиб ташлар,
 Ўзни босай... Ёш ҳали...”

Хаёл босиб мисли туман,
 Кўзин тўсиб қўйибди.
 Кўзин очса: хаёл билан,
 Ароқни ҳам қуйибди.

Қизга баҳтда тилади тахт,
 Кулмат қадаҳ кўтариб.
 Сўзлади бирмунча вақт,
 Ора-сира йўталиб.

Сўнг қадаҳлар жарангидан
 Майиб бўлди ақллар.
 Суйкаланиб елкаю тан,
 Тизлар секин яқинлар.

Қистаб қолди Кулмат қизни,
 Сўзла дея бир карра.
 “Учратганим учун сизни!”
 Қисқа қилди Севара.

Кулмат тани чўғдек қизди:
 “Севар экан демак у...
 Баҳор билса... Ўғил-қизи...”
 Қулоқ солмас ҳис-туйғу.

Тирсагига қизнинг кўкси
 Тегиб кетди чамаси.
 Тамом бўлди идрок баҳси,
 Унутилди ҳаммаси.



Кулмат қўли титраб секин
Қиз тизига ўрлади.
Қиз энтикиб олади тин,
Гўё буни кўрмади.

Ўчиролмас идрок бу дам,
Ҳис ёндирган оташни.
Сезмай қолди ўзлари ҳам,
Лаблар қандай туташди.

Бир-биридан ийманишиб,
Яширишар кўз қирин.
Жипсллашиб, куйманишиб,
Қалблар тинглар бир-бирин.

Ҳасратми ё кулди иқбол,
Севарапинг кўзи нам:
“Олиб қочди мени хаёл,
Шошманг бунча, жонгинам.

Кечирасиз, бир бор аввал,
Алдаганди боғ сайли.
Топширдим мен ўзни бу гал
Чинакам ишқ туфайли.

Севасизми сиз ҳам мени?” –
Қиз сингади бағрига.
“Бир умрга дейман сени,
Кўл силкийман барига”.

Қиз бер деса, берар ҳозир
Кулмат бутун жаҳонни.
Тақдим этди унга Хизр
Шундай гўзал жононни.

Тонгга қадар уйда чироқ
 Ўчиб-ёнди неча бор.
 Ишга бориш керак бироқ,
 Ажралишди чор-ночор.

Кулмат ишга боргунча то,
 Келолмади ўзига.
 Ўнгими бу, тушими ё,
 Ишонмайди кўзига.

Уйлангунча, дея чўтири,
 Кўп қиз танбеҳ беришди.
 Паридек бир қизга ахир,
 Қандай қилиб эришди.

Кўнгил дейди: “Юрма ўйлаб,
 Танламайди ишқ чирой.
 Адашган кўп, бўлар бир гап,
 Қизни кўлдан берма бой...”

Кўйган эди режа тузиб,
 Кулмат ишдан қайтишда.
 Сал нарсадан жаҳли тўзиб,
 Эру хотин айтишди.

“Нега кетдинг сўрамасдан?!”
 “Дўқ урмасдан гапиринг”.
 “Ўлибдими ўша маston,
 Ақлин еган кампиринг?!”

“Ундей деманг, мен мубтало”.
 “Аврайман деб уринма”.
 “Жин урдими, нима бало?”
 “Йўқол уйдан, кўринма”.

Болалари ёшга қўшиб
Юракларин сачратди.
Севаражон ора тушиб,
Икковини ажратди.

Бири ёқса, ёқмай бири,
Ҳар кун қилди можаро.
Бир ой ўтмай жанжал сири
Бўлиб қолди ошкора.

Ярим кеча туриб Баҳор,
Боласини эмизди.
Назарида кимдир бедор,
Ниманидир дил сезди.

Мўралади аввал секин
Эри ётган ўринга.
Олмас эди ҳеч кимса тин,
Қаён кетди? Хўш, нега?

Сўнгра аста борди Баҳор
Қиз хонаси тарафга.
“Наҳотки қиз бўлса дучор,
Бу bemаза талабга...”

Шивирларди қиз хонаси,
Саси келди эркакнинг.
Чиқиб кетди эсхонаси,
Қўрқув босди юракни.

– Ифлос! – гўё сачраган чўғ,
Баҳор кирди бостириб.
Иккаласин аввал бу дўқ
Қўйди бир зум шоштириб.

Кўксидан сўнг: – Менман эга! –
 Яланғоч қиз итарди.
 – Йўқол бундан! Кирдинг нега??! –
 Қулмат шовқин кўтарди.

Қайғу тағин бўлди улфат,
 Йиғлаб кутди наҳорни.
 Уч болага қўшиб Қулмат
 Қувди уйдан Баҳорни.

Яраштиromoқ истадилар
 Уруғ-аймоқ, ҳатто суд.
 Қулматни хўп қистадилар,
 Бўлар дея бағринг бут.

Туриб олди қайсар Қулмат,
 Фишт қолипдан кўчган деб.
 Унга бўлган ишқ-муҳаббат
 Қалдан буткул ўчган деб.

Ажрим пайти уйни Баҳор
 Бахтсиз уй деб олмади.
 Лекин уйда эски бирор
 Буюми ҳам қолмади.

Бўлди Баҳор молу шафқат –
 Алиментга эгали.
 Болаларга тегди фақат
 Отасизлик “медал”и.

Ўйнаб ўтди Қулмат вақти
 Гўё ширин туш каби.
 Учиб кетди сўнгра бахти
 Қорни тўйған қуш каби.



Юрса – ўпок, турса – сўпок,
Бўлиб қолди бир йилда.
Қулмат энди қоқмас қулоқ,
Қайсарлиги тийилди.

Юрди хотин қарғишин еб,
Бу куни ҳам кўп экан.
Бахт устуни – турмушим деб,
Ушлагани чўп экан.

Уни уйдан қувди бутун,
Надоматга ғарқ бўлди.
Энди унга тунлар узун,
Йўлу ғарбу шарқ бўлди.

Аламидан ичди Қулмат,
Этолмай уни удда:
Уйқу элтди – босди ғафлат,
Ўзини кўрди судда.

Анкеталар кутар жавоб,
Жавоб бериш мажбур-ку.
Саволларга берди жавоб,
Ҳарбийга ҳам мажбур у.

– Адресингиз?
– Мен саргардон,
Уй-жойи йўқ бир киши.
– Тугатилган аллақачон
Дарбадарлик турмуши.

– Ўн еттинчи йилдаёқ денг,
Балки айбдор қиласиз?
– Уйсиз кўча безорининг
Тураг жойин биларсиз?

– Ҳа, биламан. Лекин ҳеч ҳам,
Менинг бунда айбим йўқ.
– Мастлар учун уйми кўча?! –
Сўроқ қилган урди дўқ.

Ялинишга ўтди Қулмат,
Тушунтирди аҳволин.
Ўчакишга йўқдир журъат,
Икки қилмас саволин.

Бўлди чоғи суд хотиржам:
– Чиқинг! – деди Қулматга.
Чақирилди Севара ҳам,
Етиб келди, албатта.

Анкеталар кутар ҳисоб,
Ҳисоб бериш мажбур-ку.
Саволларга берди жавоб,
Манзилин ҳам айтди у.

– Қулмат билан турмушингиз?
– Нимасини айтайин,
Шу кунларда уришлимиз,
Эр эмас у, бетайин.

Кўп ичади. Ҳар кун жанжал,
Кун бермайди менга у.
Ахир, чақа мастлик маҳал
Уни олиб келган-ку!

– Севганмисиз уни олдин,
Қандай турмуш қургансиз?
– У олдин ҳам олган хотин,
Бирам яхши кўрсангиз.

Бир-биридан сулув, ширин,
Уч фарзанди бор эди.
Билмай улар ота меҳрин,
Бир отага зор энди.

Чирқиратиб уч гўдакни
Наҳот севсам мен буни?
Бола сўймас тош юракнинг
Наҳот бўлсам мафтуни?

Қаранг унга – на ҳусни бор,
На эркаклик сиёғи.
Лекин жуда писмиқ, ғаддор,
Қийшиқ босар оёғин.

Мени пойлаб холи фурсат,
Мажбур этди тегишга.
Мажбур бўлди ғайир Қулмат
Бошин қуи эгишга.

– Розимиз бирга тағин
Турмуш қуриб яшашга.
– Жирканаман, бориб яқин
Бирга қадам ташлашга.

– Сен-чи, Қулмат?
– Йўқ! – bemажол
Унинг боши чайқалди...
Ташқарида жала, шамол –
Тиниқ сувлар лойқалди.

Уч ой муддат бериб бироқ,
Ишни сурди орқага.
Бошланиб сўнг яна сўроқ,
Қайтди ўша ҳалқага.

Ҳар иккисин арзи-доди
 Инобатга олинди.
 Ажрим қоғоз – ишқ фарёди
 Чүнтакларга солинди.

Уч хонали квартира
 Севарага хатланди.
 Ўчиб кетди кўп хотира,
 Гўё жардан ҳатланди.

Гўё шодлик қанотида
 Учди уйга Севара.
 Уч хонали уй олдида
 Тордир дала, тоғ-дара.

Кириб чиқди уйга келиб,
 Хоналарга бирма-бир.
 Айланди у елдай елиб,
 Қизиқ экан бу тақдир.

Мийифига қўнди кулгу,
 Қуёш бўлиб сузгудай.
 Ўз-ўзини табриклар у,
 Аксин кўриб қўзгуда:

“Ишлатмасанг ақлинг агар,
 Турмушда йўқ самара.
 Уйсиз бўлсанг – тордир шаҳар,
 Уй муборак, Севара!”

Ташқарида куз осмони
 Гоҳ ийғлайди, гоҳ кулар.
 Оиланинг баҳт нарвони
 Гоҳ тикланар, гоҳ қулар.



Аммо бугун қулаб тушган
Бахт нарвони эмасди.
Рўй бергандек бу ҳол тушда
Севара ғам емасди.

Турмушга, деб, топдим устун,
Еди Қулмат таъзирни.
Севара ҳам тўлар бир кун
Бу ҳаётдан қарзини.

Энди Қулмат кўчаларда
Тентир излаб бошпана.
Тонги олис кечаларда
Совуқ қилди тантана.

Фарзанд дея ботди ўйга,
Юрак меҳри бойланиб.
Болалари турган уйга
Бориб қолди айланиб.

Кўкда юлдуз пирпирайди,
Ўчган кузнинг ранг-кути.
Юпун юрак дилдирайди,
Топиларми ишқ ўти?..

Шўрлик Қулмат эгиб бўйин,
Ишқ тиланиб юрибди.
Қувган баҳти – Баҳор уйин
Тақиллатиб турибди.



ХОТИМА

Даврим берган баҳтли садо
 Жаранглар ҳар пучмоқда.
 Уйимиздир ҳатто фазо –
 Инсон тинмай учмоқда.

Гар истасак, шундай уй бор –
 Денгиз таги ҳовлимиз.
 Хона йўқдир ёғдуга зор –
 Баҳт қуёши давримиз.

Тағин нурин сийлов этди
 Қулматга баҳт офтоби.
 Ҳовли тўйга айтиб кетди
 Қочиб оғзин таноби.

Қани, кетдик ҳовли тўйга,
 Қулмат гина қилмасин.
 Борманг тағин ёмон ўйга:
 Уйи йўқлар билмасин.

Меҳмон кутар Баҳор ҳозир
 Варақилар пишириб.
 Юринг, дўстлар, келайлик бир
 Қоринларни шишириб.



МОЛИҲУЛЁ

МУҚАДДИМА

Тириклар-ку, ҳаётнинг нақши,
Мархумдан ҳам ранг олур дунё.
Марҳумларни гоҳ айлаб дуо,
Хизматларин эслаш ҳам яхши.

Лекин...

Лекин бир гап эшитдим,
Чўлда бир кун тунаб қолганда.
Бир мархумни ёдга олганда,
Ачинмади шўрликка ҳеч ким.

Унинг қандай ўлганин тинглаб,
Саратонда музлади таним.
Чўлқуварлар ичидаганим,
Борлигини қолдим мен англаб.

Пахтазорга айланганда чўл,
Олтин бўлиб оққанда тупроқ;
Ўйлантириди шубҳалар кўпроқ,
Ўйлантириди карвон тушган йўл...

Қаҳрамон деб ўйлаймиз, зеро,
Чўлқуварман деганинг барин.
Варақласанг чўлнинг дафтарин,
Олтин Юлдуз таққан ҳам сероб.

Қаҳрамон деб бўлурми, элин,
Эртасидан юмса гар кўзин.
Баъзилар бор...
Яхшиси, келинг,
Айта қолай бир бошдан ўзим.

1

Увв... Увв...

Сахро. Қишилласи. Қор.

Кўринмайди қимирилаган жон,

Қор тўзонин қўтарар бўрон:

Увв... Увв...

Ҳамма ерда қишининг қаҳри бор.

Илдизлари симдай сирқираб,

Чатнаб кетар жинғиллар тани.

Жой тополмай муқим қолгани

Қор учқуни

Изғир чирпираб.

Увв-увв...

Қарс-курс...

Чўрт учеб кетар,

Саксовулнинг қурч бутоқлари.

Кўз очирмас,

Бамисли ари,

Музғалоқлар санчади наштар.

Бийдай чўлда ўзича яйраб,

Бўрон тинмай дағдаға солар.

Тиккайганнинг жонини олар,

Қишилласи қиличин қайраб.

Писанд эмас

Бўронга ҳозир

Ёзда чўлни ёндириган қуёш.

Бўрон раҳмин келтирмас кўзёш,

Не деса у,

Шу бўлар зоҳир.



Оёқ тираб,
Бўронга фақат,
Ҳаёт бунда ўз куйин чалар.
Кўчма қишлоқ –
Вагон уйчалар,
Туришибди мағрур тутиб қад.

Ичкарига киролмас бўрон:
Эшикларга манглайн уриб,
Дарчаларга сумалак суреб,
Аламидан
Кўтарар сурон.

Увв-увв...
Сахро.
Қиши...
Қуюн янглиғ,
Қор тўзонин ҳимарап бўрон...
Вагон уйлар,
Ҳаёт: ўт. Инсон.
Ҳаёт нури – чироқлар ёниқ...

2

Вагонларда
Лопиллар чироқ,
Дарчаларда кезинади нур.
Ташқарида бўрону,
Бироқ
Вагон ичра ёз тафти кезур.

Хузур қилиб
Чой ичар шу топ
Вагон уйда икки ёш йигит.
Нондан анқир
Тупроғу офтоб,
Косадаги болда ҳам шу ҳид.

Чиқишдаги осма ўринда
 Ётар эди яна бир одам.
 Йигитларга у кўз қирида
 Қўяр эди
 Қараб дам-бадам.

Чақирмагач йигитлар чойга,
 Аста турди.
 Пальтосин олиб,
 Мих қоқилган омонат жойга
 Ўлтиргандай чўқди у бориб.

Кўнгил учун икки йигит ҳам:
 – Келинг, келинг! –
 Дейишди ночор.
 Сўнгра Ботир қилмоқ-чун мулзам:
 – Олинг, – деди, –
 Бизда бол ҳам бор.

Кесатиққа қилмайин парво,
 Тушиаркан болни у паққос:
 – Асал, – деди, – минг дардга даво,
 Қани ҳар кун еб турсанг оз-моз.

– Пулинг бўлса,
 Хотин ҳам бордир...
 Дўконда кўп,
 Қурбон амаки.
 – Гапларингга борман-да, Қодир,
 Чекишга йўқ ҳатто тамаки.

Мен ҳам агар ёш бўлсам эди,
 Юрсам эди сизлардек бўйдок, –
 (Бош бармоғин кўрсатиб) деди:
 – Яшар эдим мен мана бундоқ.



– Амакиҷон,
Недан ғам ейсиз,
Маошиңгиз уч юзга яқин...
– Ботиржон-ей,
Уч юз сўм дейсиз,
Жўжабирдай жон бўлсам, тағин.

Шаҳар бўлса туарар жойимиз,
Уч юз сўм пул нима деган гап...
– Соғинмасми
Келинойимиз,
Йилдан ошди, бормайсиз йўқлаб.

– Қодир,
Сенга гап бўлса фақат,
Хат юбориб турибман, мана...
– Ёр соғинчин босармикан хат,
Қуруқ қолманг,
Янгадан яна...

– Қўй-е, Ботир,
Айнидинг сен ҳам.
Қани, борми,
Чекайлик жигар.
Билмаганлар дейди муттаҳам,
Аҳволимни билсангиз,
Агар...
– Йўғ-е,
Мана, чекинг, марҳамат,
Саломатлик бўлсин, амаки.
Уруғига келса ҳам қаҳат,
Сиздан садқа битта тамаки.

– Раҳмат, жигар, –
 Ўрнидан туриб,
 Кийиб олди пальтосин Қурбон.
 Чуқур-чуқур тамаки сўриб,
 Боқди аста Қодирга томон.

– Агар бўлса, – деди бош қашиб, –
 Тутунингдан сен ҳам битта ол.
 Ўпка қурғур қолса бўшашиб,
 Керак бўлар тунда,
 Эҳтимол...

– Албатта-да, –
 Дедиу Қодир
 Икки ўрам узатди унга,
 – Таги камчил,
 Чекмайсиз ҳозир,
 – Тайинлади, –
 Амалланг тунга.

Хўп дегандай бош ирғаб Қурбон,
 Ётиш учун ҳозирлади жой.
 – Йифилмасдан ҳали дастурхон,
 Ётаяпсиз,
 Дамлар эдик чой.

Қурбон деди ёстиғин уриб:
 – Майли, ётай,
 Кўп ичиш – озор...
 – Олдингиз-ку, уйқуни уриб,
 Бўлмайсизми ётишдан безор.

Ботир деди кулиб мулойим:
 – Висол қўмсар тинкаси қуриб,
 Ётса керак
 Дардлашиб доим
 Янгамизни тушида кўриб.



Ботир гапин оғзидан юлиб,
Қодир уни эттирди давом:
– Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-а, – деди у қулиб, –
Айтиб қўйинг биздан ҳам салом.

– Тинчланинглар,
Жигарлар бирпас,
Гап халтанглар кетса ҳам тўлиб.
– Сўнг у бели егандай шикаст,
Ётиб олди
Ғужанак бўлиб.

– Топилмас мол бўлса ҳам пальто,
Уй иссиқ-қу,
Ечиниб ётинг.
– Қодиржон-ей, қўймайсан асло,
Одатим шу,
Яна гап сотдинг.

Ҳазил, кулгу – қўнгилга роҳат,
Дилда ётган қайғуга –
Курак...
Икки йигит шўхлигин фақат,
Бир дамдан сўнг тўхтатди хуррак.

3

Ухлаб қолди Қурбон Қурумсоқ.

– Ошнанг уйку касали,
Қодир...

– Тун оққан сўнг ухламас бироқ,
Қандайдир бир асрори бордир.

– Ўз бошини ейди бу одам,
Бир чақа деб,
Имонин сотар.

– Қўшиламан гапингга, ошнам,
Қилиқлари гоҳ оғир ботар.

Йилдан ошди,
 Бир марта ахир,
 Ўз пулига еган йўқ овқат.
 Доим ўзин кўрсатиб фақир,
 Одамлардан тиланар –
 Шафқат.

Пул топсам дер чекмасдан озор,
 Ишни кўрса,
 Жуфтакни урар.
 Ҳамма унинг турқидан безор,
 Кўрса,
 Юзин тескари буар.

Яширишдан,
 Ботир, не фойда,
 Тегди-ку, у бизнинг ҳам жонга.
 Раҳми келиб,
 Тағин ҳар ойда
 Кўшиб ёзар бошлиқлар унга.

– Бола-чақа дейдию, ўртоқ,
 Унингдан мен қиласман гумон...
 – Балки чиндан аҳволи чатоқ,
 Билмай туриб,
 Тутмайлик осон.

– Хат ёzsак-чи,
 Уйига бирров,
 Билар эдик аҳволин аниқ,
 – Манзилини сўраса биров,
 Тумтаяди рашк қилган янглиғ.

– Рашк қилсайди,
 Гўлсан-да, Қодир,
 Қолдирмасди бир йиллаб ёлғиз.
 Балки бўйдоқ?



Ишонмасанг, бир
Солиб кўргин сен унга оғиз.

– Кўй-е, Ботир,
Не керак ғийбат,
Бел букрисин тузатади гўр.
Ундан кўра ўйнайлик шахмат,
Ақлинг пешла,
Бўлай десанг зўр.

Бағрин очди шахмат олами,
Пиёдалар саф тортди олдин.
Пиёдалар:
Оқми-қорами –
Кураш йўлин бошлашлари чин.

Бермасалар агар йўл очиб,
Фарзинлар ҳам чиқолмас йўлга.
Фақатгина асп ўтар сапчиб,
У ҳам дарров тушади қўлга.

Пиёдани сурди Ботир ҳам,
Такрорлади Қодир ҳам уни.
Шоҳлар олдин очди бу қадам,
Фарзинларнинг туғилди куни.

Қизиб кетди фикрлар жанги,
Оқлар аввал бошлади хужум.
Қаттиқ жангдан қоралар гангиб,
Ҳимояга ўтди ўшал зум.

Бир неча бор ўзгарди ҳолат,
Кўп пиёда бўлдилар қурбон.
Фарзин, руҳни
Босгандა ғафлат,
Пиёдани ейиш ҳам осон.

– Кишт!
 – Ҳовлиқма,
 Очмас-ку, Қодир.
 Қодир бехос чимириб қошин,
 Боқар экан,
 Деди: – Эҳ, охир,
 Фарзинимнинг ебсан-да бошин.

Эвазига ерканман аммо,
 Битта руҳу икки пиёда.
 – Пиёдалар эмас муаммо,
 Ҳаммасидан фарзин зиёда.

Генералга ўғлини магар,
 Алмашмаган бир вақт Сталин.
 Чунки ўғли оддий бир аскар,
 Шахматда ҳам
 Худди шу таълим.

– Сталиндан тушма ҳайратга,
 Йўқдир менинг унвон касалим.
 Ўғли билан тушган суратга
 Горький ёзган:
 “Буюк асарим!”

Ўз ўғлини севмаган ота
 Қандай севди экан
 Халқини?!
 Шахматдаги фикринг ҳам хато,
 Тўғри эмас сенинг талқининг.

Балки, ошнам,
 Ўша генерал
 Таслим бўлган оддий аскарга?
 – Мот қиласан гапда сен ҳар гал,
 Аммо қара “буюк асар”га...



Эслайсанми,
Қайси бир шоир
Пиёдага ачиниб деган:
– Фарзингача борар у бир-бир,
Аммо у шоҳ бўлолмас экан.

– Бошқа шоир шундай деганким,
Бўлса бўлар,
Пиёда қурбон,
Лек у қилар шоҳни ҳам таслим,
Ўзи таслим бўлмас ҳеч қачон.

– Санаяпсан сен мени, бузоқ,
– Бор-э, ана,
Бўлақол този...
Улар икков тортиншиб узоқ,
Бўлишдилар дурангга рози.

Сўнг ҳам улар баҳс қилиб пича,
Бошларини ёстиққа қўйди.
Ташқарида
Бўронли кеча.
Қор совуриб,
Куртинглар уйди.

4

Тонг.
Ўчириб тун нафасини,
Жаранглади меҳнатнинг сози.
Кўмди бўрон қаҳқаҳасини
Бульдозернинг бўғиқ овози.

Машиналар ғизиллар тинмай,
Шер сингари ўкирар “МАЗ”лар.
Хартумини чўзиб пайдар-пай,
Экскаватор мункиб ер қазир.

Бульдозерлар ўмровлаб ерни,
 Титраб-бўзлаб
 Суради тупроқ.
 Қодир артар манглайдан терни,
 Жунжикади Курбон Курумсоқ.

Иккиси ҳам бульдозер ҳайдар,
 Тупроқ ташир Ботир “МАЗ” билан.
 – Бир чекайлик,
 Машинанг қайтар! –
 Курбон сўрар бор овоз билан.

Ботир унга бермади жавоб,
 Ўтиб кетди бир қараб қўйиб.
 Экскаватор бир зайл шитоб
 Машинага юк ортар уюб.

Машинасин қўяркан сафга,
 Чўнтағидан сигара олиб.
 Силкитиб у Курбон тарафга,
 Қўйди яна чўнтакка солиб.

Қўлин сермаб Ботир у томон
 Деди: – Чексанг,
 Кел ўзинг, дарҳол.
 Қўзи ўйнаб югурди Курбон,
 Қалин қорда энтикиб, беҳол.

Етиб келди
 Қўлин “уф-уф”лаб,
 Боғлаб олган белини симда.
 Бўйнин қисиб тураг дилдираб,
 Эски пальто, увада шимда.



Ботирга у боқди мўлтираб,
Деган мисол берсанг берақол.
Биқинига Ботир қўл тираб,
Қараб қўйди келгандай малол.

Кейин Ботир бериб чекишга,
Деди унга: – Бу яхши эмас,
Илтимослар кетмайди қишишга,
Этик олинг киройи турмас.

Оёғига қарапкан Қурбон,
Тамакини тортди ютоқиб.
Пайтавасин ўйнарди бўрон,
Юлқир эди ҳар ён тутоқиб.

Йиртиқ эди икки пойи ҳам,
Бош бармоғи чиққанди туртиб.
Қурбон бўлиш ўрнига мулзам
Тиржайди у тупугин ютиб.

Ҳадя қилди буни ҳам Иван,
Иван менга турар қайишиб.
Ямаб олсам бўларкан,
Чиндан,
Қийнамоқда оёқ ачишиб.

Ботир: – Боринг, югуринг, тағин,
Совуқ уриб кетмасин! – деди.
Чопиб кетди демасдан у ғинг,
Тойиб-тойиб югураг эди.

Статорга оёғин қадаб,
Қарап экан Ботир бурилиб,
Ўхшатди у: борар юмалаб,
Ёғ бочкаси тошга урилиб.

“Гиф-гиф” деган овоз чиқариб,
Сүнгра бирдан гурлади мотор.
Учиб кетди қор бағрин ёриб,
Юклаб бўлгач экскаватор.

Қайнар эди бу ерда ҳаёт,
Олов бўлиб ёнар ҳар киши.
Кўнгилларга боғларди қанот,
Келажакнинг ўю ташвиши.

Курилмокда канал ўзани,
Битса чўл ҳам бўлади зумрад.
Юлдуз сочиб турган ғўзанинг
Орзусини ким ҳам этар рад?!

Шу ниятда бунда ҳар инсон
Чўлга қарши кўтаргандар бош.
Куёш юзин тўсса ҳам бўрон,
Ёниқ эрур ҳар қалбда қуёш.

Аламидан чийиллар бўрон,
Тилсиз ётар қор босган сахро.
Тил топишган техника-инсон,
Чўлни енгиш эмас муаммо.

Бульдозерлар ўмровлаб ерни,
Титраб-бўзлаб суради тупроқ.
Қодир артар манглайдан терни,
Жунжикади Қурбон Қурумсоқ...

Дилдиради совуқдан Қурбон,
Бульдозери ўрмалар оғир.
Чап товонинчувалчангсимон
Битиб кетган чандиги оғрир.



Ўнг оёғин чимчалоги ҳам,
Гоҳо илкис кетарди санчиб.
Тушар эди эсига шу дам,
Кетганлиги болтанинг янчиб.

Бола эди у ҷоғлар ҳали,
Етмас эди унча фаросат.
Бир кун ўтин ёрган маҳали
Рўй берганди шундай фалокат:

Қаёқдандир келиб отаси,
Мушт кўтариб айлади зуғум.
Қочди.
Ўтин ёрган болтасин
Улоқтириди отаси шу зум.

Оёқ учин мажақлаб болта,
Чимчалогин айлади чалпак.
Бироз тушиб ҳовридан ота,
Оёғига босди ун-кепак.

Ўгит берди уйга киритиб:
“Пулга келган ахир бу болта,
Агар қўйсанг синдириб-нетиб,
Нима бўлар аҳмоқлар сатта!

Айтганман-ку, қўшнидан олгин,
Онангни-ку, йўргакда урган.
Бўлди энди, йифидан қолгин,
Ҳеч нарсамас, сал этинг сурган”.

“Унга эмас”, ўқсиди Қурбон,
“Йиғлаганим, отажон, бошқа,
Не бўларди отганингиз он
Синса болта тегибми тошга.

Куяр эдик болта пулига,
 Йиғлаяпман шунга, отажон".
 Шодон боқди ота ўғлига:
 "Балли, ўғлон, балли, паҳлавон.

Сендан одам чиқади, одам,
 Одам жони бўлиш керак тош.
 Лекин, ўғлим, ўйлаб бос қадам,
 Пул – бу ҳаёт. Пул – бу нур, қуёш".

Курбон эслаб ота мақтовин,
 Юзларига қўнди табассум.
 Тислантириди хаёл асовин
 Чандик товон зирқираб шу зум.

У эслади: эди айни ёз,
 Ишлар эди тунда бенавбат.
 Босаман деб муфтини, бехос
 Тилиб кетган учли бир мурват.

Товонидан тирқираган қон,
 Келиб қолиб койиган Қодир:
 "Нима, сизга керакмасми жон,
 Ялангоёқ ҳайдаманг ахир!"

Курбон тутиб ўзини тетик,
 Айтган эди Қодирга шунда:
 "Чидармиди темирга этик,
 Не қиласман қиши келган кунда?"

Ечиб ёнга қўйган этигин,
 Кийиб олди кейин ноилож.
 Яра битиб кетди-ю, лекин
 Мана қишида қолди яланғоч.



Майли, бари ўтиб кетади,
Кишни энди кўрибми Қурбон.
Баҳорга ҳам бир кун етади,
Яйраб қолар ачишган товон.

Унутилди тезда бу ғамлар,
Энди тушлик соларди қайғу.
Юпатарди уни: “Одамлар
Раҳмдиллир”, деган бир туйғу.

6

Қайтар экан Қодир тушликдан,
Одимларди шердек шиддаткор.
Лекин унинг бир нохушликдан
Қўнган эди кўнглига ғубор.

Тушда Иван уйига Қодир,
Борган эди пулчинни сўраб.
Уч-тўрт йигит мазахлаб,
Хир-хир
Кулишарди Қурбонни ўраб.

Пинак бузмай улар сарқитин
Лўмиллатиб уради Қурбон.
Қодир илкис чуқур олиб тин,
Чирт бурилиб кетди шу замон.

Юраги ғаш: ишига қайтар,
Аlam билан кафтин ишқалаб.
Хаёлан у муштин дўлайтар,
Мозорига борар ғишт қалаб.

Ғазабини ичига ютиб,
Ке, кўй, дейди ўзига-ўзи.
Хаёлидан ҳар хил ўй ўтиб,
Чақмоқтошдай чақнарди қўзи.

Борар экан Қодир шу асно,
 Түсиб қўйди хаёллар кўзин.
 Атрофига боқмасди асло,
 Чимчиларди изғирин юзин.

Етиб бориб икки қизга у,
 Кетай деди бехос туртилиб.
 Кўтарилигач майнин бир кулгу,
 Боқди Қодир кескин бурилиб.

“Босганмиди кўзингни шира,
 Кўчада юрарми шундай,
 Э-э, салом. Узр, Таскира.
 Салом, Надя. Ишларинг қалай?

Тўғри, қизлар, хаёлга толиб,
 Кўзни туман босибди қиттак”.
 Надя уни қўлтиқлаб олиб:
 “Коля”, – деди, – “Таклиф бор битта”.

Қизларга хос жозиба билан
 Тикилди сўнг кўзлари қулиб.
 “Қани, айт-чи, жоним, не экан?” –
 Деди Қодир унга эгилиб.

“Коля, юзинг мунча ҳам иссиқ?”
 “Иситмам бор”, – деди шўх қараб.
 “Йўқ, негадир кўринасан зик,
 Хат ёзмаган балки Мұхтарам”.

“Йўқ, ундан-ку, кўнглим тўқ бутун,
 Бошқа гап бор...”
 “Хо-о, ростми?”
 “Рост”.
 “Яхши кино келибди бугун,
 Кўрамизми?”
 “Майли, жуда соз”.

“Келажакка ташлаш-чун қадам,
Йўлга чиқар эртанни кўриб.
Қурбон каби бекорга одам,
Нима керак дунёда юриб”.

“Коля, сен ҳам кейинги пайтда
Кетаяпсан файласуф бўлиб”.
“Буни, Надя, Ботирга айт-да,
Олдим ундан кўп нарса билиб”.

Хўш, Таскира, нега сен жимсан,
Шўхликларинг қаёқда қолди?
Қизғангандек боқиб у зимдан,
Жавоб бермай тўнтайиб олди.

Ундан сайин эркалаб Надя,
Қилар эди Қодирга ҳазил.
“Қилганман-ку қалбимни ҳадя,
Муҳтарамим ягона, асил”.

“Қизлар қизиқ”, – ўйларди Қодир,
“Дўстликда ҳам қилишади рашк.
Балки улар юраги софдир,
Бизда бордир хилма-хил қараш...”

“Ажрашамиз шекилли, қизлар”,
Қодир бошин кўтарди кескин.
Надя Қодир қўлини қисар:
“Кино эсдан чиқмасин лекин”.

“Хўп-хўп, хайр! Таскира, хайр!”
Бурилди у бульдозер томон.
Борарди у бамисли байир,
Хаёллари бўй бермас тарлон.

Бульдозерда ўлтириб Қодир,
Чекиб бир зум хаёлга толди.
Күз югуртди атрофга бир-бир,
Қайноқ меҳнат сеҳрлаб олди.

Кўзларида акс этди ёниб,
Юртга бўлган олов муҳаббат.
Хаёлан у жўшиб, қувониб
Замин ила айларди суҳбат:

“Она-ерим, бағринг узра бок,
Боқ, бу – минг-минг серқадоқ қўлга.
Улар бағринг айлашиб гулбоғ,
Ҳаёт олиб келмоқда чўлга.

Чўл ўрнида яшнагай бўстон,
Қад кўтаргай қишлоғу шаҳар.
Қақроқ чўлдан қолмагай нишон,
Чиройингдан нур олгай саҳар.

Ахир бу кун ўн бир минг киши
“Жанг” бошлаган бутун чўл бўйлаб.
Яна қанча техника иши,
Ҳазил гапмас, қарасанг ўйлаб.

Ҳазил гапмас, ахир, она ер,
Ўрга қараб оқизмоқ дарё.
Уддасидан чикдик тўкиб тер,
Бу ишларни кўрганми дунё?!

Битай деди сўнгги арш-аъло –
Сув узатгич иншооти ҳам.
Шаҳарлар ҳам бўлмоқда барпо,
Таллимаржон қай шаҳардан кам.



Қани, айт-чи, шу тақир чўлинг
Бугунгидек бўлганми обод?
Баланд келиб сенинг ҳам қўлинг,
Боққанмисан оламга ҳеч шод?..”

Келмоқ учун саҳродан ғолиб,
У ўз жонин этарди фидо.
Қодир қалбин ларзага солиб,
Мозий аро келди бир нидо:

“Эҳ-ҳе, болам, тарихим узоқ,
Не қиласан дардимни қўзғаб.
Гоҳ бўлиб шер, гоҳ бўлиб бузоқ,
Аждодларинг қолдирган ғазаб.

Бўлди бу чўл неча бор обод,
Қад кўтарди неча бир шаҳар.
Ўтиб кетди неча бир авлод,
Гоҳ қувнадим, гоҳ ютдим заҳар.

Хону беклар ўтди бир замон,
Бир-бирининг ейишиб гўштин.
Босқинчилар айлашиб вайрон,
Кириб келди кўтариб муштин.

Ололмади эл ўзин қўлга,
Не-не шаҳар йўқолди беиз.
Обод манзил айланди чўлга,
Табиат ҳам бурди сўнгра юз.

Шу-шу қакроқ чўл бўлиб қолдим,
Томчи сувга зор ўтди йиллар.
Не савдолар ғавғолар солди,
Бор бисотим талади эллар.

Муштдан қондир бобонг бурни ҳам,
Сен ўзингни санама ғолиб.

Аввало сен айлай билгил жам,
Эл меҳнатин элакка солиб.

Ҳа, хайрият, бағримда яна,
Анқиб кетди одамлар изи.
У излардан келмоқда, мана,
Зилол сувнинг, гулларнинг иси.

Элнинг боши бирикса агар,
Доимо ҳам яшнагай ҳаёт.
Боболаринг чеккан ғам-кадар
Балки унут, балки сенга ёт.

Майли, болам, бағримни яшнат,
Ундан баҳра ололса халқинг.
Юртинг эрки мен каби ташна,
Эркни сен ҳам эта бил талқин.

“Ҳа! Ҳа!..” деди Қодир баралла,
Беихтиёр чиқариб овоз.
“Йўқ, йўқ!” деди Дўстмат шу палла
Кабинани шарт очиб бехос.

Кимга “ҳа-ҳа” деяпсан, нени,
Шоирмисан дейман-да, дўстим?
Қарамайсан, қўрмайсан мени,
Хаёлингни ўғирлаган ким?

“Э, қўрмабман, кел, дўстим Ботир,
Хаёл суриб қолибман бироз”.
“Тушунмайман сенга ҳеч Қодир.
Қилолмайман ҳеч кимга қиёс.

Гоҳо шўхсан, шердай шиддаткор,
Гоҳ кўнгилчан, хаёлпастсан.
Яна талай хислатларинг бор,
Гоҳ шоирдек ичмасдан мастсан”.



“Ҳар қайсиси тортар ҳар томон,
Барча ўзбек қони бор менда.
Лекин, дўстим, бўлмасин ёлғон,
Ўй суришим юққандир сендан”.

“Хаёл суриш яхши фазилат,
Эртамизни яратар хаёл.
Лекин ўйинг амалда кўрсат,
Ўйинг элга келтирсин иқбол.

Мана, бугун бўларкан мажлис,
Келишимнинг боиси ҳам шу.
Бурчни ҳамма қилмас бирдек ҳис,
Бирор ишлар, бирор ўта қув.

Хаёлингни айтиб бер кўпга,
Бир чеккада ўлтирумасдан жим.
Не мақсадда келганмиз чўлга,
Орзунгни тушунтир, дўстим.

Тортинчоқлик кишига ғаним,
Сен ҳам бир бор қилгин ҳафсала”.
“Майли, аммо нутқим йўқ маним,
Кўриларкан қандай масала?”

“Нутқ демай, айтганимни қил,
Берар эмиш етакчи ҳисоб.
Вилоятдан келганмиш вакил,
Зарбдорларга бормиш мукофот”.

“Ҳўп, ҳозирча”, – у ишига кетди,
“Ҳайр”, – ишга шўнғиди Қодир.
Унинг кўнглини чароғон этди
Юз йиллаб чўл туш кўрган тақдир.

Мажлис борар дала-клубда,
Қодир сўзлар минбарда туриб:
“Куён қочиб қутулмас кўпдан,
Битказамиз канални қуриб.

Айтиб ўтди ҳозир нотиқ ҳам,
Ёмон эмас ишнинг суръати.
Букун танир Ботирни олам,
Газетларда чиқди сурати.

Чунки унда ғуур бор, ғуур,
Унинг фахри кўпларга ётдир.
Ахир, биз ҳам ўйлайлик бир қур,
Нега ҳамма бўлолмас Ботир?!

Агар биз ҳам ўйласак андак,
Чўл чиройин инженеримиз.
Иссиқ чойда эриган қанддак
Эрир тердан она еrimiz.

Теримизда эриб она ер,
Улашгайдир тотин оламга.
Нега ҳамма тўкиб бирдек тер,
Танитмайди отин оламга.

Келажакда бу ердан, дўстлар,
Вагон-вагон бойлик ортилар.
У хирмонлар ойни ҳам тўсар,
Ҳатто Марсга босқон тортилар.

Нега бизлар кермайлик кўкрак,
Ғуур ошна бўлмасин ҳаргиз?!
Ахир илк бор қўл урган бўлсак,
Чўлга илк бор сув келтирсак биз?!



Кўплар буни ўйламас асти,
Сармаст юрар бойлик кайфидан.
Пулни тўплаб баъзилар, рости,
Юрадилар қочмоқ пайида...”

Олазарак бир қараб қўйиб,
Кафтига у йўталиб олди.
Юрганини кўнглига туйиб,
Кўп олдида ўртага солди.

“Чидаш бермай саратон-қишишга,
Қанча одам келиб-кетмади.
Ким келмоқда бу ерга ишга,
Раҳбарлар ҳам парво этмади.

Мана, Шуриқ, ҳаммага аён,
Юзимизни қизартиб кетди.
Қочоқлигин юриб ёнма-ён,
Ким ҳам ахир фаҳмига етди.

Суриштирмай таг-жойин бутун,
Қарши олдик бағримиз очиб.
Шу пайтгача билмадик нечун,
Келганини қамоқдан қочиб?

Аниқ исмин билмабмиз ҳатто,
Бу, биз учун эмасми уят?!
Йўл қўймайлик бу ҳолга асло,
Келганларда бўлсин пок ният!

Ёмон эмас иш суръати, рост,
Бой бермайлик ҳар бир фурсатни.
Бадал тўлаб турибмиз, холос,
Лек етакчи иш кўрсатди?

Юртда чўлдан қолмасин асар,
Ўйғотайлик дилларда ғурур!”

Қодир гапин айлаб мухтасар,
Тушиб кетди минбардан мағрур.

Негадир у терлабди бироз,
Қизарибди буғдойранг юзи.
Чапак гурлаб, янгради овоз:
– Ҳа!
– Она гап!
– Рост айтган сўзи!

Илдам бориб ўлтирди Қодир,
Қўли билан сочини тараб.
Ортда отин атади кимдир,
Кўз қисди у ўшанга қараб.

Жилмайди сўнг терини артиб,
Узилгандай гўё эски қарз.
Вакил туриб ўрнатди тартиб,
Ғала-ғовур босилди бир тарз.

Маъқуллади Қодирнинг гапин
Уч-тўрт йигит сўз олиб яна.
Ҳаммаси ҳам каналнинг нафин
Айтиб ўтди бирма-бир санаб.

Айтиб ўтди бариси бир-бир,
Етакчиликка Қодирнинг исмин.
Етакчи сайланди Қодир,
Сўнг у тағин сўзлади вазмин.

Фаол ёшлар мажлиси бугун,
Қизғин ўтди ҳар галгидан ҳам.
Чақнаб турди ҳарҳолда учқун,
Куруқ гаплар бўлди жуда кам.

Фаол ёшлар гўёки энди
Англагандек бўлдилар бурчин.



Мажлис энди тугаб ҳам эди,
Келиб қолди далага пулчин.

Олмоқ учун ишчилар маوش,
Дарҳол уни қўрғалаб олди.
Кам ишлаган қашиб қолди бош,
Меҳнат қилган дасталаб олди.

Баъзи бирлар хархаша этди,
Шуми дея бўлган-тургани.
Пулин олиб Ботир шод кетди,
Қодир қолди кино қўргани.

Қизлар билан ўлтирган Надя
Қодир томон келди тишлаб лаб,
“Мукофотинг муборак”, – дея,
Қодирни у олди қўлтиқлаб.

9

Йўл олганда вагонга Ботир,
Капалаклаб ёғар эди қор.
Гўё кўқдан завқ ёғаётир,
Кўринади олам беғубор.

Ботир қувнаб кафтини тутди,
Қор айланиб қўнди оҳиста.
Ботир ўзин тамом унутди,
Хаёллари кезар олисда.

Кўз ўнгида икки қария:
Оқ йўл тилаб қолган чол-кампир.
Кўз ўнгида гўзал Хайрия,
Гўзал боғлар, кўм-кўк дала, қир.

“Ҳа, оғайнини, қўл тираб белга,
Ҳайкал янглиғ қолибсан қотиб,

Кинога ҳам қолмабсан, нега?”
Бир елкадош ўтди гап қотиб.

Бошин ирғаб, сўз демай Ботир,
Вагон-уйга кетди қор кечиб.
Ҳеч нарсадан олмай хавотир,
Жойлашди у этигин ечиб.

Уйда бу пайт қурумсоқ Қурбон
Ўлтиради пальтосин ямаб.
Ботир ичга кирган маҳали,
Чўчиб тушди у лабин ялаб.

Ола-кула бўлиб қўзлари,
Қурбон қолди тўсат питирлаб.
Ўнгиб кетди ҳатто юзлари,
Туролмади тизи қалтираб.

Бергани йўқ Ботир эътибор,
Хаёлида ўзга бир олам.
Хайрияси қиласарди хумор,
Ота-она, ўғилчаси ҳам.

Унинг аста пицирлар лаби:
“Чўл эмас, бу – олтин тўла кон.
Ватан! Сенга олтин тож каби
Этажакмиз уни армуғон.

Мени кутгил, Хайриям, тезда,
Бўйин эгар бу асов сахро.
Сахрого сув чиққани кезда
Хирмонимиз ўпади само...”

Хаёл сурар Қурбон ҳам бу пайт,
Бошин чайқаб, ёниб аламда.
“Ботир қараб турса ҳам – лоқайд,
Билиб қолди сирим чамамда.



Бўлмасмиди бекитсам тунда,
Ялаган у илоннинг ёғин.
Энди қандай яшайман бунда,
Ҳеч вақосиз қолмайин тағин.

Атайлабдан келган у пойлаб,
Қолмас эди кинодан сира.
Йиққанларим, оҳ, йиллаб, ойлаб,
Шом тушибди... Ташқари хира..."

Иккаласи икки томонда
Ўзларича тузарди режа.
Иккаласи икки жаҳонда.
Атроф бўрон. Қоронғу кеча.

10

Ҳайратланди Қодир субҳидам,
Кирап экан юзини ювиб.
Қурбон уйда йўқ эди бу дам
Ётар эди ўрни уйилиб.

Босди уни хилма-хил гумон:
“Бир гап бор-ов бунинг тегида...”
Олазарак боқсанди ҳайрон,
Бир хат кўрди эшик зигида.

Қодир хатни олди-ю дарҳол,
Кўз югуртди бурга из ҳарфга:
“Қодир ука, келмасин малол,
Тушунасан ўзинг ҳар гапга.

Кетмоқдаман бош оққан томон,
Нишон олмай отилгандек ўқ.
Қайси томон боришим гумон,
Ростин айтсам бола-чақам йўқ.

Ойлик пулинг излама. Уни
Олиб кетдим. Ўйларсан нега?
Хаққим қолди олти иш куни,
Отпуска пул. Қолдирдим сенга...”

Пир-пир учеб Қодирнинг лаби,
Аlam билан депсинди туфлаб.
Гүёки у яшринган каби
Бориб кўрди тўшакни ушлаб.

Хаёлан у Қурбонни тутиб,
Ғижинарди: – Алаҳ, бевиждон.
Уйғотаркан Ботирни туртиб,
Деёлди у: – Қочибди Қурбон!

Сачраб турган Ботир ҳам илк бор
Тушунолмай боқди гарангсиб:
– Қайга борар эди у мурдор,
Шу атрофда юргандир гангиб.

Яқин қишлоқ икки кунлик йўл,
Тағин бўрон, бел баравар қор.
– Йўқ, йўқ, – деди Қодир сермаб қўл, –
У хумпарда қандайдир сир бор.

Пулим олиб, қолдирибди хат,
Йўқмиш ҳатто бола-чақаси.
Жосусми деб бўламан диққат,
Ўйноқларди қўзин соққаси.

– Кўй-е, – деди Ботир қулимсиб, –
Ўз-ўзига жосус у одам.
Қодир Қурбон изин иримсиб,
Кесиб деди: – Ўргатган отам.

Ёмон одам изини кессанг,
Кесилармиш унинг ҳам йўли.

– Иримсиз ҳам бу пайтда кезсанг,
Тек қўймайди Қаршининг чўли.

– Берган бўлсанг агар эътибор,
Қаттиқ эди жони тошдан ҳам.
Бу бўронлар қилмас унга кор,
Пулни кўрса кечар бошдан ҳам.

Ёмон умри бўлади узоқ,
Билмабмиз-да қочганин, афсус.
Нега қочди, ҳайронман бироқ?
Бўлмасин-да ишқилиб жосус.

– Жосусмасу, нега қочгани,
Ўйлантириб қўйди мени ҳам.
Чамадоним қўрайлик қани,
Ўмармасин пулим муттаҳам.

Чамадонга урилмаган қўл,
Ҳамма нарса жойида эди.
Қодир: – Ботир, қани тезроқ бўл,
Атрофни бир излайлик, – деди.

Излаб келди бўлишиб ҳалак,
Кўчма қишлоқ атрофин икков.
Ҳеч бир издан йўқ эди дарак,
Қийин эди юрмоқлик яёв.

Ҳаммаёқ қор. Йироқ-йироқда
Мудрар саҳро ёзганча қанот.
Фақатгина кўчма қишлоқда
Уйғонганди тонг билан ҳаёт.



Чүлда бўрон қишига ҳукмдор,
Аёз унга тобе бир сарбоз.

Кезар икков муз отин миниб,
Ҳеч жонзот йўқ. Фақат қор кўчи.
Онда-сонда қолар кўриниб,
Чўкиртакдек жинғиллар учи.

Кўзни олар совуқ ярқираб,
Қорга қўнган нурлар арвоҳи.
Илдизлари симдай сирқираб,
Чатнаб кетар саксовул шохи.

Оқ отининг оқ ёлин тараб,
Бўрон чўлда кезиб юрар шод.
Ўз мулкин у чиқаркан қараб,
Кўринмади бирон бир жонзот.

Гимиirlади бирдан қор кўчи,
Қиров пуркаб чақчайди аёз.
Бўрон оти тушди бир чўчиб,
Сўнг ёпирилди увлаган овоз.

Қор тагидан кўкариб юзи,
Чиқиб келди дилдираб Қурбон.
Жавдиарди жонсарак кўзи,
Юришини билмас қай томон.

Яrim тунда қандай қочгани,
Бир-бир унинг ёдига тушди.
Қор ўмровлаб олға босганин,
Эслаб унинг эти увишди.

Хўп таъзирин берди бўрон ҳам,
Йўлин тўсди қорнинг кўчкини.
Ҳолдан тойиб йиқилгани дам
Куртинг босиб қолганди уни.



Тураг мана кемириб армон,
Оёқлари зирқирап ачиб.
Қолмаганди юришга дармон,
Чинқирмоқда қорни ҳам очиб.

Бир илинжда, бир илинжда у,
Қадам босар зўрға судралиб.
Кўзи тинар. Кўз тўла қайғу,
Оёқлари кетар буралиб.

“Бир исинсам киармиди жон,
Майли, ўн сўм пул ҳам тўлардим.
Йўқ-йўқ, жинни бўлибсан Қурбон,
Бир сўм дегин. Пулни айтма. Жим.

Нарса борми пулдан ҳам ширин,
Пул – ҳаёт-ку... Одамлар қизик.
Билмаганда, эҳ, Ботир сирим,
Текин нон еб, ётардим иссиқ.

Билмагандир. Ўзим ҳовлиқдим,
Олов. Совуқ. Пул. Уҳ, оёғим.
Қорда юриш. Жуда толиқдим.
Қолмаганми дейман-да, ёғим.

Аёз мунча захрини сочди.
Совуқ. Олов. Пул – юрак қўри...”
Қурбон бирдан қўзини очди,
Қархисида турагарди бўри.

Кўрмаганди яқин-ювуқдан,
Мана қўрди: ўмровлаб қорни,
Тураг бўри очлик-совуқдан
Ич-ичига қапишиб қорни.

Бўрида ҳам йўқ эди дармон,
Олай деса овин мўлжалга.

Қурбон қўрқди. Сўнг югурди қон.
Дуч келдим деб текин ўлжага.

“Жуни иссиқ. Шириндир гўшти...” –
Ўйлар эди ўзича Қурбон.
Бўрининг ҳам тиши қичиши,
Топилгандай яшашга имкон.

Иккисин ҳам қўзи олайиб,
Бир-бирига тикилди бир зум.
Иккиси ҳам ҳолсиз, сулайиб,
Куч изларди бошлашга ҳужум.

Аста-аста судралиб кейин,
Бир-бирига келишди яқин.
Қурбон яқин боргани сайин,
Чақнар эди кўзида чақин.

Салгина у энгашиб олган,
Ҳозирланган бўғишга қўли.
Вужудидан қўрқинч йўқолган,
Келмас эди ўйига ўлим.

Келди улар. Келди судралиб,
Бир-бирига бўлдилар тўғри.
Ортига бир тисланиб олиб,
Қурбон томон сапчиди бўри.

Томоғидан бўрининг дарҳол,
Бўғиб олди Қурбон ҳам аммо.
Чанг соларди бўри bemажол,
Йиртиларди тариллаб пальто.

Пальтосининг йиртиқларидан
Сочиларди даста-даста пул.
Шамол унинг қўлтиқларидан
Пулни юлқиб ўйнарди нукул.



Бўри билан бўлиб овора,
Курбон бундан эди бехабар.
Холсизланар бўри тобора,
Курбоннинг ҳам тизи қалтирас.

Жонҳолатда, жонҳолатда, ҳа,
Сўнгги бора бўри чанг солди.
Ҳайкал янглиғ сўнгра бир лаҳза,
Иккиси ҳам тик қотиб қолди.

Кўзларига Курбоннинг бехос
Кўриндию даҳшатли ўлим.
Чақнаб кетди ҳаётга ихлос,
Жон борича қисди у қўлин.

Юлиб олди бўғзини Курбон,
Бўри қорга шилқ этиб тушди.
“Ох, нақадар қудратли инсон...”
Деган хаёл чақмоқдек учди.

Шу чақмоқдек юзи ёришиб,
Боқди Курбон мағрур тутиб бош.
Порлаб кетди қалбидан тошиб,
Кўзларида севинч тўла ёш.

Лекин бирдан, бирдан бўшашиб,
Холсизланди йўқотиб ўзин.
Хонасидан чиққудек тошиб,
Алангларди атрофга кўзи.

Дилга кўчиб қоронғу дунё,
Пайпасларди пальтосин нуқул.
Осмондан пул ёққандек гўё,
Ҳаммаёқда учиб юрар пул.

Пальтосидан йўқ эди яров,
Кетган эди тамом титилиб.



Йиғлагудек ўқчиidi бирров –
Томоғига сұлак тиқилиб.

Сүнг югурди... Югурди Қурбон,
Түзиб учган пуллар ортидан.
Эндигина тутай деган он,
Учарди пул бўрон отида.

Беданани тутмоқчиидек у
Чопар пусиб, қўлида телпак.
Чўлни тутди беўхшов кулгу,
Фақат шундай кулади телба.

12

Боғда гулу, дилларда туйғу
Үйғотгувчи баҳор кезмоқда.
Сойлар тўлиб, куйлаб беуйқу,
Тоғдан даштга аста сизмоқда.

Саҳрода ҳам баҳор нафаси,
Майсаларни уйғотар силаб.
Кезар бунда яшариш саси,
Таллимаржон яшнар қад тиклаб.

Канал битди: янграб қўшиқ-куй,
Тўй бошланди – баҳт келди чўлга.
Ажратишди Қодирга бир уй,
Беришдилар Ботирга “Волга”.

Канал энди сувга лиммо-лим,
Бахш этмоқда заминга чирой.
Ҳавас қилмас бу жойларга ким,
Замин ости газ-бойликка бой.



Қодир туриб буқун тонг саҳар
Кезиб чиқди Таллимаржонни.
Мафтун этиб бу тўнғич шаҳар,
Юзга кўчди ҳис-ҳаяжони.

Айланаркан завқланиб беҳад,
Муюлишда тик қотди бир дам.
Тортган эди нигоҳин тўсат,
Жулдур кийим кийинган одам.

У ненидир излар пайпаслаб,
Елда учган хасларни қувлар.
Сўнг елкасин бир ён паст ташлаб,
Бир нуқтага тикилиб кулар.

Қўлларини чўзар оҳиста,
Ҳадиксираб тортади дарров.
Қараб қўяр атрофга аста,
Деган янглиғ қўрмасин бирор.

Қўлин чўзиб югурап тағин,
Тўхтаб қолар ненидир кутиб.
– Ҳи... ҳи... – кулар депсиб оёғин,
Ел учирган хашакни тутиб.

Кунга тутиб хашакни шу он,
Санар: – Юз сўм... ҳи-ҳи... Ўн. Беш. Бир...
– Курбонми бу? Наҳотки, Курбон?! –
Ҳайратланиб пицирлар Қодир.

Ҳа, Курбон. Йўқ, бу – тирик арвоҳ...
Молуҳулё арвоҳидир бу!
Арвоҳ бўлиб қолди у, эвоҳ,
Яшар энди шу кўйи мангу!..

ОЙМОМИҚ ВА ҚАЛҚОНҚҮЛ ЭРТАК-ДОСТОН

ДЕБОЧА

Эртакларнинг замони ўтди,
Деганларга қаршиман, рости.
Равшан руҳи қўлимдан тутди,
Етаклади Гўрӯғли дасти.
“Алпомиш”ни қўлдан қўймадим,
Эртак бўлди умрим чиройи.
Андерсенни ўқиб тўймадим,
“Минг бир кеча” – минг туним оий.
Зеро, битмас халқа минг-минглаб
Айтган билан ташаккуримни:
Халқ даҳоси – эртаклар тинглаб
Пешлаганман тафаккуримни.
Халқ даҳоси эшдир сўзимга,
Сўйлаб берай ажиб бир эртак.
Эртак десам, менинг кўзимга
Чамбил юрти кўринар бешак.

ИБТИДО

Чамбидадир адолат туғи,
Бу гўзал юрт тилларда достон.
Тўқсон икки ўзбек уруғи
Орзуидан яралган бўстон.
Бағри унинг чаманларга бой,
Чамбил чиндан орзулар юрти.
Барчинойи бахш этар чирой,
Тупроғини кўзига суртиб.
Тун доримас, офтоб унга хол,
Баҳор уни йил бўйи безар.
Кўқдан тушган юлдузлар мисол,
Чаман аро парилар кезар.
Осмонида учар гиламлар,



Ерда отлар боғлайди қанот.
Унда яшар ўлмас одамлар,
Қаён боқсанг гуркирар ҳаёт.
Ийиб ётар оқ сийна тоғи:
Сутга тўлиб оқади сойлар.
Хор қилдирмас ёвга тупроғин,
Алпомиши тутган ўқ-ёйлар.
Солиб унда девларга титроқ
Гўрўғлининг Ғиркўки кишнар.
Авазлари қаҳрин сочган чоғ
Тўлқинланиб денгизлар пишнар.
Лекин унинг қудуғи ҳам бор
Холи жойда, кўздан яширин.
Этолмаса дардин ким ошкор
Унга бориб айтар ўз сирин.
Кудуқ ичра сирлар бир замон
Қамиш бўлиб кўтаради бош,
Сўнг қамишдан най ясаб чўпон,
Сирни доим этиб қўяр фош.
Шундай гўзал Чамбилни лекин
Ёв босибди замонлар ўтиб.
Ман этилиб барча тур экин,
Қамишлар ҳам кетибди йитиб...
Йиллар ўтиб, қудуқдан ногоҳ,
Қамиш эмас, унибди ғўза.
Бир тонг айлаб кечмишдан огоҳ
Чаноғида янграбди ғазал.
Тинглай туриб куйларин мен ҳам,
Воқиф бўлдим у айтган сирдан.
Куи берди дардимга малҳам,
Аммо бу ҳол кетмас хотирдан:
Чидолмасдан сизга ҳам букун
Ўтмиш сирин этгайман ошкор.
Бу воқеа ўтсам ҳам бурун,
Замонимга урган нуқси бор.

БИРИНЧИ ҚҰШИҚ

1

Қиздай яшнаб тоғдан гулбаҳор,
Аста энди яйловга томон.
Ишқ селидан энтіккан анҳор,
Гулбаҳорға бўлди таржимон.
Анҳорларда тўлғониб кўклам,
Ялпизларда анқиб ётди сўнг.
Боғлар аро кезиб субҳидам,
Бодомларда хандон отди сўнг.
Гўдак янглиғ жилмайиб кейин,
Ғунчалардан пиндиқ отди у.
Баҳор юртни кезгани сайин,
Табиатга ёйилди кулгу.
Чаманларга чулғаниб Чамбил,
Тонгда гуллар атрини сочди.
Ёр дардида ўтдек ёниб дил,
Оймомиқнинг уйқуси қочди.
Гўзал эди тонгдан ҳам у қиз,
Ғунча янглиғ нозланиб турди.
Керишаркан чўкканича тиз,
Тушин эслаб ўйи чарх урди:
Булат узра турганмиш шодон...
Қўл узатиб суқсурдай йигит
Интилармиш Оймомиқ томон,
Етолмасдан бўлар эмиш хит.
Тиззагача булатга ботиб,
Келган чоғи қизнинг олдига –
Ногаҳонда гулдурак отиб,
Бўлинганмиш булат олтига...
Бирида шоҳ бўлибди пайдо,
Биттасида бир тўда капитар,
Биттасида она солмиш дод,
Биттасида ота санар зар...
Биттасида қолибди ўзи,
Биттасида турганмиш йигит.

Терга ботиб йигитнинг юзи –
Сочилармиш ҳар ён марварид.
Йигит қизга порлаган юлдуз,
Узатармуш айлаб табассум.
Юрак ютиб узалган чоғ қиз,
Кимдир олиб кўярмиш шу зум.
Қиз қараса, юлдуз-жавоҳир,
Ётган эмиш шоҳнинг ёнида.
Йигит билмас, бу қандай соҳир,
Ўртанармуш ишқ туғёнида.
Ғазаб билан ташланиб йигит,
Чанглабди шоҳнинг жонини:
Шоҳ қусармиш нуқул марварид –
Қайт қиласмиш халқнинг қонини.
Йигит томон интилган пайти
Қиз булатдан кетибди тушиб.
Чиқолмасмиш ортига қайтиб,
Шўнғир эмиш қалби увишиб.
Қиз йифолмай ҳамон ҳушини
Тўшак узра ўйи чарх урди:
Яхшиликка йўйиб тушини,
Пардек енгил ўрнидан турди.
Қишлоғида ботир йигит йўқ,
Йўқотганди бари ҳам бурдин.
Баҳт дер эди бўлса қорни тўқ,
Душман сўраб ётарди юртин.
Юрт эркига тушидан бўйлаб,
Оловланиб ёнди бир ҳисда.
Шоҳни енгган йигитни ўйлаб,
Ташқарига чиқди оҳиста.
Кунлар ўтди, ойлар ҳам ўтди,
Тушда кўрган йигит дилида.
У йигитни ўнгида кутди,
Балки юрар у ҳам элида?

Сувдай юриб қиз чиқди боқقا,
 Пойин ўпди гуллару гиёх.
 Ким сукланмас бундай оёқقا?!
 Сузиб борар ҳавода гүё.
 Қиз одимлар, унга ҳамоҳанг
 Нафис титрар дуркун сийнаси.
 Қиз чўкаркан анҳор бўйига,
 Тушин айтиб мавжларга боқди.
 Ҳамдард бўлиб қизнинг ўйига,
 Сойда сув ҳам тўлғониб оқди.
 Сувда кўриб қиз аксин қуёш
 У ҳам ўзин анҳорга отди.
 Мавжлар нурин айлади талош,
 Қуёш порлаб мавжларга ботди.
 Пайдо бўлди сувда чараклаб,
 Тушда кўрган йигитнинг акси.
 Қизнинг кўзи кетди ярақлаб,
 Дилга кўчди муҳаббат баҳси.
 У хаёлан йигитни чорлаб,
 Этмоқ истар ўзини фидо.
 Қиз кўйганди сой сувига лаб,
 Дилин ўртаб келди бир садо:
 – Кимлигингдан айлагил хабар,
 Мен – Қалқонқўл, бўлай қалқонинг.
 Сени излаб чекдим кўп кадар,
 Гулим, қайда ўсган бўстонинг?
 Шу зум булат қуёшни тўсиб,
 Йигит акси кўздан йўқолди.
 Оймомиқни оғир ўй босиб,
 Рўмолчасин ёнидан олди.
 Пичирлади ўзича малак:
 “Ошиғингман тушимда кўриб,
 Дийдорингга жонгинам ҳалак.
 Боқсан дейман ҳушимда кўриб.



Қиз йигитнинг бўлиб мафтуни
Рўмолчасин анҳорга отди.
Аммо сувга туширмай уни
Олиб учди елнинг қаноти.
Рўмолчасин олиб қочган ел –
Йигит ёниб урган оҳ эди.
Йигит оҳи кезиб элма-эл,
Ёрдан хабар топганди энди.
Атрофига атирлар тараб,
Учар эди Қалқонқўл оҳи.
Рўмолchasin ортидан қараб,
Қолди қизнинг ўтли нигоҳи.

2

Асқар тоғда ётиб Қалқонқўл
Ёр сийратин кўрди у ҳам туш.
Ёр ёнига топмоқ бўлиб йўл,
Боқди туриб атрофга хомуш.
Унинг мушти шундай зўр эрди,
Бир урса тоғ бўларди талқон.
Шу боис эл қалқоним дерди,
Чиндан юртга у эди қалқон.
Чамбилни ёв олганда босиб,
Онасининг бўйидайди у.
Отасин ёв ўлдирди осиб,
Эл бошига тушди кўп қайғу.
Ҳомиладор онасин кўриб,
Шоҳга дебди вазиru аъзам:
– Бўйидаги давлатнинг шўри,
Ўлдирингиз ҳомиласин ҳам.
Буюрибди шоҳ бошин қашлаб:
– Доя бўлсин тоғларнинг тоши,
Асқар тоқقا келингиз ташлаб,
Қузғунларга ем бўлсин лоши.
Уч-тўрт навкар ташлабди элтиб,

Она унда очдан қорибди.
 Тошлар аро ой-куни етиб,
 Қутлуғ бир тонг күзи ёрибди.
 Аммо она мангу құз юмиб,
 Гүдак унда қолибди ёлғиз.
 У бир она кийикни эмиб
 Улғайганди онасиз-несиз.
 Асқар тоғин кезиб куну тун,
 Кун кечирди тоғу тош аро.
 Оймомиқни туш күриб буқун,
 Ишқұйтида бўлди у адо.
 Нафасининг ёлқини теккан
 Тоғлар тоши қорайиб кетди.
 Ичи куйиб йўл босар экан,
 Сув излаб бир чашмага етди.
 Қалқонқўлнинг мадори кетиб,
 Ойнабулоқ бўйига чўқди.
 Тангрига у илтижо этиб,
 Булоққа дил дардини тўқди:
 – Ойнабулоқ, ҳаётбахш булоқ,
 Кун сулувми ё сендаги сув?
 – Кун ҳам сулув, сувим ҳам, бироқ
 Ҳаммасидан Оймомиқ сулув.
 – Оймомиқ ким? Қайда у малак?
 Балки удир мен туш кўрган қиз?
 – Уни деб сен бўлмагил ҳалак,
 Оймомиқдан очмагил оғиз.
 Аҳд қиласа ким, охири бир кун
 Қуёшни ҳам киритар қўлга.
 Ҳар бир қадам азобдир бутун,
 Оймомиқ деб ким чиқса йўлга.
 Унга элтар йўллар бешафқат,
 Йўловчисин кўмар минг қабр.
 Етса-етар Қалқонқўл фақат,
 Аммо у ҳам чекар кўп жабр.
 – Сен экансан дардимга малҳам,
 Ойнабулоқ, кўрсат менга йўл.

Чекинмасман ўлиб кетсам ҳам,
 Мен бўламан ўша Қалқонқўл.
 – Қайнар эдим келишинг кутиб,
 Танитмабсан сен менга ўзинг.
 Майли, қўяй қизни кўрсатиб,
 Узмай тургил юзимдан кўзинг.
 Қалқонқўлни босиб ҳаяжон,
 Кўзин узмай тикилиб турди.
 Булоқда у бепоён осмон,
 Заркокилли офтобни кўрди.
 Кўтарилиб қуёш кокили
 Порлаб кетди Оймомиқ акси.
 Завқقا тўлиб Қалқонқўл дили,
 Осмон қадар кенгайди кўкси.
 Туарар мана булоқдан боқиб
 У тушида кўрган ойжамол.
 Қалқонқўлнинг юрагин ёқиб
 Қиз аксини чирпирди шамол.
 Қалқонқўлнинг ўтли нафаси,
 Елпинарди ялпизлар аро.
 Чиқмас эди Оймомиқ саси,
 Рўмолчасин ирғитди аммо.
 Йигит оҳи ел бўлиб эсиб,
 Рўмолчани кўтариб учди.
 У рўмолча уч ой йўл босиб,
 Энди йигит олдига тушди.
 Барча дарди бўлгандек ғойиб,
 Яшнаб кетди қалбида орзу.
 Рўмолчани кўрди у ёйиб,
 Бир бурчида кўринди ёзув:
 “Билки, ёrim, рўмолчам топсанг,
 Чамбил қизи сенга армуғон.
 Агар уни юзимга ёпсанг,
 Ўлган эрсам қайта инар жон.
 Унга қалбим толасин қўшиб
 Тўқиганман тунлар беуйку.
 Ёв макрига юрма чув тушиб,

Асрай олгин сен уни мангу".
 Рўмолнчани Қалқонқўл ислаб,
 Оймомиқнинг ҳидига тўйди.
 Сўнгра уни авайлаб буклаб,
 Юрагининг устига қўйди.
 Топар энди у ёрин излаб,
 Ғойибона васлига етди.
 "Ҳайт!" деди ю севгисин кўзлаб,
 Чамбил юртин сўроқлаб кетди.

3

Кундуз қуёш,
 Тунда ой гўё,
 Тенгсиз эди Оймомиқ ҳусни.
 Дунё бўлиб бу кўхна дунё,
 Кўрмаганди бундай тўкисни.
 Ёнарди қиз кўргандан буён,
 Қалқонқўлнинг аксин анҳорда.
 Анҳорга у,
 Дилида туғён,
 Борар эди ҳар кун наҳорда.
 Рўмолчасин олиб учган ел,
 Келтирмасди ёрдан ҳеч дарак.
 Унинг ҳуснин мақтар эди эл,
 Безовтайди мақтовдан юрак.
 Қиз таърифи Осмон шоҳга ҳам,
 Етиб борди оғизма-оғиз.
 Осмон ости унгайди қарам,
 Хизматдайди деву ёлмоғиз.
 Гар йўталса, не пари-малак
 Хузурида турад эди шай.
 Имо қилса, юзлаб канизак
 Келтирарди турли таом, май.
 Аммо унда йўқ эди фарзанд,
 Бу дард қалбин кетарди ситиб.
 Бўлди ўғил кўргандек хурсанд,

Оймомиқнинг номин эшитиб.
 Топинг, дея, шоҳ чекиб кадар,
 Париларга айлади зуғум.
 Бир юмалаб, бўлишиб каптар,
 Учиди кетди уч пари шу зум.
 Уча-уча, Чамбил юртга ҳам,
 Зўрға етиб олишди бари.
 Боқقا қўниб бир юмалаган дам,
 Кампир бўлиб қолишиди бари.
 Боғбон чолга зарлар тутқазиб,
 Дейишди: “Шоҳ отам дер сизни...”
 Учар гилам узра ўтқазиб,
 Олиб учди парилар қизни.
 Бўзлаб қолди муштипар она,
 Ким ҳам тинглар шўрликнинг додин.
 Нурафшон уй бўлиб ғамхона,
 Ичга ютар она фарёдин.
 Кўрарми-йўқ, қизини қайтиб,
 Она боқар йўлига нолон.
 Кетмадилар манзилин айтиб,
 Қолдирдилар зар тўла армон.
 Кўклам чиқиб Чамбил боғидан,
 Учди улар ёз бўйи ҳориб.
 Куз зулмати чўккан чоғида
 Аждар тоққа қўнишиди бориб.
 Бериб тоққа Оймомиқ чирой,
 Девларни ҳам ҳангуманг этди.
 Чиқсан каби ўн тўрт кунлик ой,
 Бутун олам ёришиб кетди.
 Бу жойларни кўрмаган ҳеч ким,
 Шоҳнинг қасри чўққи учиди.
 Хабар топгач, шоҳ ҳам ими-жим,
 Ташга чиқди қасри ичидан.
 Юлдузлардан тўшалди гилам,
 Айлашдилар ойни шамчироқ.
 Оймомиқни тантана билан,
 Қаср томон элтишди шу чоғ.



Бироқ қалбин кемириб кадар
 Ѕтиб қолди Оймомиқ – касал.
 Қизни күриб парию пайкар.
 Йўл чарчоғи, дейишди аввал.
 Шоҳ дер: “Бўлинг, қиз ётар беҳол,
 Одам дардин билади одам.
 Табибларни сўратинг дарҳол,
 Қиз дардига қўйишин малҳам”.
 Келиб-кетди жуда қўп табиб,
 Тополмади ҳеч бири даво.
 Фақат бир чол қиз дардин топиб,
 Деди: “Ишқقا бўлган мубтало...”
 Рашқ ўтида тутаб Осмон шоҳ,
 Ғазаб билан белбоғин сирди.
 Базмдан сўнг этмайн огоҳ,
 Оймомиқнинг олдига кирди.
 Қиз йиғлади – кириши билан,
 Шоҳ боқмади қиз тўккан ёшга.
 Шоҳнинг қўли тегиши билан
 Қиз вужуди айланди тошга.
 Оқ мармардай қотган танидан
 Тараларди сутдай оппоқ нур.
 Кетолмасди шоҳ қиз ёнидан,
 Қилолмасди тошни тасаввур.
 Кўзларига ишонмасдан шоҳ,
 Ушлаб кўрди юзин ўксиниб.
 Қўлларига ишонмасдан шоҳ,
 Тишлаб кўрди қизнинг кўксини.
 Тишларига ишонмасдан шоҳ,
 Париларни бошлаб келди сўнг.
 Ҳайрат билан ташлашди нигоҳ,
 Билишмасди тушми ёки ўнг.
 Ётар эди жонсиз тош жасад,
 Хона ичра тараб оппоқ нур.
 Тирик қизлар қиласарди ҳасад,
 Шоҳга берар мурда ҳам хузур.



Чаманларга чулғанган Чамбил,
Кўзни олар боғлар кўпириб.
Тош кўчгандек гўё зил-замбил,
Учқур отнинг келди дупури.
Чамбил уфқи бир майдон тўзиб,
Йўл буралар оқ тутун мисол.
Бир от елар еллардан ўзиб,
Отда келар Қалқонқўл хушҳол.
У от номин дер эди Ёлдор,
Кези келса чиқарап қанот.
Асли зоти унинг Бойчибор,
Қувлашганда енгилишлик ёт.
Келар экан Қалқонқўл елиб,
Чамбилга йўл келиб қовушди.
Гул кўпирган бир боқقا келиб,
Тулпоридан Қалқонқўл тушди.
Билмай қайга борарин бирдам,
У атрофга ташлади назар.
Гуллар хомуш, ел тўқар шабнам,
Гўё юртни бир қайғу эзар.
Қуюн бўлиб ўзи чеккан оҳ,
Анҳор томон бошлаб кетди йўл.
Узмай оҳи – қуюндан нигоҳ,
Орқасидан чопди Қалқонқўл.
Гуллар сўлғин бир гўзал боқقا
Кириб қолди йигит югуриб.
Боғда кампир боқмай ҳеч ёққа,
Үлтиради урчуқ йигириб.
Йигит бериб кампирга салом,
Таъзим қилиб ҳол-аҳвол сўрди.
Келдими деб ғойибдан калом,
Кампир боқиб йигитни кўрди:
– Қайси шамол учирди, болам,
Қолдингми ё йўлдан адашиб?
– Ишқ савдосин солди бу олам,
Келдим тоғу чўллардан ошиб.

Ёниб қалбим вужудга қадар
 Оймомиқни излаб юрибман.
 Она, айтинг, билсангиз хабар,
 Севган ёрим йўқлаб турибман.
 – Куйган дилим куйдириб, яна
 Нечун менга толмовсирайсан.
 Кул бўлганим қилиб сен таъна,
 Ўчган ўтдан олов сўрайсан.
 Кўзёшимга қарамай, ахир,
 Париларинг кетди-ку олиб.
 Юрак-бағрим туну кун оғрир,
 Қон қақшадим мен бунда қолиб.
 Қандай чидай, кун деса – кундай,
 Қиз ўстириб кўрмасам тўйин.
 Соғинчидаги эландим ундан,
 Бир бор кўрсам майлийди бўйин.
 Олиб кетгин сандигинг, ана,
 Керак эмас зарларинг сенинг!
 Куйган дилим куйдирмай яна,
 Оймомиғим топиб бер менинг!
 – Оймомиқса бўлсангиз она,
 Умрим бўйи қуллик қилгайман,
 Нечун сизга қилайин таъна,
 Сизни, она, она билгайман.
 Оймомиқни кўриб тушимда,
 Унга ошиқ бўлганлигим рост.
 Кеча-кундуз кетиб ҳушимдан,
 Фам-фуссага тўлганлигим рост.
 Не умидда келгандим, она,
 Наҳот, тағин ўртада ҳижрон.
 Демак, мени йўл кутар яна,
 Йўл кўрсатинг менга, онажон!
 Йигит белбоғ қатидан олиб,
 Рўмолчасин қўрсатди сўнгра.
 Уни таниб, боқди танг қолиб,
 Кейин бирдан юборди ҳўнграб.
 Кампир ўксисиб, кўзёшин артиб,



Үпди йигит пешонасидан.
Йигит кўзин узмасди дарди –
Муҳаббати нишонасидан.
Бироз сўниб йигит шукуҳи,
Не қиларин билмай турарди.
Енгил тортиб кампирнинг руҳи,
Қалқонқўлдан мадад сўрарди:
– Тошдан бўлсин бошгинанг, болам,
Севар бўлсанг, тезроқ йўлга туш.
– Ойномиқсиз дилимда нолам,
Кўрмагунча йўқдир менда хуш.
– Омад доим бўлсин сенга ёр,
Йўлларингга кўзим тўрт кунда.
Асқар тоғда Дарё қасри бор,
Хаёт бобо яшайди унда.
Маслаҳат ол Хаёт бободан,
Мангу мадад унинг сабоги.
Унинг билан бу юрт ободон,
Чаманзордир Чамбил тупроғи.
Кампир қолди тўкиб дил зорин,
Хайрлашиб кетди Қалқонқўл.
Қистаб-ниқтаб Ёлдор тулпорин,
Дарё қасрин кўзлаб олди йўл.

5

Ёлдорининг сағриси ўйнаб,
Елар йигит манзилга томон.
Ёвдан унинг ғазаби қайнаб,
Ув тортарди, қалбида фифон.
Учратсайди агар ёв зотин,
Битта қўймай ташларди қириб.
У ўтзорда қолдириб отин,
Борди Дарё қасрига қириб.
Ял-ял ёнар турфа хил гуллар,
Гуллар аро товус қилар ноз.
Қаср ичра товланиб дурлар,
Тонг қушлари айларди парвоз.

Ҳаёт бобо берди күриниш,
 Күзларида порларди ёлқин.
 Гавҳар мисол ярақларди тиш,
 Соқоллари отарди түлқин.
 Дунё билан бўлса ҳам тенгдош,
 Аммо ўзи эмасди қари.
 Чап ёнида бамисли қуёш
 Таъзим айлаб турар Сувпари.
 Дурлар сочиб сўз бошлади у,
 Кўрсатди у ёр васлига йўл.
 Тинглар экан кўз ёшлади-ку,
 Ҳаёт бобо сўзин Қалқонқўл.
 – Қалқонқўлсан, биламан, болам,
 Қўлларингга ишониб яша.
 Қўлларингга мустар бу олам,
 Қўлинг сени қўллар ҳамиша.
 Йиқилганни Худо ҳам урап –
 Шу сўзимни унутма абад:
 Эътиқодлар ўзгариб турар,
 Абадийдир фақат муҳаббат!
 Девлар юртин кўзлаб уч ҳозир,
 Жодугардан бўлгил эҳтиёт.
 Аждар тоғда ёринг мунтазир,
 Кутиб ётар сендан у нажот.
 Ҳаёт бобо тугатиб сўзин,
 Гойиб бўлди Сувпари билан.
 Тетик сезди Қалқонқўл ўзин,
 Пойин ўпид барқ урди чаман.
 Юлдузларни кўзлаб учгали
 Шу дам тоғда кишинади Ёлдор.
 Олисдадир Аждар тоғ ҳали,
 Унга қадар қанча ғовлар бор.



ИККИНЧИ ҚҰШИҚ

1

Шоҳ қасрида ётар Оймомиқ,
Хос хонага сутдек тараб нур.
Тош қотса ҳам чехраси ёниқ,
Киприк аро күзёши муздур.
Оймомиқнинг оқ мармар танин,
Кўрар кириб ҳар қун Осмон шоҳ,
Яна қайта оларми деб тин,
Лабларидан узмасди нигоҳ.
Чақиртириди чидолмай охир,
Узунқулоқ жодугарин шоҳ.
Деди: – Қачон дард чексам оғир,
Доим ўзинг бўлгансан паноҳ,
Биласан сен балонинг барин,
Нима гап бор оламда, гапир.
Оймомиқдан бордир хабаринг,
Жони қайда, қани, айт, кампир?!
– Эшитганман у ҳақда бир қун
Ойнабулоқ айтганин қўшиқ:
Тўқиганмиш Оймомиқ тун-кун
Рўмолчага ўз жонин қўшиб.
Қалқонқўлга қўйиб у кўнгил,
Рўмолчасин этганмиш тортиқ.
Қалқонқўл ҳам излаб юрар, бил,
Севар қизни жонидан ортиқ.
Билганим шу: рўмолча – малҳам...
Кечиргайсан бўлса гуноҳим.
Лозим кўрсанг, қачон десанг ҳам,
Хизматинг бош устига, шоҳим.
Тухфа бериб Узунқулоққа,
Шоҳ деди сўнг айтиб ташаккур:

- Илож топиб, чўзмай узоқقا,
Рўмолчани топмоқлик зарур.
- Қийин, шоҳим, Қалқонқўл уни
Юрак усти – қўйнида асрар.
Қўярмиди, битади куним,
Қўйнига мен қўл солсам агар.
Шоҳ узатиб бир халта тилла,
Таъна қилди ғазабга тўлиб:
- Тополмасанг шунга бир ҳийла,
Не қиласан жодугар бўлиб!
Узунқулоқ совғани олиб,
Чиқди бажо келтириб таъзим.
Қараб қолди шоҳ ўйга толиб,
Тош вужудга тикилди ҳазин.
Узунқулоқ шалпанг қулоғин,
Тоқقا чиқиб ҳар ёнга бурди.
Дупур отган Ёлдор туёғин
Таниб, бир зум жим қотиб турди.
Бир юмалаб бўлдию қарға,
Учди дупур келган томонга.
Қанотлари толиқиб, зўрға,
Қўнди у бир чўл-биёбонга.
Тумшуқ тираб, олмай бир зум тин,
От дупурин тинглаб кўрди у.
Мўлжал олиб учди у тағин,
Тунлари ҳам билмади уйқу.
Қўқдан пастга шўнғиди қарға,
Қора кўриб бир кунлик йўлда.
Кампир бўлиб, тақдирин қарғаб,
Ўлтирди сўнг йўл пойлаб чўлда.
Чанқаб шимди ёнтоқни бориб,
Бир шумният ўйлади у қув:
Томчиларга қўшиб ҳабдори,



Тайёрлади чанқоқ босар сув.
От жиловин эркин бўш қўйиб,
Келиб қолди тушда Қалқонқўл.
Узунқулоқ йиғлаган кўйи
Эмранганча тўсиб чиқди йўл:
– Болам, тўхта, менга раҳм эт,
Дардларингни ўзим олайин.
Ўзинг билан бирга ола кет,
Чўлда танҳо қандай қолайин.
Худо ўзи етказди сени,
Қон қуйилсин ўғлим кўзига.
Ташлаб кетди шу чўлга мени,
Келинимнинг кириб сўзига.
От жиловин тортиб Қалқонқўл,
Сакраб тушди эгардан шу зум.
Олов пуркар жазирама чўл,
Худди чўғдай куйдиради қум.
Дарак сўрди Қалқонқўл чўллаб:
– Бўлармикан сув топса, буви?
– Томоғингни олақол ҳўллаб,
Озроққина бор эди сувим –
Сув узатди тугунин ечиб,
Кампир ишин Худо ўнглади.
Йигит ундан бир қултим ичиб,
Томоғини жиндай хўллади.
– Ич барини, чанқатгандир чўл, –
Кампир қистар, кўнгли тўлмади.
Ичай деса, ҳали олис йўл,
Қалқонқўлнинг кўнгли бўлмади.
Чанқаб қолса не қиласман деб,
У ўйларди кампир ҳаётин.
– Мининг, – дея йўл ғамини еб,
Ўнглаб турди кампирга отин.

Миндирирмай ва лекин Ёлдор
 Ер депсинди тисланиб кетга.
 Тисланганда от чекиб озор,
 Кум сачрарди жазиллаб бетга.
 Англамасдан отда не қайғу,
 Йигит ногоҳ бир қамчи солди.
 Тортиб олиб сүнг кампирни у
 Орқасига миндириб олди.
 Гүё чексиз дўзах ерлари,
 Терга ботиб, улар кўп юрди.
 Артган бўлиб йигит терларин,
 Кампир аста доридан сурди.
 Йигит сезиб ўзин шикаста,
 Учар эди кўзлари пир-пир.
 Кўлтиғидан кўл солиб аста
 Рўмолчани ўмарди кампир.
 Ёлдор учар, олов пуркар чўл,
 Қалқонқўлни ташналик эзар.
 Сув сўради хушсиз Қалқонқўл,
 Ҳабдоридан тутди жодугар.
 Сувмас, гўё ютди оловни,
 Кўз олдида гир айланди йўл.
 Тута олмай қолди жиловни,
 Қулаб тушди отдан Қалқонқўл.
 Ёлдор ўзин тўхтатди зўрға,
 Англаб кампир берганлигин панд.
 Бир юмалаб бўлдию қарға,
 Учиб кетди жодугар хурсанд.

Осмон шоҳга етиб хушхабар,
 Узунқулоқ келишин кутди.
 Шоҳ олдига бориб жодугар,



Рўмолчани қўшкўллаб тутди.
Рўмолчага боқаркан хушҳол,
Шоҳ қувончин йўқ эди чеки.
Жодугар дер: – Кўлингда рўмол,
Хизматдаман истасанг неки.
Шоҳ шошилди хосхона тараф,
Қўлда ушлаб ҳаётга ёрлиқ.
Хона ичра оппоқ нур тараб,
Ётар эди сулув Оймомиқ.
Шоҳ Оймомиқ бошида туриб,
Рўмолчани ёпди юзига.
Кўз очди қиз бир акса уриб,
Ишонмасди шоҳ ўз кўзига.
Қиз ҳаёдан гулдай қизариб,
Либосини устига илди.
Ёнида шоҳ турар бўзариб,
Қиз қалбини нимадир тилди.
Ерда ётган рўмолчасин у
Хавотирда олди кўтариб.
Қиз юрагин босиб бир ғулу,
Томоқ қириб, секин йўталди:
– Ўлдими? – деб сўради шоҳдан
Ва ўзини тўшакка отди.
Кўрқиб ўтли, ёвуз нигоҳдан,
Юзин буркаб – ўраниб ётди.
Хосхонадан чиқди Осмон шоҳ,
Қиз қалбига топмоқ истаб йўл.
Қиз ўртаниб урар эди оҳ,
Хаёлидан чиқмас Қалқонқўл.
Шоҳ асабий – жаврашга тушди,
Париларнинг кўнглин қолдириб.
Ҳамма пари аврашга тушди
Оймомиқнинг олдига кириб.

Оймомиқقا тилашиб тилак,
 Гап очганди парилар тўйдан,
 Қиз ғазабдан шимариб билак,
 Париларни ҳайдади уйдан.
 Деди: – Қирқ қун тутаман аза
 Қалқонқўлим ҳурмати учун.
 Унга қадар ўйлайман роса,
 Балки севгим йўқотар кучин.
 Бирон юпанч топмасам ўйдан,
 Кейин шоҳга бераман жавоб.
 Оғиз очманг унгача тўйдан,
 Тўй сиғарми дил тўла азоб.
 Йўқса, сизни бундан ишқ ҳайдар,
 Айтинг, ишқни енга олган ким?!
 Париларнинг париси Ойпар,
 Оймомиқقا қоқиб қўйди им.
 Борга ўхшар Ойпарда бир сир,
 Кўчмай қолди гапи тилига.
 Балки унинг хабари бордир,
 Шубҳа тушди қизнинг дилига.
 Тирик бўлса Қалқонқўл агар,
 Рўмолчасин қандай олдирди.
 Келган бўлса бермасми хабар,
 Нечун ёрин ёлғиз қолдирди:
 “Балки ёрим қўлига етиб,
 Боролмаган ишқим-рўмолчам...”
 Деразадан кирди шув этиб,
 Шамол бўлиб ишқ оҳи шу дам.
 Оймомиқнинг кўзёши қотган
 Киприклару ёноғин кучди.
 Ёстиқ узра ёйилиб ётган,
 Рўмолчани кўтариб учди.
 Деразадан чиқди шув этиб,



Фойиб бўлди қўздан бирпасда.
Демак, ҳали бормаган етиб,
Қалқонқўли ё оғир хаста.
Оймомиқнинг ўйичувалиб,
Хосхонадан чиқди ҳовлига.
Кетмоқдайди лаби ўт олиб –
Қалбдан чиққан ишқнинг ҳоврига.
Севганига қилди у нола:
“Наҳот, мени руҳинг қўлламас!”
Қўзларидан қуйилди жола:
Томоғини куйдирди нафас.
Ёлворди у, тополмай илож,
Учиб ўтган қалдирғочга ҳам:
– Хасталигин билсанг, қалдирғоч,
Етказ, – деди – ёримга малҳам
Ва қалбининг тубидан чиқиб,
Томчи қўзёш бир гулга сизди.
Уни аста қалдирғоч чўқиб,
Ёшни тўкмай, бандидан узди.
Оймомиқнинг қўзлари порлаб,
Дилдан дарди тош каби кўчди.
Қалдирғоч ҳам кўк сари ўрлаб,
Қизни уч-тўрт айланиб учди.
Сўнг у сингди сўнгсиз осмонга,
Осмон эди сув каби тиник.
У қалдирғоч кетган томонга,
Қараб қолди ёниб Оймомиқ.

3

Жазилларди ўт пуркаб сахро,
Ётар эди Қалқонқўл беҳуш.
Соҳибидан кутиб бир садо,
Ёлдор турар бош эгиб хомуш.

Эшигандек Ёлдорнинг зорин,
 Ўйларига бўлгандек тилмоч,
 Чўл ҳавосин пайкондай ёриб,
 Келиб қолди шу он қалдирғоч.
 Патларини елда юлдириб,
 Зеро, у ҳам қўп заҳмат ютди.
 Кўзёш томган гулни келтириб,
 Қалқонқўлнинг бурнига тутди.
 Ҳиди уриб гулнинг – Қалқонқўл
 Бир сесканиб кўзини очди.
 Рўмолчами? Нега ерда? Чўл.
 Отни кўриб хаёли қочди:
 Кампир бўлиб жодугар, демак,
 Лақиллатиб кетибди уни.
 Ўйга ботди: бўлибди эрмак –
 Хайрият-э, битмабди куни.
 Сувмас, оғу ичирган ғалча,
 Демак, ётган саҳрова ўлиб.
 Ёрдам берган гул ва рўмолча:
 Тирилтирган муҳаббат қўли!
 Ким келтирди уларни лекин?
 У билмаган ғалат сирлар бор.
 Кўзғалганди Қалқонқўл секин,
 Унга тутди елкасин Ёлдор.
 Танда сезмай ҳеч бир асорат,
 Тулпорига Қалқонқўл минди.
 Йўлга тушди топиб жасорат,
 Вужудига қайта куч инди.
 Етар-етмас Аждар тоқقا у,
 Кўтарилиди кучли қумбўрон.
 Қирдек аждар кўтариб ғулу
 Ўрмалади Қалқонқўл томон.
 Тўхтаб қолди Ёлдори бирпас,



Аждархонинг ҳамласин сезиб.
Тайёрланди, ростлади нафас,
Вужудида ўт-олов кезиб.
Чўзиларди бўйи минг аршин
Ўт пуркаган чофида аждар.
Шамолига боролмай қарши,
Ёлдор орти тисланиб кетар.
Кучга тўлиб Қалқонқўл қўли,
“Ҳайт!” дедиу ниқтади отин.
Илон олар бургутдай бўлиб
Ёлдор ёйди ёллар қанотин.
Тўсди йигит аждар йўлини,
Муҳаббатдан мадад-куч тилаб.
Қалқон қилиб битта қўлини,
Мушт туширди бир қўли билан.
Жонҳолатда ўт пуркаб баттар,
Аждар боши тўлғонди гангиб.
Думин ерга урганди аждар,
Тоғу тошлар силкинди чангид.
Аждар ўзин ўнглаб олмасдан,
Ҳужум қилди Қалқонқўл чаққон.
Мушт туширди яна жаҳд билан,
Бир қўлини қилиб у қалқон.
Мушт устига шу дам шарқ этиб,
Қаншаридан Ёлдор ҳам тепди.
Ва ниҳоят ҳушидан кетиб,
Қалқонқўлдан ажалин топди.
Чанқоқ босиб сўнг бир булоқдан
Ўлтирганди йигит олиб дам,
Келиб қолди бостириб тоғдан,
Одам исин сезиб девлар ҳам.
Тоғдан тоқقا ўтаркан учиб,
Солмоқ бўлди девлар важоҳат.

Қалқонқўлнинг билакда кучи,
 Юрагида қайнар муҳаббат.
 Жангга кирди муштин дўлайтиб,
 Қилмади у девларни писанд.
 Гоҳ пасайиб, гоҳ кетга қайтиб,
 Келган девга Ёлдор берди панд.
 Ишқдан олиб Қалқонқўл мадор,
 Девлар билан уч қун қилди жанг.
 Бас келолмай, девлар ҳам ночор,
 Чекинишди ҳоли бўлиб танг.
 Осмон шоҳни хабардор этиб,
 Девлар ундан сўрашди ёрдам.
 Шу баҳона отин совитиб,
 Қалқонқўл ҳам олди бироз дам.

4

Шоҳ эшитиб ёвнинг хабарин,
 Чопарларга дарғазаб боқди.
 Ким кўринса жеркиди барин,
 Кўзларида ғазаб ўт ёқди.
 Наҳот, дев паст ёвнинг кучидан,
 Наҳот, ёвдан бари панд еди?
 Ўйга ботди: девлар ичида
 Энг кучлиси Қиличдор эди.
 Вазир қилиб олганди уни,
 Чақиртириди вазирини шоҳ.
 Ҳамон бурқсиб ғазаб тутуни,
 Шоҳ вазирга ташлади нигоҳ:
 – Мамлакатни қўриқлаб ётган,
 Аждаримиз ўлдирибди ёв.
 Кўп девларинг хушин йўқотган,
 Чорасини ўзинг топ дарров!
 – Битта тош-да, унинг давоси,

Шоҳим, қани, кўрай-чи бориб.
Тинчитгайман келса Худоси,
Бир тош билан бошини ёриб.
Таскин топди шоҳ кўнгли бироз,
Баривир у кўрганин қопар.
Ичда деди: “Узунқулоқ соз,
Бу ёвга ҳам балки йўл топар”.
Жодугарни йўқлаши билан
Ҳозир бўлди шоҳ қошида у:
– Туш кўрибман ухлашим билан,
Шоҳим, сенда яна не қайғу?
– Билиб туриб сўрайсан яна,
Қани, аввал тушингдан гапир.
Осмон шоҳга қилгандек таъна,
Гап бошлади жодугар кампир:
– Туш кўрибман, тушимда, шоҳим,
Мен келтирган рўмолча йўқмиш.
Билолмадим недир гуноҳинг,
Одамлардек қалбингда чўғмиш.
Гар йўқолса рўмолча чиндан,
Оймомикдан умидингни уз.
Эришасан ишқни олсанг тан,
Ё йўл топсанг, ўзга режа туз.
Ишқни десанг, девлар демас шоҳ,
Сен ҳам сўнгра оддий бир инсон.
Уриб кетар дев пири – арвоҳ,
Қолмас сенда девликдан нишон.
Рўмолчани йўқотмасанг, бас,
Бир кун қизга бўлгайсан мақбул.
Инсонликни, шоҳим, сен эмас,
Париликни қиз қилсин қабул.
Рўмолчага хаёли кетиб,
Ёв ҳам чиқди шоҳнинг ёдидан.

Рўмолнчани?.. Жон ато этиб,
 Қолдирганди шоҳ қиз олдида.
 Шоҳ куйинди: – Қўймабсан айтиб,
 У кун менда ақл йўқ эди.
 Рўмолнчани олмабман қайтиб,
 Оймомиқнинг ўзида, – деди.
 – Кўнглин топиб сен ундан яна,
 Рўмолнчани қайтариб олгин.
 Ўзинг кўп ҳам бўлмай этана,
 Қиз қалбига секин йўл соггин.
 Жодугарни қолдириб ёлғиз,
 Хосхонага кириб кетди шоҳ.
 Ўлтиради Ойпар билан қиз,
 Чўчиб тушди иккиси ногоҳ.
 Шоҳ авради: – Оймомиқ пари,
 Яқинлашиб қолди муҳлат ҳам.
 Сеникидир мулкимнинг бари,
 Азангни қўй, сенга нима кам.
 Не истасанг, бажарай, буюр,
 Келдим ҳатто рўмолчанг топиб.
 Шу рўмолчанг менга бериб тур,
 Кўз олдингда қўяй бир ўпиб.
 – Уни елга учирив қўйдим,
 Ушлай олмай йиғлаб қолдим зор.
 Тўйни бошланг, йиғидан тўйдим,
 Фақат менинг битта шартим бор.
 Оймомиқقا шоҳ боқди ҳайрон:
 – Не истасанг бўлар мустажоб.
 – Олиб келинг, ойнаижаҳон,
 Шу кун тўйга бераман жавоб.
 – Бўпти! – дея тахтга олди йўл,
 Янграб чиқди шоҳнинг овози.
 Жодугарга деди: – Қани, бўл,

Тўй қилишга Оймомиқ рози!
 Бор экан бир ойнаижаҳон,
 Шуни менга олиб келсанг бас.
 – Сени аҳмоқ қилибди, нодон,
 Оламда йўқ унга етар даст.
 Фақат маълум Ойпарга бу сир,
 Ойпар айтган қизга довдираб.
 Шоҳнинг бўлиб ҳафсаласи пир,
 Жодугарга боқди жавдираб:
 – Рўмолча ҳам кетибди учиб,
 Топгин энди ўзинг чора, бўл!
 Тушди бирдан жодугар чўчиб:
 – Демак, тириқ, тириқ Қалқонқўл!
 Кимлар унга бердийкин кўмак,
 Қолган эди чўлда чалажон.
 – Бизга ҳужум қилган ҳам, демак,
 Қалқонқўлинг, сен айтган инсон.
 Қандай ёв деб бошим қотганди,
 Аждарни ҳам ўлдирибди у.
 Юртдан кўнглим тўқ деб ётгандим,
 Тоғни лошга тўлдирибди у.
 Чақиргандим мен сени шунга,
 Аён бўлди энди ҳамма сир.
 – Хат йўлласин Оймомиқ унга. –
 Бир қувликни ўйлади кампир.
 – Хат йўлласин? Нима деганинг,
 Сўнг бирлашиб олиши аниқ.
 Қалқонқўлнинг тириқ эканин
 Билмаслиги керак Оймомиқ.
 – Сен ниятим тушунгин олдин,
 Гар бўлмаса қиз шарти ёлфон:
 Ёзиб берсин бўлишин хотин,
 Ким келтирса ойнаижаҳон.

Унга элтсак қиз шартин агар,
 Қолган гапни қўйиб бер менга.
 Шартни адо этолмай ўлар,
 Оймомиғинг қолади сенга.
 Тунд чехраси шоҳнинг ёришиб,
 Совға тутди Узунқулоққа.
 Қайтайлик биз дев-ла олишиб,
 Йигит ётган зилол булоққа.

5

Йигит девлар ҳужумин кутиб,
 Ётар ўйлаб булоқ бўйида.
 Ногоҳ қўкни чанг-тўзон тутиб,
 Махрум этди уни ўйидан.
 Тошотар дев олис бир тоғдан,
 Тош отганди бу тоққа қараб.
 У тош келиб тушгани чоғда,
 Кетди бутун Аждар тоғ титраб.
 Етиб келиб бамисли шамол,
 Ёлдор депсиб чанг қўшди чангга.
 Отга миниб Қалқонқўл дарҳол,
 Тайёр турди дев билан жангга.
 Туёғидан ўт чақнаб Ёлдор,
 Ҳар бир тошдан сакраб четлади.
 Тошласа ҳам Тошотар минг бор,
 Йигит унга парво этмади.
 Қолдийкин деб қайси дев омон,
 От устида турди у кулиб.
 От чоптириб сўнг девга томон
 Отди у бир қояни юлиб:
 Тўзон босиб анча вақт тоғлар
 Бешик каби тебраниб турди.
 Қайнаб чиқди тоғдан ирмоқлар,



Катта-катта тошларни сурди.
Шундан кейин сукунат чўмиб,
Чиқмай қолди девлар димиши¹.
Тошотарни балки тоғ кўмиб,
Ўз бошига етган қилмиши.

Бу зарб унга кор қилмаса ҳам,
Жон тукини тупроққа қорди.
Йигит бирпас олмоқ учун дам,
Ойна булоқ бўйига борди.
Пайдо бўлди кўп ўтмай ногоҳ,
Тоғ тарафда уч-тўртта аёл.
Олов бўлиб ташлади нигоҳ,
Олиб қочди йигитни хаёл.
Қалқонқўлнинг дарагин билиб,
Келаётган балки Оймомиқ.
Сўзлармикин карашма қилиб,
Туармикин балки этмай миқ.
Балки аста рўмол учидан
Танитмасдан қарап ўртаниб.
Уч-тўртта-ку, улар ичидан,
Оймомиқни оларми таниб.
Ана, улар малоҳат билан,
Бир-бир босиб келмоқда бари.
Ҳаммаси ҳам ёш қизлар экан,
Гўзалликда бамисли пари.
Қизлар келди: соchlар қирқ тизим,
Нақш олмадай юзлар тип-тиник.
Қатор туриб этишди таъзим,
Билиб бўлмас, қайси Оймомиқ.
Лекин нега кийишган қора,
Сувга қўшиб ютгудай қизлар.
Мунча дилни айлайди пора,

Жон олғувчи бу жоду күзлар.
 Ёрин күзи ўтли ва маъсум,
 Булар унга ўхшамас ҳеч ҳам.
 Ҳадя этиб бири табассум,
 Сўз бошлади ўқтам ва чечан:
 – Ҳайрон бўлманг, Қалқонқўл полвон,
 Элчилар деб билгайсиз бизни.
 Йўлингизда бермоқ учун жон,
 Кутар ёниб Оймомиқ сизни.
 Лекин ҳозир сиз билан жангда,
 Девлар ўлиб, жон берди шоҳ ҳам.
 Жони борлар қоп-қора рангда,
 Осмон ости тутмоқда мотам.
 Девлар русмин бузмай Оймомиқ
 Тўйни қўйди азадан кейин.
 Аммо қалби ишқ билан ёник,
 Бизлар шунга келдик атайин.
 Чечан қизнинг сўзин жилмайиб,
 Маъқуллашди бош эгиб бари.
 – Нечун ёрим ҳолин билмайин,
 Келмоқдаман ёниб ёр сари.
 – Тўй қиласиз, айтамиз ёр-ёр,
 Қирқ қозонда ош дамлаб ҳали.
 Оймомиқнинг битта шарти бор:
 Севгингизни синааб кўргали.
 – Мен тайёрман, не экан шарти,
 Бажарурман ишққа чўкиб тиз.
 Сочларига бераркан тартиб,
 Хат узатди унга чечан қиз.
 Аста очиб хатни қатидан,
 Ўқиди у шошилиб шу он:
 “Уммон шоҳнинг мамлакатида
 Бор экан бир ойнаи жаҳон.

У деб тун-кун ўртанаар жоним,
Олиб келинг, кўнглим бўлсин жой.
Майли, сўнгра деяй осмоним,
Бағрингизда порлай мисли ой...”
Рўмолчанинг ёзувин тўсат,
Эслаб қолди Қалқонқўл шу дам.
Кўз ташлади қилиб у диққат
Ўхшар эди унга бу хат ҳам.
Ҳидлаб кўрди кейин у хатни,
Оймомиқнинг ҳидини туйди.
Оллоҳ билиб ишқ-муҳаббатни
Хатни юрак қатига қўйди.
Янграб дилда хатдаги сўзлар,
Деди: – Шарти бўлар мустажоб.
Оқ йўл тилаб қайтишди қизлар:
– Кутар сизни Оймомиқ офтоб!
Қизлар ўтиб қоя ортига,
Ғойиб бўлиб қолишди тўсат.
Хуштак чалди йигит отига,
Учди қарға, капитарлар – ғалат.
Отга минди Қалқонқўл беун,
Дилда янграр ишқий садолар.
Севги йўли узундан-узун,
Севган бошда не-не савдолар.



УЧИНЧИ ҚҰШИҚ

1

Қайдасан деб Уммон шоқ юрти,
 Кетиб борар Қалқонқұл бедор.
 Елдай елиб, ҳориса йүртиб,
 Йүл қармарди йилдиirim Ёлдор.
 Ботир йигит тинмай йүл юриб,
 Йүл юрса мүл юриб дилхун,
 Ҳайратланди узокдан күриб,
 Күзқамашар шаҳарни бир кун.
 Порлаб тураг минорлар қатор,
 Ҳар минори күзлар юлдузни.
 Гул-гул ёниб нақшида баҳор,
 Қасрлари оларди күзни.
 Девор билан ўралган шаҳар,
 Ундан ошиб ўттолмас қуш ҳам.
 Безагида ранглар талашар,
 Дарвозаси ундан ҳам күркам.
 Мафтун этиб бу гүзал шаҳар,
 Етиб келди Қалқонқұл ботир.
 Дарвозасин урди тонг саҳар,
 Лекин босди уни хавотир.
 Яна урди бир муддат туриб,
 Дарвозабон чиқди таъзимкор.
 Келисопдай ҳар битта тиши,
 Ўнта шерни йиқар бир уриб.
 – Хуш келибсиз, нотаниш йигит,
 Ҳайратобод дерлар шаҳrimiz.
 Сизга нарғи қопқадан умид,
 Зеро, очиқ дўстга меҳrimiz.
 Бошқа қопқа тарафға шу дам
 Йигит отин кетди чоптириб.
 Шундай деди у қопқада ҳам
 Наргисига йўлни кўрсатиб.



Шаҳардаги етти қопқани
Уриб чиқди бирма-бир бориб.
Биронтаси йўл берса қани,
Илк қопқага келди у ҳориб.
Дарвозани кетгудай суреб,
Ўйноқларди депсиниб оти.
Кутди тағин қопқани уриб,
Таъзим қилиб чиқди бир ботир:
– Хуш келибсиз, кўзтаниш йигит,
Каттамикан кўркам шаҳримиз?
Киролмагай бундан ҳар хил ит,
Аммо дўстга очиқ бағримиз.
Йигит билди: мақтаниш учун
Айлантирган кун бўйи алдаб.
Ичкарига кирапкан беун,
Ҳайрат чўғин кул босди дилда.
Ғалат эди шаҳар ичи ҳам,
Қайга боқма зарҳал бўёқлар.
Бироқ бунда боғу гулзор кам,
Ҳаммаёқда ботқоқ, қиёқлар.
Осмонўпар қасру саройлар,
Минорлар ҳам турар амалдаст.
Ифлос эди анҳорлар, сойлар,
Ётар унда ағанаб ҳар кас.
Йўл четлари кўз алдар девор –
Қамаштирап кўзларни фақат.
Девор юзи хилма-хил шиор,
Лекин орти лиқ тўла ахлат.
Аҳолиси ундан-да ғалат,
Юзларида соҳта табассум.
Солган билан юрганда савлат,
Аммо унинг ичи бўм-бўш хум.
Қарамасанг лекин кўзингга,
Қадамингни босмасанг билиб,
Сездирмасдан ҳатто ўзингга,



Терингни ҳам кетишар шилиб.
 Йигит отда бораркан ҳайрон,
 Бир чоғ йўлин нонвойлар тўсди.
 У узалиб, танлаб иссиқ нон,
 Ўраб бер, деб белбоғин чўзди.
 Сўнг олмоққа бироз чой ичиб,
 Чойхонага бориб тушди ул.
 Белбоғига қараса очиб,
 Таппи ўраб қўйибди нуқул.
 Йигит англаб тушганиничув,
 Хушёр тортиб босди қадамин.
 Ким дуч келса алдоқчи ва қув,
 Билолмасди бу юрт одамин.
 Сўнг у Уммон юртини сўраб –
 Суриштириди кўп уйга кириб.
 Жавоб айтмай, гап билан ўраб,
 Ҳамма унга берарди фириб.
 Йигит бутун шаҳарни кезиб,
 Тунаб қолди охир бир уйда.
 Қалқонқўлнинг ўйини сезиб,
 Уй эгаси кулди бу ўйдан:
 – Қанақаси битта ёрни деб,
 Шунча андуҳ, шунча қайғу-ғам.
 Йигит, юрма ёр ғамини еб,
 Бу дунёда қиз кўпдир кўркам.
 Гар истасанг, ўйланма ҳеч бир,
 Шу шаҳардан бераман топиб.
 Янгангга ҳам, шунда қолсин сир,
 Уйланганман мингтасин ўпиб.
 Ишлатиб мен кейин ҳам фириб,
 Кўнглини олдим қанчалаб ёрнинг.
 Эр йўғида дер хотин кириб:
 – Ақлин олдим нечта хушторнинг.
 Аммо сендей кўркам ва ўқтам,
 Йигитни мен кўрмадим ҳали.



Ошиқ бўлар ҳар қандай қиз ҳам,
Сени шундай кўрган маҳали.
Ўзинг айт-чи, битта қизни деб,
Нима керак шунча ғам-андух.
Сарсон юрма ёр ғамини еб,
Топай ўзим дилингга шукуҳ.

Кетди йигит ғаш бўлиб дили,
Қолса, уни этишар бадном.
Қалқонқўлни бу шаҳар эли,
Ҳайратларга тўлдирди тамом.
Кимни кўрса алдади уни,
Қайга борса беришди фириб.
Бекор ўтди Қалқонқўл куни,
Наф топмади шаҳарга кириб.
Дарвозадан чиқиша тағин,
Этмоқ бўлди уни овора.
Йигит силаб Ёлдорнинг сағрин:
– Сакра, – деди, – ошолсак зора!
Сакраб ўтди девордан Ёлдор,
Тегиб кетди бехос туёғи:
Кулаб тушди дарвоза, девор,
Соқчи отди чўқмор-таёғин.
Илиб олди Қалқонқўл чапдаст,
Ваҳшат чўқмор пўкақдан экан.
Кулар экан тегса бирон кас –
Баланд девор пўкақдан экан.
Бунда фириб этаркан мафтун,
Фириб экан барча нақшу зеб.
Билолмасди Қалқонқўл нечун,
Ном берганин Ҳайратобод деб.
Ободлигин кўрмади, аммо
Ҳайратланиб Қалқонқўл кетди.
Ҳали олдда кўпдир муаммо,
Манзил унинг ўйин банд этди.

От кўзига санчилар уфқ,
 Йўлга тинмай отилар дупур.
 Қалқонқўлнинг кўзлари интиқ,
 Уфқлардан тиланади нур.
 Уфқлардан нарида манзил,
 Ҳайратобод қолди олисда.
 Ишқ дардида ўртанаар кўнгил,
 Уфқ янглиғ ёнар бир ҳисда.
 Тинмай на тош, на қуму лойда,
 Отар туёқ тасира-тусур.
 Еру осмон туташган жойда,
 Кўринди бир ғаройиб қаср.
 Қасрга у яқин қолган чоғ,
 Бир мўйсафид чиқди олдидан.
 Салом бериб, бамисли чақин,
 Ирғиб тушди йигит отидан.
 – Бўлсин, ота, умрингиз узок,
 Таништиринг бўлмаса гар сир,
 Қайси юртни тергайди бу шоҳ,
 Қайси шоҳга қарап бу қаср?
 – Мамлакатсиз шоҳнинг қасри бу,
 Тахт эгасин дерлар Тахтдор шоҳ,
 Йўлларингга ёғсин қут-ёғду,
 Қайдан пайдо бўлдинг баногоҳ?
 – Мен Чамбилдан чиқдим, отахон,
 Ёр ишқида ёниб от сурдим.
 Ёр истаги – ойнаи жаҳон,
 Чиқдим кўзлаб Уммон шоҳ юртин.
 Қайда у юрт? Тополмай дарак,
 Кезиб чиқдим бутун жаҳонни.
 Барибир мен топишим керак,
 Билмайсизми, ота, Уммонни?
 – Қайдалигин билмадим, болам,
 Тахтдор шоҳда бир қуш бор аммо.



Неча йилким чекар бунда ғам,
Шоҳ қафасда сақлар доимо.
Семурғ деган қуш боласи у,
Келтирганкан Уммондан уни.
Кетар излаб юрт-даласин у,
Киритолсанг қўлга гар шуни.
– Мамлакатсиз бўлурми ҳеч тахт,
Тахтдор шоҳда эл-юрт йўқ нечун?
– Мамлакатни сотган у бадбаҳт,
Тахт деб элин айлаган дилхун.
Қарам бўлиб душманга буткул,
Бора-бора элдан ҳам кечган.
Барин сотган тахтга бўлиб қул,
Душман халқнинг қонини ичган.
Тахт ва дорга эгадир фақат,
Мулки унинг ёлғиз шу қаср.
Душман қўли остида давлат,
Халқини ҳам ёв тергар ҳозир.
– Душман бундан тошини терса,
Қочиб қолса йўқотиб хушин,
Мамлакатин қайтариб берсам,
Берармикан менга шоҳ қушин.
– Ишонмайди, бош тортар шу зум,
Ёв пинжида баҳтини кутар.
Қилсанг фақат тахтига хужум,
У Семурғнинг баҳридан ўтар.
Тахт деб кечган у имонидан,
Қонга қорган халқнинг баҳтини.
Тахти учун кечар жонидан,
Жонин эмас, сўра тахтини.
Йигит дилдан айтиб ташаккур,
Мўйсафидга боқди миннатдор.
Яна отиб йўлларга дупур,
Учиб борди қасрга Ёлдор.
Дарвозани уриб Қалқонқўл,

Шовқин солди, қилди түполон.
 Шатур-шутур ёққан каби дүл,
 Хизматкорлар чопди ҳар томон.
 Дарвозани очди бир чопар,
 Ботир кирди ғазаби тошиб.
 Шоҳга дарҳол этишди хабар,
 Шоҳ ҳам чиқди қасридан шошиб.
 – Нима шовқин,
 Кимсан сен ўзинг? –
 Қалқонқўлга Тахтдор урди дўқ.
 – Қалқонқўлман,
 Очиб боқ кўзинг!
 Сендан менинг қўрқар жойим йўқ.
 – Хўш, бу ерга келишдан мақсад?
 Бирон арзинг бормиди менга?
 – Энди бўлди!
 Тахтингни бўшат!
 Кўрсатаман йўқса мен сенга!
 – Кимсан ўзинг,
 Ҳаддингдан ошма,
 Тахт сўрашга нима ҳаққинг бор?!

– Кучинг кетди,
 Энди сен шошма,
 Кимдаки куч,
 Тахт ўшанга ёр.
 Ёв халқингни ғамда толдирди,
 Халқинг очу душманинг тўқдир.
 Сенга фақат тахтинг қолдирди,
 Лашкаринг ҳам,
 Кучинг ҳам йўқдир.
 Душман билан бириктириб тил
 Кимки сўрса сендан тахтингни,
 Сенда куч йўқ,
 Тахтдор, шуни бил,
 Асролмайсан энди баҳтингни!



Енголмайсан мени ҳам бу дам,
Билагингдан кетган куч-мадор.
Қайтарарман тахтга юртни ҳам,
Тахтни топшири,
Дағдағанг бекор!
– Ярашайлик,
Бу аҳдингдан қайт,
Жони тахтда бўлади шоҳнинг.
– Ниманг қолди,
Ахир ўзинг айт,
Тугади-ку шухратинг-шонинг.
– Тегинмасанг бўлди тахтимга,
Не истасанг,
Берай боримни.
Гар истасанг чанг сол баҳтимга,
Қўшиб қўяй, майли, ёrimни.
– Майли, тахтинг,
Ўзингга тортиқ,
Тахтинг учун Семурғ бўлсин бож.
Шоҳ кўрса ҳам жонидан ортиқ,
Тахт деб қушни берди ноилож.
Шоҳ Семурғнинг дилин айлаб хит,
Сақлар экан маҳсус қафасда.
Қафасидан бўшатиб йигит,
Ийиктирди қушни бирпасда.
Семурғга у қаради тўйиб:
– Элтгин, – деди, – мени Уммонга.
Сўнг у қушни юборди қўйиб,
Учиб кетди Уммон томонга.
Қуш ортидан от сурди ботир,
Семурғ қушни топганидан шод.
Ортда қолмай Семурғдан ҳеч бир
Ёлдори ҳам боғлади қанот.
Умид бўлиб чорлайди уфқ,
Гоҳ шом, гоҳ тонглардан сўзлар.

Тинмай елар Қалқонқұл интиқ,
Уфқлардан нарини күзлар.

3

Осмон кетар түлишиб бирдан,
Түйиб-түйиб ЭРК олар нафас.
Ахир бу ЭРК үтди ғам билан,
Шимиб ётди силласин қафас.
Осмонларда ҳаволаб, эркин
Семурғ қушнинг боласи учар:
Патларини силайди эпкин,
Озод қушни эркалаб кучар.
Этган сайин баҳт қуши парвоз,
Осмон кетар түлишиб, яйраб.
Күш ортидан Қалқонқұл шаввозд
Учар унга нигохин бойлаб.
Йигит қушни мүлжалга олиб,
Ёлдорини қичайды – шошар:
Баҳт қушининг қаноти толиб,
Тоғдан ошар, чүллардан ошар.
Семурғ қушнинг онаси қайда,
Соғинч күкдә этади парвоз.
От қадами туюлар майда,
Аммо ундан кечолмайди воз.
Меҳри иийиб қушнинг ботирга,
Боши узра учади пастлаб.
Бормоқ учун қуш билан бирга,
От ҳам елар қадамин мослаб.
Ортда қолди йўллар ва кунлар,
Манзил сари шошар от ва қуш.
Ортда қолди уйқусиз тунлар,
Манзил сари шошар от ва қуш.
Ва ниҳоят кўринди манзил –
Қоқ саҳрода улкан бир дараҳт.
Кўйилгандек тўнтариб қандил,



Ҳар баргida порлаб турар баҳт.
Тепасида улкан бир уя,
Ёкүтлардан чиқилган териб.
Она семурғ бўлганда-ку-я,
Кўяр эди таъзирин бериб.
Она Семурғ болаларига
Хўрак излаб кетганди олис.
Полапонлар уя бағрига
Тиқилишди недир этиб ҳис.
Икки кўзи одам – дўстида,
Инга қўнди озод қуш бориб.
Отдан тушиб дараҳт остида
Ёнбошлади Қалқонқўл ҳориб.
Энди кўзи илинган чоғда
Мириққанда танлари яйраб,
Куш тумшуғин сезди дудоғда,
Недир дерди қўрқинчли сайраб.
Кўзин очса,
Боқар безовта
Унинг ўзи озод қилган қуш.
Қолган каби яна тушовда,
Типирчилаб сайранди ноҳуш.
Кўрди ногоҳ аждарни ботир,
Чиқмоқдайди дараҳтга ўриб.
Чирқилларди олиб хавотир,
Полапонлар уядা туриб.
Йигит шартта думидан тутиб,
Улоқтириди аждарни шу зум.
Ерга тушди аждар қон ютиб,
У ўрлади яна пуркаб қум.
Бермас эди аждар тезда жон,
Куч тўплаб у ташланди бирдан.
Йигит айлаб бир қўлин қалқон,
Мушт туширди бир қўли билан.
Мажақланиб аждарнинг боши,

Тани бўлди ер билан битта.
 Аждарҳонинг чўзилиб лоши,
 Ажал солган хавотир битди.
 Полапонлар совғадек гўё,
 Уясидан ушатишди дур.
 Ботир унга боқмади қиё,
 Билди аммо бу бир ташаккур.
 Кейин бошин бархангага қўйиб,
 Нафас ростлаб ётди Қалқонқўл.
 Гўё офтоб тушгандай куйиб,
 Олов пуркаб жазилларди чўл.
 Чарчатганди йўл уни обдон,
 Тошдай қотиб ухлаб қолди ул.
 Бир пайт қўкни қоплади тўзон,
 Кўтарилди бехосдан довул.
 Кунни тўсиб, қорайиб осмон,
 Оқ булатдай қўринди бир қуш.
 Келмоқдайди бамисли бўрон,
 Она Семурғ бошдан учиб хуш.
 Она Семурғ узокдан туриб,
 Сезган эди одамнинг исин.
 Ерда ётган дурларни кўриб,
 Таталади дард-алам ичин.
 Ҳар йили у полапонларин
 Қўяр эди олдириб бехос.
 Тополмасдан дил дармонларин,
 Қолар эди тортиб у уввос.
 Бу гал кўрди болалари соғ,
 Бир зот ётар қумда чалажон.
 Балки ҳар йил солиб ўчмас доғ,
 Олиб кетган чиқар шу инсон.
 Ана кўрди, хайрият, кўрди,
 Топмай юрган боласини ҳам.
 Бола ўзин шамолдай урди,
 Онасининг қошига шу дам.

Искалашибди ҳавода узок,
 Онасиға тўқди зорини.
 Аждар лошин кўрсатиб шу чоғ,
 Айтиб берди халоскорини.
 Она Семурғ инига қўниб,
 Хўрак берди болаларига.
 Ўлиб ётган аждарга тўниб,
 Англаб етди сўнгра барига.
 Худди туққан онасидайин,
 Қанотларин елпиғич этиб.
 Уйғонгунча турди у кейин,
 Қалқонқўлнинг бошида елпиб.
 Ахир билди: йўл босиб у мўл –
 Ҳолдан тойган, чарчаган тамом.
 Семурғ елпир, ухлар Қалқонқўл,
 Майли, олсин мириқиб ором.

4

Семурғ елпир, ботир билмасди:
 Ухлар эди ҳамон тош қотиб.
 Семурғ ундан ҳеч ён жилмасди,
 Уйғонди у бир ҳафта ётиб.
 Чўчиб тушди йигит баногоҳ,
 Тепасида Семурғни кўриб.
 Семурғ деди: – Тирикмисан, оҳ,
 Ҳафта кутдим бошингда туриб.
 Садқа бўлсин сенга жонларим,
 Қутқарибсан мени минг ғамдан.
 Йўқоларди полапонларим,
 Маҳрум эдим ҳар йил боламдан.
 Одамлардан қиласардим гумон,
 Ахир бирин кетганди олиб.
 Озод қилиб уни, эй, инсон,
 Келтирибсан олдингга солиб.
 Зўр чиқибсан ҳатто ажалдан,

Қойил қолдим қудратингга, рост.
 Бир умрга ёвуз аждардан,
 Ахир бизни этибсан халос.
 Билмагандим, душманим менинг,
 Аждарлигин, кўрмагандим ҳеч.
 Тила, недир тилагинг сенинг,
 Кечай, агар, десанг жондан кеч.
 - Ёр ишқида ўртанади жон,
 Бўлса дейман, ёрим қўйнимда.
 Ёр истаги ойнаи жаҳон -
 Уни топмоқ менинг бўйнимда.
 Аммо излаб бутун жаҳонни,
 Эшитмадим бирон бир дарак.
 Келдим мана йўқлаб Уммонни,
 Ўлсам ҳам мен топишим керак.
 - Бу жумбоқни ҳал этмоқ мушкул,
 Поёнсиз бир сувлиқдир Уммон.
 Ҳаммаёқдан қўриқланар ул,
 Сув тубида ойнаи жаҳон.
 Қирғоқлари тик қояли тоғ,
 Ғажирдевлар қаҳри бехудуд.
 Ҳеч ким ундан қайтган эмас соғ,
 Борсак биз ҳам бўламиз нобуд.
 Шу боисдан фақат мен борсам,
 Иккимиз ҳам бўлгунча қурбон.
 Мени кутиб, ётгил олиб дам,
 Рози бўлгил қайтмасам омон.
 - Ундей бўлса мен ўзим борай,
 Мен ўлсам ҳам қайтмасман йўлдан.
 - Сени ёлғиз қандай юборай,
 Жон сўғишай келгунча қўлдан.
 Уммон шоҳга қарап шу чўл ҳам,
 Бироқ олис ойнаи жаҳон.
 Ўн беш йилда етади инсон,
 Мен ҳафтада - тинч бўлса осмон.



Сув, овқат ол ҳафтани чўтлаб,
Мен ҳам сенга бўламан ҳамдам.
Оting чўлда юради ўтлаб,
Сен устимда кетасан, одам.
Ҳафталик сув, овқатни ғамлаб,
Куш устига минди Қалқонқўл.
Она Семурғ бор кучин жамлаб,
Олди жадал манзил сари йўл.
Қанотларин бўрон букади,
Тинч эмасди ҳаттоқи осмон.
Ҳафта учди, овқат тугади,
Кўринмади ва лекин Уммон.
Семурғ очиб сўради овқат,
Қийнар уни довуллар эсиб.
Йигит қилиб очликка тоқат,
Гўшт узатди сонидан кесиб.
Семурғга гўшт шўртак туюлди,
Одам гўштин сезди у дарҳол.
Кўқдан пастга тезда қуйилди,
Кўнди келиб бир тоқقا алҳол.
Семурғ деди: – Қани, тезроқ туш,
Менга сенинг керақдир жонинг.
Тил остидан гўшт чиқариб қуш,
Ямаб қўйди Қалқонқўл сонин.
Тайинлади: – Жангга ҳозирлан;
Ғажирдевлар шу тоғда яшар.
Улар бизни кўриши билан
Ҳужум қилиб тошлар отишар.
Учган чоғи энди куч жамлаб,
Ғажирдевлар сезиб қолишиди.
Ҳар тарафдан этишиб ҳамла
Мўр-малаҳдай ўраб олишиди.
Семурғ олдан келганин чўқиб,
Пастдан келса соларди човут.
Устдан келса Қалқонқўл ўқи –

Мушти билан айларди нобуд.
 Ҳар томондан ногоҳ виз-визлаб,
 Учиб қолди бўхчадек тошлар.
 Тошбўронга Семурғ бериб чап,
 Чўққи сари силтаниб шошар.
 Ғажирдевлар бошини узиб,
 Ботир йигит роса толикди.
 Семурғ ҳориб, қаноти тўзиб,
 Жангда енгиб, чўққига чиқди.
 Пастда Уммон гувлаб ётарди,
 Бўлмас уни силжитиб, суриб.
 Бир қояни Семурғ кўтарди
 Ва ташлади юксакдан туриб.
 Бирдан босиб Уммонни қўркув,
 Сачраб кетди ҳар ён асабий.
 Қоя ўрнин тўлдирганча сув,
 Кириб чиқди Семурғ ўқ каби.
 Яракларди патларида сув,
 Човутида ойнаи жаҳон.
 Чўмилгандай терга тушиб дув,
 Қалқонқўлни босди ҳаяжон...
 Улар тағин ҳафта йўл юриб,
 Семурғ қўнди қуриб мадори.
 Қалқонқўлни кўргач, югуриб
 Етиб келди кишнаб Ёлдори.
 Қалқонқўлни искалаб Ёлдор
 Юм-юм тўқди соғинч ёшини.
 Ботир йигит боқиб миннатдор,
 Силаб-суйди тулпор бошини.
 Раҳмат айтиб Семурғга йигит,
 Хайрлашиб, йиғлади ботин.
 Семурғ тутди ёқут, марварид,
 Аммо уни олмади ботир.
 Отга минди: Муроди ҳосил,
 Қўлтиғида ойнаи жаҳон.



Оймомиқнинг кўзи йўл тешиб,
Қалқонқўлни орзиқиб кутар.
Кунлар унинг бағрини эшиб,
Сабоқ ипдай чўзилиб ўтар.
Юрак-бағри қизнинг қон ютиб,
Шубҳаларни қувлади бир-бир.
Нега энди бормади етиб,
Шу пайтгача рўмолча, ахир.
Гулни олиб учди қалдирғоч,
Нечун дарак бўлмади ёрдан.
Алладими ё уни Ойпар,
Ололмайди тубсиз деб Уммон:
У нетади Осмон шоҳ агар,
Топиб келса ойнаи жаҳон.
Уммон, яшир яна чуқурроқ,
Керак эмас ойнаи жаҳон.
Тополмасин уни шоҳ, бироқ
Ёри келсин тезроқ соғ-омон.
Хосхонага Осмон шоҳ шу пайт,
Кириб келди салобат билан:
– Парим, энди розилигинг айт,
Видолашгин муҳаббат билан.
Қалқонқўлни сенинг номингдан
Юборгандим Уммон шоҳ томон.
Гуноҳимни оламан мен тан,
Қайтарми деб ўйлабман омон.
Аммо йигит кетибди ўлиб,
Уммонга ҳам етолмай ҳатто.
Кирдим сенга дардкашинг бўлиб,
Этолмабди шартингни адо.
– Кўйгандим-ку, мен сенга шартни,
Наҳот, шартга у жавоб берса?!

– Шоҳнинг иши: топиб бир мардни,
Йўллайверар не лозим эрса.

Шарт ҳам, мард ҳам орамизда йўқ,

Қолдик энди иккимиз фақат.

– Қалқонқўлдан кўнглим менинг тўқ,

Ўлдиргани қўймас муҳаббат!

Бажармадинг менинг шартимни,

Мен ҳам сенга бермасман кўнгил.

– Ёринг келмас, эшит дардимни,

Бош парим бўл, гапимга кўнгил.

Оймомиқни ўпмоқчийди шоҳ,

Тағин тошга айланди тани:

– Нима қилиб қўйдим мен, эвоҳ,

Қизнинг жони – рўмолча қани?

Чиққан эди шоҳнинг ёдидан,

Рўмолчасин учирганин ел.

Тишга чиқди шоҳ қиз олдидан,

Қалбин босиб ситам мисли сел:

“Ҳануз йўқми рўмолча чиндан,

Қарқонқўлда юрибми ҳамон...”

Шоҳнинг кўзи чиққудек қиндан

Шовқин солди, кўтарди сурон.

Хизматкору пари, канизак –

Ҳаммалари чопди ҳар тараф.

Тинтилди уй, тинтилди тўшак,

Ҳамма ерни чиқишиди қараб.

Излашдилар ҳовлию боғни,

Рўмолчадан йўқ эди асар.

Шоҳ чорлади Узунқулоқни,

Етиб келди шу зум жодугар.

Шоҳ унга ҳам боқди тутоқиб,

Шум кампирга ўшқирди яниб:

– Юрибсанми бундан улоқиб,

Борган эдинг, рўмолча қани?!

Изламаган ҳеч ер қолмади

Ё терингга тиқайми сомон!

– Қалқонқўлда...



– Нега олмадинг?!
Ким келтирар?! Ишларинг – ёмон!
Париларинг нонкўр, сен ҳам,
Оқламадинг берган тузимни.
– Хизматингда турибман ҳар дам,
Қаратмагин ерга юзимни.
Тутқазмабман яна қўлингга,
Олмабди-да парилар, шоҳим.
Майли, мени буюр ўлимга,
Бор менинг ҳам бунда гуноҳим.
– Мен тегиндим, не бўлди зоҳир –
Оймомифим яна бўлди тош...
– Энди, шоҳим, бу савдо оғир,
Қалқонқўлга тилаймиз бардош.
– Қайтолмайди дединг-ку, ўзинг,
Ўлган зотни қандай янгилар?
– Ўлишига етмайди қўзим,
Уммон шоҳ ҳам ундан енгилар.
У ўлмайди. Топмай бир амал –
Ўлдиришга уринмоқ бекор.
Уни ёрдан бездириб, аввал,
Муҳаббатин ўлдирмоқ даркор.
Шундагина ўлдириш мумкин,
Мақсадга ҳам мумкин эришмоқ.
Бўлган билан Уммон шоҳ тамкин,
Қоронғудир унга бу жумбоқ.
Балки чиндан Қалқонқўл бир кун
Олиб келар ойнаи жаҳон.
Умид ипин ташлайлик узун,
Йўл пойлашдан йўқ ўзга имкон.
Кетди шоҳга важларни санаб
Ва қаҳрига бироз сув сепиб.
Узунқулоқ кўп ўтмай яна,
Қайтиб кирди янги гап топиб:
– Тоқقا чиқиб солгандим қулок,

Бирдан кетди қалбим гупуриб.
 Бир сас келди – жуда ҳам узок,
 Таниб қолдим Ёлдор дупурин.
 Демак, тирик! Ҳа, Қалқонқұл бор!
 Унинг йўлин тураман пойлаб.
 Тилсим қилиб, йўл топиб бирор,
 Келтираман олдингга бойлаб.
 Узункулоқ жўнади хушҳол,
 Шоҳ ҳам қолди қувончга тўлиб.
 Йўл олишди қасрдан дарҳол,
 Бир қарғаю кўп капитар бўлиб.
 Не хаёллар кезиб ўйида,
 Келди ботир дардин унутиб.
 Бизга таниш булоқ бўйида
 Таниш қизлар олишди кутиб.
 Қалқонқўлнинг қувончи чексиз,
 Ёр талаби бўлди мустажоб.
 Йўлларига чиқиб шунча қиз,
 Унга тутиб турибди шароб.
 Бир коса сув тутиб биттаси,
 Деди: – Сизга шароми ё сув?
 Сув ичдию қисди нафаси,
 Қалқонқўлнинг ичи этди шув.
 Қўлтиғига қисди бир пари,
 Кучи етмай титради дир-дир.
 Ўз аслига қайтишиб бари,
 Қаҳ-қаҳ урди жодугар кампир:
 – Куч бермасдинг шерсифат мудом,
 Шер қавмисан энди чиндан ҳам.
 Кампир сеҳри ўзин этиб ром,
 Тутди унга кўзгусин шу дам.
 Йигит боқди: кўзгудан қараб,
 Тураг эди мошранг бир мушук.
 – Ювиндини юрасан ялаб,
 Қувар энди ҳар кўрган кучук.



Бездиради муҳаббат заҳми,
Юз бурасан ёрингдан бу гал.
Келиб унга Ойпарнинг раҳми,
Бўшатганди қўлтиғин сал-пал,
Мушук сапчиб қочди шу замон,
Қувди додлаб ортидан Ойпар.
Бари пари қайтишди ҳайрон,
Тутқич бермай “Мош” кетди бадар.
Мулзам қайтди жодугар кампир,
“Мош” югурап чўлма-чўл ҳамон.
Шоҳ олдида ётар мунтазир,
Ойномиққа ойнаи жаҳон.
Ойномиқнинг рўмолчаси ҳам
Кетган эди “Мош”да бедарак.
Ойномиқнинг олдига бу дам
Кира олмай Осмон шоҳ ҳалак.

ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

1

Жарлик демай, демай ўру қир,
Чопар куйиб мушукнинг ичи.
Холдан тойиб йиқилди охир,
Турмоқликка қолмади кучи.

Йүқотса ҳам бор куч-қувватин,
Ишқдан безиб букмади у қад.
Құшиқ қилиб ишқ-муҳаббатин,
Сўради у қўшиқдан мадад:

“Сени қўриб тушимда,
Айрилганман хушимдан.
Ишқинг сенинг куйдирап,
Ўтлар ёқиб тўшимда.

Оймомигим, оймисан,
Нури ойдан боймисан?
Ой тунлари чўмилган,
Қўшиқ оққан соймисан?

Рўмолчангнинг бўёғи –
Ҳижрон эзган ишқ доғи.
Юрагимда ҳилпирап
Бўлиб севги байроғи.

Икки йўлим пуч келди,
Жодугарга дуч келди.
Аммо сени ўйласам,
Селдай тошиб куч келди.



Оймомиғим, ой ўзинг,
Қўшиқ тўла сой ўзинг.
Кўрсат яна мурувват,
Мурувватга бой ўзинг".

Ён беткайда бир ўтинчи чол,
Сотиш учун чопарди шувоқ.
Олиб келди қайдандир шамол,
Ўтли қўшиқ жарангин шу чоғ.
Назар солди атрофга,
Бехос
Тушиб қолди мушукка кўзи.
Аввал этди қуёнга қиёс,
Келиб кўрса, мушукнинг ўзи.
Мушук чолга салом берган дам,
Чол тахтадай қотиб қолди жим.
– Кўрқманг, – деди, – мен асли одам,
Қилиб қўйди жодугар тилсим.
– Ўтин сотиб тебратаман кун,
Бошқа ҳеч иш келмас қўлимдан.
Бўлмаса ҳам гар ноним бутун,
Майли, боқай, чикдинг йўлимдан.
– Йўқ, овора бўлманг, бобожон.
Мени элтиб бозорга сотинг.
– Мушукни ким олар, болажон,
Ёшинг неча, нимадир отинг?
– Сочқи сочиб Чамбил қуёши,
Қалқонқўл деб берган менга ном.
Ўн еттидир севгининг ёши,
Бу ёш мени тарқ этмас мудом.
Бобо, менга кўпдир харидор,
Сотманг, берса минг тиллодан кам.
Аммо шуни унутманг зинҳор,
Танлай билинг харидорни ҳам.
Топиб фақат энг бой савдогар,
Кулоғига шундай денг: – Тақсир,



Йўлда ўтса умрингиз магар,
 Уйингизда бўлса бирон сир,
 Хотинингиз уйғотса гумон,
 Шу мушукни олингиз боқиб.
 У сақлади уйингиз омон,
 Ҳар бир сирдан этади воқиф.
 Иккиланса ишонмай агар,
 Ўргатганман тилга деб айтинг.
 Минг тиллодан кам берса магар,
 Ортингизга индамай қайтинг.
 Чол қувончи пўртана отиб,
 Йўлга тушди одимлар ҳапқат.
 Бойир энди мушукни сотиб,
 Тангри унга кўрсатди шафқат.
 Етиб бориб бозорга дарҳол,
 Югуртириди ҳар томон назар:
 Молин сотиб, олиб янги мол,
 Юрар эди ҳар хил савдогар.
 Бир қарорга келолмай аввал,
 Юрaverди айланиб чол ҳам.
 Бозор айни қизиган маҳал,
 Келиб қолди отда бир одам.
 Ҳамма унга бўшатарди йўл,
 Кўрсатарди барча эҳтиром.
 Ҳатто кўплар қовуштириб қўл,
 Соясиға берарди салом.
 Чол тўхтатиб биттасин секин,
 Келган киши кимлигин сўрди.
 Чолга деди: – Савдогар, лекин,
 У шоҳлардай мартаба кўрди.
 Жаҳон Йўлчи дейишар уни,
 Шоҳлар билан қиласар у савдо.
 – Кўлдан қўйманг, бобожон, шуни... –
 Мушук аста чиқарди садо.
 Жаҳон Йўлчи отини бурди,
 Аспи жаллоб бозори томон.

Чол ортидан етиб улгурди,
От жиловин тутди шу замон:
– Қулоқ туting сўзимга, тақсир,
Йўлда ўтса умрингиз магар,
Уйингизда бўлса бирон сир
Ё чалғитса сизни фирибгар,
Хотинингиз уйғотса гумон,
Шу мушукни олингиз боқиб.
У сақлайди уйингиз омон,
Ҳар бир сирдан этади воқиф.
Жаҳон Йўлчи қараса, бир чол,
Мушук ушлаб турар қўлида.
Ётар эди келтириб малол
Кўп шубҳалар унинг кўнглида.
Чол сўзидан у бўлиб ҳайрон,
Қизиқсиниб мушукка боқди.
Шубҳалари кўтариб туғён,
Юрагига тағин ўт ёқди:
– Дейишарди ит этар вафо,
Ҳамма мушук бўлади шумшук.
Жаҳон кезиб билмабман аммо,
Сирдан воқиф этишин мушук.
Сирлар дилда яширин, ахир,
Мушук қандай киради дилга?
– Иложисизdir тилга кўчмай сир,
Ўргатганман мен уни тилга.
Айтар ким ёв, кимлар дўстлигин,
Ҳамма гапни олар у илғаб.
Ўтинчи чол сўзи ростлигин
Тасдиқлади мушук бош ирғаб.
Савдогар бой кўзлари ўйнаб,
Боқди тағин мушукка ҳайрон.
Сўнг у чолни юрмайин қийнаб,
Минг тиллони узатди шу он.
Мушук билан хайрлашиб чол,
Уйга қайтди бўлиб бир дунё.

Савдогар ҳам йўл олди алҳол,
 Оlam сирин қўлтиқлаб гўё.
 Савдогарнинг пинжида борар
 Йигит ўқиб жодуга лаънат.
 Ёрин қўмсаб, ишқа ёлборар,
 Севги эса истар матонат.
 “Мош” эзилар ўйлаб отини,
 Оҳ, тилсимдан қандай кутулар.
 Киритарми бойнинг хотини,
 Олдда ҳали нелар кутилар.

2

Катта ҳовли, данғиллама уй,
 Қозиқларда кишинар биялар.
 Маърашади сигир, эчки, қўй,
 Янтоқ ковшаб юрар туялар.
 Девдек қуллар молларга ҳар кун
 Ем-сув бериб, тагини курагар.
 Оқсоқ қизлар – ҳаммаси дуркун,
 Сувлар сепиб, ҳовли супурагар.
 Уй бекаси – гўзал Ҳулкарой
 Кун ўтказар сурмалар суриб.
 Бозор қайтиш товуш берди бой
 Дарвозани қаттиқроқ уриб.
 – Ким бор уйда, дарвозани оч!
 Бўлди букун бозорим мақбул.
 Очди улкан дарвоза қулоч,
 Кутиб олди уни икки қул.
 Бой шапатилаб отнинг ёлига,
 Кирди оғзи қулоққа етиб.
 Ҳулкар чиқди истиқболига
 Бир-бир босиб, таманно этиб.
 Жаҳон Йўлчи сездирмай дарров
 Шивирлади мушукка секин:
 – Гап илғашинг билмасин бирор,
 Уй сеники, юравер эркин.



Гажак қилиб думини мушук,
Сакраб тушди, боқди ҳар тараф.
Занжирини тортқилаб кучук,
Ғапшиб ҳурди мушукка қараб.
Уй бекаси анча шум эди,
Синааб деди: – Йўқотинг уни,
Бир камимиз энди шумиди?
– Сичқонларнинг қурийди куни,
Сенга нима оғирлиги бор?
У ҳеч кимга бермайди зиён.
– Уйни титиб қиласи безор,
Еёлмаймиз энди ҳалол нон.
– Ўргатилган, эси кўп мушук,
Уйингни ҳам қилмайди ифлос.
Ҳар нарсага суқмайди тумшук,
Қилиқлари одамларга хос.
Кириб-чиқса тунлари агар,
Керак эмас дақки ҳам бермак.
Қўлга олиб мушукни Ҳулкар,
Деди: – Демак, менга у эрмак.
Худди шундай, тўрам, доимо
Бозорингиз ўнгидан келсин.
Бия ҳали туғмади аммо,
Толеимиз бу сафар кулсин.
Кўнгли ўсиб бека сўзидан,
Жаҳон Йўлчи боқди миннатдор.
Недир англаб мушук кўзидан,
Ҳулкар ерга қўйди беозор.
Бой Оқбия олдига бориб,
Зеҳн солиб, назар ташлади.
Келса ҳамки бозордан ҳориб,
Ем-сув берди, сағрин қашлади.
Мушук юрди бойнинг қошида,
У ҳам боқди бияга синчков.
Туғён кезар бедов қонида,
Қани туғса Ёлдордай бедов.

Аммо унинг ҳар йил қулуни,
 Йўқоларди қулунлаган чоғ.
 Пойланарди ой етган куни,
 Ушлолмасди ўғрини бироқ.
 Яна икки ҳафтадан бүён
 Кўриқларди тун бўйи қуллар.
 Қулунини қутқармоқ гумон,
 Ким билади қачон қулунлар.
 Мушук сезди: кундузи ётиб,
 Юрди тунда айланиб бутун.
 Уй эгасин аста уйғотиб,
 Ушлаб берди ўғрини шу тун.
 Еяр экан ҳар йил ялмоғиз,
 У ярим тун недир тутатиб,
 Кириб келди шарпасиз, беиз,
 Барча қулни қўйди ухлатиб.
 Сўнг ялмоғиз топиб пана жой,
 Қулунлашин турганда кутиб,
 Аста бориб мушук билан бой,
 Ўлдиришди “ўғри”ни тутиб.
 Асраб қолиб қулунни шу тун,
 Қулларга бой берди кўп дашном.
 Тулпор эди туғилган қулун,
 Оқтулпор деб берди унга ном.
 Эртасига элётар чоғи,
 Фош этилди яна бир гумон:
 Мушук Жаҳон Йўлчини тағин
 Бошлаб келди отхона томон.
 Босган изи мутлақ билинмай,
 Отхонага кирди бой пусиб.
 Бир барзанги ўпарди тинмай
 Оқсоқ қизни пичангга босиб.
 Ҳайдаб чиқди қизни яланғоч,
 Қуллар ичра сазойи этди.
 Бекитса ҳам юзларини соч,
 Титрагр эди ҳаёдан эти.



Кўргилиги қизнинг кўп экан,
Қувди уйдан бермай бир тийин.
Барзангини қўллади бека,
Чўпонликка этилди тайин.
Қизни ўйлаб мушук эгди бош,
Шундан кейин тунлар ўтди жим.
Аммо мушук этганини фош,
Бойдан бўлак билмади ҳеч ким.
Мушугидан бой эди хурсанд,
Сездирмади хотинига ҳам.
Бир куни у карвони билан,
Узоқ юртга кетди хотиржам.
Мушук қолди ҳар дарди ичда,
Айтотмади бойга ботиниб.
Ўзи билан уни ҳар кечда
Олиб ётди бойнинг хотини.
Ёр васлига тушида етар,
Бош остида Ҳулкарнинг тўши.
Уйқулари бўлиниб кетар,
Хаёлида янграйди қўшиқ:

“Рўмолчангнинг бўёғи –
Ҳижрон эзган ишқ доғи.
Юрагимда ҳилпирап
Бўлиб севги байроғи.

Муҳаббатим, муҳаббат,
Ўзинг менга куч-қувват.
Ойномиғим, бир кўрай,
Кўрсат менга мурувват”.

3

Кунлар ўтар сой каби оқиб,
Мушук дардин кетар янгилағ.
Бойни кутар йўлларга боқиб,
Топиб келар балки янги гап.

Уй бекаси ўзгариб ранги,
 Кўз узмасди далаю қирдан.
 Бир кечаси ўша барзанги
 Пайдо бўлди ҳовлида бирдан.
 Хулкар унга осилиб шу пайт
 Эркаланди, ўпкараб деди:
 – Номардгинам, қани, ўзинг айт,
 Оқсоч мендан ортиқми эди?!
 Қизғанмайман мен бой отадан,
 Сен шуни ҳам юзимга солдинг.
 Рашк қилмассан энди бутадан,
 Ёлғиз ўзим даштларда қолдим.
 – Бўлмас экан бегуноҳ одам,
 Майли, кечдим, қилмагил таъна,
 Кўрмадими ҳеч ким? Менга ҳам,
 Оқсоч куни туғмасин яна.
 – Боғдан кирдим, сезмади ҳеч ким,
 Лек мушук ҳам кирди хонага.
 Шитирлатмай, тисарилиб жим,
 Мушук ўзин олдипанага.
 Уй бекасин олиб дастига,
 Тўшак сари элтди барзанги.
 Кирган маҳал кўрпа остига,
 Қолди улар тўсатдан гангиб.
 Ҳужум қилди тўсатдан мушук,
 Тимдалади барзанги юзин.
 Юзин ёпди йигит тушиб мук,
 Хулкар тамом йўқотди ўзин.
 Барзангининг ҳоли эди танг,
 Мук тушса ҳам уни барибир.
 Юмдаларди мушук солиб чанг,
 Қочиб қолди барзанги охир.
 Хулкар титраб, сўнг мушук сари
 Қўрқа-пуса ташлади назар.
 Мушук юзин бурди тескари,
 Гўё қилди Хулкардан ҳазар.



Одамдек у бошин чайқади,
Нафратланиб титради дир-дир.
Хулкар билди, энди пайқади.
Борлигини мушукда бир сир.
Деди: – Кўзинг одамга ўхшар,
Одам бўлсанг, сен мени кечир.
Хизматингда бўлай то маҳшар,
Ўртамиизда қолсин ҳамма сир.
Эрим иши ўзингга аён,
Олти ойлаб кетар бедарак.
Ўйнаш топар борса у қаён,
Унга керак – менга ҳам керак.
Тилга кирди мушук ростлаб бош:
– Севган киши қилар қаноат,
Берар йиллаб ҳижронга бардош.
Ишқда эрур барча синоат,
Ўртамиизда қолсин десанг сир,
Дардим айтма ҳатто шамолга.
Билсанг, мен ҳам одамман ахир,
Тушиб қолдим ишқ деб шу ҳолга.
– Менинг аслим парилар зоти,
Париларда бўлмас севги, ғам.
Ишқ дастидан ўзгариб отим,
Одам бўлиб қолганман мен ҳам.
Дейишарди исмимни Ойпар,
Девларга ҳам етарди кучим.
Каптар бўлиб, истасам агар,
Аждар тоғда юрардим учеб.
Осмон шоҳнинг қасрига бир кун,
Олиб келди Хулкар деган қиз.
Ой – юзига ботарди мафтун,
Нур тиларди кўзидан юлдуз.
Чўлпон деган суқсурдай йигит
Келиб қолди қизни сўроқлаб.
Қиз ҳам ундан қиларди умид,
Йиғлар эди юрагин доғлаб.



Севиб қолдим мен уни кўриб,
 Ёниб севдим одамлар мисол.
 Бир кун Хулкар тусига кириб
 Йигит билан айладим висол.
 Хабар топиб жодугар шу зум,
 Осмон шоҳни этибди огоҳ.
 Париликдан бутунлай маҳрум,
 Қилиб қўйди мени Осмон шоҳ.
 Жодугарга қилдирди тилсим:
 Барзангига айланди Чўлпон.
 Қўйди менга Хулкар деб исм,
 Ойпар бўлди Хулкар шу замон.
 Жодугарга қул тушдик ночор,
 Бозор элтди солиб кўп ситам.
 Келдик Жаҳон Йўлчига дучор,
 Сотиб олди иккимизни ҳам.
 Жаҳон Йўлчи уйланди менга,
 Барзангини меҳнатга солди.
 Айтсан битмас тарихим сенга,
 Ишқ менинг ҳам хушимни олди...
 – Айирибман иккингиз, билмай,
 Демак, мендан ўтибди гуноҳ.
 Дардим тўқай мен ҳам яширмай,
 Ёrim олиб кетган Осмон шоҳ.

Бошдан ўтган савдонинг барин,
 Хулкарга у айтди бирма-бир.
 Тўкиб солди барча дардларин,
 Юрагида қолмади ҳеч сир.
 Сўрди сўнгра: – Бўлиб паризод,
 Аждар тоғда юрган экансан.
 Қандай бўлар тилсимдан озод.
 – Аждар тоғда дев кезар тўп-тўп,
 Тоғни талқон қилар бари ҳам.
 Девлар жони, жодугар жони
 Вужудидан ташқари яшар.



Шу боисдан йўқдир имкони,
Ўлдиришга уларни башар.
Сени тилсим қилган жодугар
Узунқулоқ бўлмоғи даркор.
Ўлдиролсанг сен уни агар,
Асқар тоғда Ойнабулоқ бор:
Ойнабулоқ сувидан ичиб,
Ювансанг гар тонготар пайти,
Тилсим шу зум кетади ўчиб,
Ўз аслингга келасан қайтиб.
Жон бермагай жодугар осон,
Икки жонга эга у вужуд:
Қишлиар шоҳи қарғада бир жон,
Шоҳ тилида бир жони мавжуд.
Демак, уни ўлдирмоқ учун,
Шоҳ тилин ҳам суғурмоқ даркор.
Шоҳга сенинг етарми кучинг,
Бирмас, унинг учта жони бор.
Шул сабаб йўқ енгиш имкони,
Осмон шоҳни ололмас башар.
Билиб қўйки, шоҳнинг бир жони,
Узунқулоқ сочида яшар.
Бир жони – гул,
Топмоқ кўп мушкул,
У гул унар тоғнинг музида.
Икки жонин йўқотсанг буткул,
Битта жони қолар ўзида.
– Кўрар эдим баҳтимни синаб,
Бўлса эди тагимда Ёлдор.
– Кўрмадингми диркиллаб-ўйнаб,
Соат сайин ўсар Оқтулпор.
“Мош” югурди отхона томон,
Чиндан унда ўйнар Оқтулпор.
Отни кўриб бўлди у ҳайрон,
Кўлтиғида қаноти ҳам бор.
Келмаса ҳам майли энди бой,

Йўл пойламас кўзи тиниб у.
 Эгар уриб берди Хулкарой,
 Учиб кетди отга миниб у.
 Кишнаб қолди ортда оқ бия,
 Оқ йўл тилаб Хулкарой қолди.
 Қишилар юрти қайдасан дея,
 Отда мушук йўл танобин олди.

4

Ҳаммаёқ қор. Ҳаммаёқ оппоқ,
 Ништарларин санчар изғирин.
 Кўз очирмас ништарлар мутлак,
 Зўрға очар мушук кўз қирин.
 Оппоқ қиров босиб ёлини,
 Учар эди Оқтулпор ҳануз.
 Шохларидан музлар солиниб,
 Қархисидан чиқди ўрмон-муз.
 Шилдиради дараҳтлар шохи,
 Шохлар аро кўринди қаср.
 Унда эди қарғалар шоҳи,
 Совуқ унга қилмасди таъсир.
 Кириб кетди мушук пилдираб,
 Қайтиб чиқди оғзида қарға.
 Қарғаларнинг шоҳин ўлдириб,
 Чиқиб олди ўрмондан зўрға.
 Изғириналар отди ништарин,
 Қувди унинг ортидан бўрон.
 Мушук ортда қолдириб барин,
 Отин бурди Аждар тоғ томон.
 Аждар тоққа келдию етиб,
 Чўққи сари ўрлади дарҳол.
 Чўққини ҳам мушук забт этиб,
 Гул излади музликдан алҳол.
 Оёқ босиб бўлмайди: муздай,
 Излаб чиқди музликни буткул.
 Ногоҳ топди: худди юлдуздай



Порлар эди муз аро бир гул.
Улкан музни қўпориб аранг,
Юлиб олди гулни шу заҳот.
Қўнғироқдай бериб бир жаранг,
Эриб кетди – тарқ этди ҳаёт.
Тоғда мушук қолдириб отин,
Қаср томон чопди ҳансираб.
Четлаб девлар, парилар зотин,
Хосхонага кирди ҳавфсираб.
Эвоҳ, кўрди: ётар Оймомиқ,
Хосхонага тараб сутдек нур.
Тош қотса ҳам чеҳраси ёниқ,
Кўзда ёши қотиб қолган дур.
Мушук унинг юзини ислаб,
Тош қотганин маънисин топди.
Рўмолчанинг ёзувин эслаб,
Олиб уни юзига ёпди.
Лекин ўзи панада туриб,
Осмон шоҳдан кутди бир хабар.
Қиз уйғонди бир акса уриб,
Кириб келди шу чоғда Ойпар.
Хайрон бўлиб иккаласи ҳам,
Кўришдилар бир-бири билан.
Кўриб қолиб Оймомиқ шу дам
Рўмолчасин кўтарди ердан:
– Пайдо бўлди қайдан рўмолчам,
Ким келтириб юзимга ёпди?
– Хабарсизман бундан мен ҳеч ҳам.
– Юзим ёнар, ёримми ўпди?
– Қайдам, лекин шоҳимиз касал,
У кирмади хонангга бугун.
Йўқса, кириб ҳар кун бир маҳал,
Тош жуссангга боқарди беун.
Чорлаганди, бермади хабар:
Бемор эмиш Узунқулоқ ҳам.

Чиқмоқ бўлди хонадан Ойпар:

- Шоҳ дардига берарсан малҳам.
- Йўқ, чақирма, ўлгани маъқул,
Кўргунимча бўлай қайтиб тош.
- Ётасанми тош бўлиб нуқул,
Ундан кўра сен ҳам қўтар бош.
Кўрқма, сени қўймас ўлдириб,
Фақат ишқдан без деб қистайди.
- Париликни қабул қилдириб,
Сендан ўғил қўрмак истайди.
- Бахтни кўқдан юрмагин кутиб,
Ёринг роса тортди фироқни.
- Муғомбирлик йўлинин тутиб,
Ўлдиртиргин Узунқулоқни.
- Сен ётганда тошга айланиб,
Ёринг келиб девларни йиқди.
- Тилсимга у қолди бойланиб,
Узунқулоқ йўлинин қирқди.
- Майли, унда шоҳингни чақир,
Узунқулоқ жонини сўрай.
- Мушук эса, билдирмасдан сир,
Ён бурчакда турди бўлиб шай.
- Чопиб бориб шу заҳот Ойпар
Осмон шоҳдан олди суюнчи.
- Малол келди шоҳга бу сафар,
Аммо унинг йўқолди тинчи.
- Ойпар суяб, зўр-базўр юриб,
Шоҳ инқиллаб кирди ичкари.
- Оймомиқнинг турганин қўриб,
Аригандек бўлди дардлари.
- Оймомиқ ҳам кулди ғашланиб,
Ёр ҳижрони ўртар дилини.
- Ногаҳонда мушук ташланиб,
Юлиб қочди шоҳнинг тилини.
- Таниб қолди мушукни Ойпар,
Шоҳ йиқилди ғулдираб шу он.



Мушук кетди ушлатмасдан бар,
Туш қўргандек Оймомиқ ҳайрон.
Англаб етиб Оймомиқ шу дам
Кучга кирди йигитлар мисол.
Париларга бермади у дам,
Шоҳни олиб чиқишиди дарҳол.
Девларни ҳам этди сафарбар,
Жодугардан борми деб садо.
Девлар унга келтириди хабар,
Узунқулоқ қилганин қазо.
Осмон шоҳни бу хабар эзди,
Ҳолсизланиб ортди ташвиши.
Ойпар билан Оймомиқ сезди:
Булар бари “мушук”нинг иши.
Мушук эса, от турган тоққа
Қўзни очиб-юмгунча етди.
Асқар тоққа, Ойнабулоққа
Оқтулпорни учириб кетди.

5

Эгар узра мушук тирмashiб,
Тулпор ёлин босар қулоққа.
Чўллар ошиб, тоғлардан ошиб,
Етиб борди Ойнабулоққа.
Сувдан ичиб, айни тонг-саҳар
Ювган эди булоққа юзин,
Мушукликдан қолмади асар,
Сувда кўрди Қалқонқўл ўзин.
Куч қўшилиб унинг кучига,
Томир бўйлаб югурди ҳузур.
Севинчлари сиғмай ичига,
Булоққа у айтди ташаккур.
Булоқ деди: – Келдингми, болам,
Ишқ ўтида чекиб кўп азоб.
Эсингдами, сенга аввал ҳам
Бормагин деб этгандим итоб.



Йигит деди: – Она булоғим,
 Енгар бир кун ғамни муҳаббат.
 Ишқ йўлида чеккан фироғим,
 Бахт келтирас охир-оқибат.
 Булоқ деди: – Қолдинг ўлимдан,
 Ахир камми сен кўрган жабр?
 Айтганимдек энди йўлингда,
 Кутиб турар сени минг қабр.
 Йигит деди: – Майли, қазса чоҳ,
 Яна тортгум йўлнинг танобин.
 То тирикман, ишқ менга ҳамроҳ,
 Тан олмайман ҳижрон азобин.
 Булоқ деди: – Сен сийнамга бок,
 Сенинг йўлинг пойлар Қиличдор.
 Аждар тоғни кўрсатди булоқ:
 Бир дев турар қўш қиличи бор.
 Бунақасин кўрмаса ҳам у
 Эзган янглиғ босди оёғин.
 Сувдан ичиб – олиб малҳам у,
 Йўлга тушди Қалқонқўл тағин.
 Чиндан унга минг қабр қазиб,
 Пойлар эди йўлин қиличдор.
 Кимдир шоҳга заҳм етказиб,
 Кетганидан эди хабардор.
 Юрарди у шоҳдан яширин,
 Оймомиқни кўзига босиб.
 Душман ўлса, аён шоҳ сири:
 Этар унга Оймомиқ насиб.
 Жодугарнинг қилганин қазо
 Кўрган эди уйига бориб.
 Ул томондан келди бир садо,
 Чангид қолди йўллар оқариб.
 Узунқулоқ сочин ғижимлаб,
 Келар эди Қалқонқўл ботир.
 Девни кўриб, тулпор гижинглаб,
 Тисарилди олиб хавотир.

Отин ниқтаб Қалқонқўл аммо,
 Тап тортмасдан келди бостириб.
 Ярқ этгандай чақмоқдан само,
 Дев қиличин тутди даст туриб.
 Иккаласи олишди узоқ,
 Кўш қиличин сермар Қиличдор.
 Мушт туширап Қалқонқўл, бироқ
 Мушти девга қилмас эди кор.
 Эслаб қолди Қалқонқўл тўсат:
 Девлар жони – вужуддан ташда.
 Келиб тегди қилич шу фурсат,
 Қулаб тушди Қалқонқўл тошга.
 Иргиб туриб курашди яна,
 Мушти билан тўсди дев йўлин.
 Йигит ҳориб бўшашди яна,
 Кесиб тушди қилич бир қўлин.
 Яқинлашса девни у тепиб,
 Мушт туширди бир қўли билан.
 Кўзларига дев тупроқ сепиб,
 Кўш қиличин сермади бирдан.
 Пилдироқдай чирпираб осмон,
 Сўнг Қалқонқўл йиқилди беҳуш.
 Сезган янглиғ берганини жон,
 Оқтулпори пишқирди нохуш.
 Қалқонқўлнинг чиқса ҳам жони,
 Сакраб тушди жасади яна.
 Қиличдорнинг ошиб фифони,
 Қиличлади, бўлинди тана.
 Девнинг бўлган ҳар бир парчаси
 Кўлчаларга айланиб кетди.
 Ҳужум қилиб девга барчаси,
 Қиличдорни кўп афгор этди.
 Ҳар қўлчанинг гўё кўзи бор,
 Чанг соларди девни чамалаб.
 Минг бўлакка бўлиб Қиличдор,
 Минг қабрга кўмди амаллаб.

Униб чиқди мингта қабрдан
 Мингдан зиёд қонга ботган қўл.
 Чўзилишиб ҳаммаси бирдан,
 Қиличдорга бермас эди йўл.
 Зўрға ажраб, йўллар бўлиб қон,
 Қиличдор дев кўздан йўқолди.
 Ёрни чорлаб, қасрга томон,
 Қўллар бари чўзилиб қолди:

“Сени кўриб тушимда,
 Айрилганман хушимдан.
 Ишқинг мени куйдирди,
 Ўтлар ёқиб тўшимда.

Келди сендан совғалар,
 Солди ҳижрон ғавғолар.
 Жаҳон кездим сўроқлаб,
 Тушди бошга савдолар.

Топдим излаб изингни,
 Бир бор ўпдим юзингни.
 Аммо етиб васлингга,
 Кучолмадим ўзингни.

Ўмганимдан ўмилдим,
 Минг қабрга кўмилдим.
 Қиличлади Қиличдор,
 Ўз қонимга чўмилдим.

Менман қирмиз лолалар,
 Қора доғи – нолалар.
 Шабнам қўрсанг, билгил у
 Кўздан оққан жолалар”.

БЕШИНЧИ ҚЎШИҚ

1

Осмон шоҳнинг аҳволи оғир,
Жодугарга очди у аза.
Бор вужуди зирқираб оғрир,
Кирган девни қувди дарғазаб.
Ҳайдаб солди париларни ҳам,
Оймомиқни чақириб олди.
Кўзларига кўчиб дард-алам,
Неларнидир ғулдириб қолди.
Қиз англади: шоҳда кўп сир бор.
Дудуқланиб очди шоҳ дилин:
– Тилсиз шоҳнинг шоҳлиги бекор,
Тилдан қолдим, энди сен тилим.
Кетди чоғи девлардан путур,
Бири менга қилди суиқасд.
Бўлмас эди дев қалби букур,
Билолмадим қай дев – таги паст.
Ахир менда бор эди уч жон,
Кўринмасди ҳеч бири кўзга.
Тополмасди жоним ҳеч инсон,
Парилардан, девлардан ўзга.
Қилич дордан қиласман гумон,
Бўлиб турган унга кўз-қулоқ.
Уч жонимдан қолди битта жон,
Кирмоқ бўлса, хабар эт шу чоғ.
Энди юртни тергаймиз икков,
Сен номимдан берасан фармон.
Фавқулодда жоним олса ёв,
Яна қайта бахш этасан жон.
– Икки жондан бўлибсиз маҳрум,
Олса агар учинчисини ҳам,
Девлар менга қилмасми зуғум,



Қайдан сизга топаман малҳам.
 – Тилсимқудуқ калити менда,
 Осмон юртин удир имони:
 У калитга күзи тушганда,
 Ҳеч бир девнинг қолмайди жони.
 Аждар тоғда руҳлар ғори бор,
 Очилмагай минг ёлвор, тилан.
 Тоғ ёрилиб йўл беради ғор,
 Тилсимқудуқ калити билан.
 Агар кирсанг, ғорнинг ичида
 Паррандаю дарранда кўпдир.
 Не қуш кўрсанг дараҳт учидা,
 У қуш сенинг жонингга жуфтдир.
 Барча руҳлар маконидир ғор,
 Кудуққа ҳам ғор ўзи посбон.
 У кудуқда ҳаёт суви бор,
 Ато этар ўлганга ҳам жон.
 Мен кўрсатган йўлу йўриққа
 Амал қилгин, ёвликка йўйма.
 Лекин асло тилсимқудуққа
 Калитингни тушириб қўйма.
 Агар тушса, портлар Аждар тоғ,
 Руҳ ғоридан қолмайди асар.
 Дев-парилар тополмас паноҳ,
 Барча сеҳру тилсимлар тугар.
 Зерикарли кечади ҳаёт,
 Мамлакатни босиб олар ёв.
 Ҳозир менинг икки руҳим ёт,
 Руҳлар фақат берилар бирров.
 Нечун сенга айтдим ишониб,
 Боисини ўзинг биласан:
 Девлар мендан кетишди тониб,
 Неки десам, шуни қиласан.
 – Калит қайда? Кўрсатинг-чи, бир,



Қизиқ экан бундаги олам.

– У калитнинг турар жойи сир,
Кўравермас уни ҳар ким ҳам.

– Ундей бўлса ўлсангиз агар,
Қайдан сизга топаман даво.

– Менинг шартим аввал сен бажар,
Сенинг шартинг этганман адо.

Келтирирдим ойнаи жаҳон,
Не истасанг, бажардим барин.

Муҳаббатдан кеч энди, жонон,
Шу бугундан бўл менинг парим.

– Майли, ваъда берайин, шоҳим,
Келган бўлса ойнаи жаҳон.

Кечинг фақат менинг гуноҳим,
Йиғиб олинг бироз куч-дармон.

Олиб келсам ҳаёт сувидан,
Балки тезроқ кучга инарсиз.

Курашайин қайси дев билан,
Бирон сирсиз, бирон ҳунарсиз.

Бериб қўйинг калитни менга,
Қиличдор ҳам бермасин хатар.

Бўлсак тахтга иккимиз эга,
Ҳар қандай ёв инига йитар.

Дардингизни қувайлик аввал,
Шартингизга сўнг бўлай рози.

Ойномиқдан шод бўлиб бу гал,
Дадил чиқди шоҳнинг овози.

Порлаб унинг кўзида умид,
Титраб зўрға ўрнидан турди.

Ойномиқقا бериб бир калит,
Доимий берк хонага юрди.

Дур қадалган биллурий қандил,
Хона ичра сочар минг хил нур.

Кўзни олар улкан бир сандик,



Ичи тўла жавоҳир ва дур.
 Сандиқ ичра сандиқ чиқди бир,
 Ўйнаб кетди Осмон шоҳ кўзи:
 – Шу сандиқда, – деди, – барча сир,
 Калит сенда очақол ўзинг.
 Калит солиб дарҳол Оймомиқ
 Шошди воқиф бўлмоққа сирдан.
 Бирпас турди жаранглаб сандиқ,
 Сўнг шарақлаб очилди бирдан.
 Қондек қирмиз кимхоб устида
 Порлар эди ажиб бир калит.
 Товланарди кимхоб остида
 Тағин қанча дуру марварид.
 Ўз жойига калитни қўйиб,
 Тахтга қайтиб келишди икков.
 Тутқич бермас Оймомиқ ўйи,
 Ёнар эди бир ўтда лов-лов.
 Ёр дарагин билсайди тезроқ,
 Қайдা юрса ботир Қалқонқўл.
 Ҳозир унинг қўли узунроқ,
 Билса унга чўзар эди қўл.
 Нечун яна қилмайди хужум
 Ё юрибдими тилсимда ҳамон.
 Келиб қолди Қиличдор шу зум,
 Дарвозани қоқди у чаққон.
 Тили бўлиб шоҳнинг Оймомиқ:
 – Турсин, – деди, – тишда у кутиб.
 Билмоқ учун қудратин аниқ,
 Чиқди қўлга калитин тутиб.
 Оймомиқни кўриб Қиличдор,
 Ақлу хушин йўқотди буткул.
 Зўрға деди: – Шоҳга арзим бор,
 Айтгин, мени қабул қилсин ул.
 Калитини деди сермаклаб:

– Энди қулсан сен Оймомиқقا!
Дев ортига кетди эмаклаб,
Нуқта бўлиб сингди уфқقا.
Калитини этиб имтиҳон,
Хосхонага кирди Оймомиқ.
Ухломади дил ўртаб ҳижрон,
Қулоғига чалинди қўшиқ:

“Қирмиз лола – қўлимдир,
Қора доғи – йўлимдир.
Йўл топмаса садоқат,
Муҳаббатга ўлимдир”.

2

Тонг ёришди. Қон билан ювди
Куёшини лолазор уфқ.
Субҳи сабо уйқусин қувди,
Кўзин аста очди Оймомиқ.
Керишаркан кўзин уқалаб,
Ёдга тушди ойнаи жаҳон.
Бир иштиёқ дилга ўт қалаб,
Излаб қолди кўзгуни шу он.
Топиб олиб шоҳ айтган ердан,
Очиб бокди – ғаройиб кўзгу.
Денгиз янглиғ шовуллаб бирдан.
Одам мисол тилга кирди у:
– Дерлар мени ойнаи жаҳон,
Яралганман Оймомиқ учун.
Бутун борлиқ бағримда ниҳон,
Ниҳон эрур кечмиш ва бугун.
Хизматингга ҳозирман мудом,
Кўксим очиқ сен истаган пайт.
Шоҳми, гадо – кечмишин тамом
Кўрсатурман, керак кишинг айт.

- Қалқонқұлим кечмишин күрсат,
 Менинг ёлғиз керагим ўша.
 Қалқонқұлим қайда бу фурсат,
 Күрсат, менинг юрагим ўша!
 - Қалқонқұлми? У – буюк фахр!
 Үндай мардни күрмаган ҳаёт!
 Тубсиз Уммон остидан ахир,
 Удир мени олиб келган зот...
 Жонлантирай кечмишин бутун,
 Ботирлигин ўзинг күриб бил.
 Күрсатаман тасвириң беун,
 Тугагунча сен ҳам тоқат қил.
 Жимирлашиб ойнанинг юзи,
 Пайдо бўлди Қалқонқўл отда.
 Чақнаб кетди Оймомиқ кўзи
 Илк бор кўриб ёрин ҳаётда.
 Қалқонқўлни қийнаган тақдир
 Ўтди бир-бир бамисли рапид*...
 Аён бўлди қизга барча сир,
 Бироқ сўнди ундаги умид.
 Ахир, ана, ойна юзида
 Қиличдордан енгилган тасвир.
 Армон кезар ботир кўзида:
 Мушти девга қилмади таъсир.
 Қалқонқўлнинг мадори қуриб,
 Отдан ерга йиқилди ночор.
 Қиличини кетма-кет уриб,
 Қиймалади уни Қиличдор.
 Шунда ҳам у чекмади нола,
 Мингта қўлга айланиб кетди.
 Минг қабрдан унди минг лола,
 Ишқ даштини лолазор этди.
 Қонли қўлдек қирмиз лолалар
 Қаср томон чўзилиб чорлар.



Инграб ётар сўнгсиз далалар,
Куёш ишқдай кўк узра порлар.
Куёшни ҳам ботирар қонга,
Лолазордек қон сочган уфқ.
Лолазордан қаср томонга
Оқиб ётар туғёнкор қўшиқ:

“Ўмганимдан ўмилдим,
Минг қабрга кўмилдим.
Қисматимда бор экан,
Ўз қонимга чўмилдим.

Аммо таслим бўлмасман,
Ишқим баҳор – сўлмасман.
Ёр васлига етмасдан,
Ўлолмасман, ўлмасман...”

Ойна юзин қоплаб лолазор,
Денгиз янглиғ чайқалиб турди.
Йигит шунча чекканда озор,
Не учун у курашмай юрди?!
Қиз кўнглини бу жонли тасвир
Ҳайрон этди ҳам этди вайрон.
Мумкинмикин топиб бир тадбир,
Лолазорга бахш этмоқлик жон?
Қизни эзиб қўрғошин савол,
Хижрон ўти юрагин ёқди.
Ёр васлига тополмай аъмол,
Қайта-қайта тасвирга боқди.
Ва сўради: – Ойнаи жаҳон,
Тириларми Қалқонқўл қайта,
Ёр васлига борми ҳеч имкон?
Агар бўлса, ким уни айтар?

– Бор нарсани этаман тасвир,
 Ўтмиш менга эмас муаммо.
 Аён этгум рўй берса не сир,
 Айтолмасман эртани аммо.
 Гўё мушук қолгандек кириб,
 Таталарди ичини ўкинч.
 Лолазорни келмаса кўриб,
 Безовта қалб туролмасди тинч.
 Йўл бошлади лолазор қирга,
 Оймомиқнинг дилин ўртаб ғам.
 Ҳамроҳ бўлиб у билан бирга,
 Лолазорга борди Ойпар ҳам.
 Кезди икков, сезгандек гўё,
 Яшнаб кетди лолалар юзи.
 Лолаларда рўй берди рўё:
 Ўпиб, исқаб Оймомиқ изин,
 Жонли қўлдек чўзилиб, аниқ
 Сийпаб қолди оёғин, барин.
 Қай томонга юрса Оймомиқ,
 Талпинарди шу тараф бари.
 Яқинига боргани билан,
 Интилмасди Ойпарга бироқ.
 Бармоқ тишлаб Ойпар ҳайратдан,
 Оймомиққа кўрсатди шу чоғ:
 – Лолаларга қаранг, маликам,
 Одам каби боқар сиз томон.
 У хўрсинди: – Қани, чинакам,
 Бўлиб қолса бари бир инсон.
 Сўнг у силаб лолани аста,
 Дилдан ёниб тўқди томчи ёш:
 Мехри эди унга пайваста –
 Мехр бўлиб порлади қуёш.
 Кўзёш томган лоладан бехос
 Янграб кетди ажиб бир қўшиқ.



Гүё лола ёниб куйлар, рост,
Оймомиқнинг исмини қўшиб:

“Оймомиғим, оймисан,
Нури ойдан боймисан?
Ой тунлари чўмилган,
Қўшиқ тўла соймисан?

Рўмолчангнинг бўёғи –
Ҳижрон эзган ишқ доғи.
Юрагимда ҳилпирав
Бўлиб севги байроғи.

Сенсан ёлғиз тилагим,
Қонга ботган билагим.
Ол лолалар қўлимдир,
Кафтигма тўқ юрагинг...”

Юксак тоғлар, кенг далаларни
Ўтли қўшиқ жаранги тутди.
Бир-бир ўпиб қиз лолаларни,
Мехрин тўкди, юрагин сўтди.
Бу қўшиқдан ҳатто Оқтулпор
Етиб келди шу заҳот кишнаб.
Кўздан ёши оқиб шашқатор,
Етиб келди Ёлдор ҳам пишнаб.
Отлар чўқди лолазорда тиз,
Кўзларидан кўчди чақмоқлар.
Икки отга минди икки қиз,
Йўл соғинган отлар ўйноқлар.
Улар қайтди: Ойпар кўп ҳайрон –
Ортиб борар дилда саволи.
Оймомиқнинг юраги вайрон –
Лолазорда қолди хаёли.

Лолазорга бориб ҳар сафар,
 Нола қилиб Оймомиқ чўқди.
 Ҳар кун қолиб чошгоҳга қадар,
 Лолаларга қалбини тўқди.
 Мехрин тўқса чиқарди униб
 Оқ толалар лола кафтида.
 Йиғарди қиз меҳрини суниб,
 Тола сехрин сезди афтидан.
 Қайтар эди мунгга тўлиб дил,
 Адо этмас шоҳнинг фармонин.
 Ойпар билан бириткириб тил,
 Олмоқ бўлди Осмон шоҳ жонин.
 Аста кирди икков ярим тун,
 Хуррак отиб ётар ўрнида.
 Нафас бирла шоҳ жони қузғун
 Кириб-чиқар эди бурнидан.
 Улар тутиб қузғунни маҳкам,
 Бермадилар киришга имкон.
 Бир тўлғониб Осмон шоҳ шу дам,
 Кўз очолмай таслим этди жон.
 Ҳамма пари юлиб қолди соч,
 Билмас шоҳга ким қазганин чоҳ.
 Куч – калитда: девлар ноилож,
 Оймомиқни кўтаришди шоҳ.
 У буюрди: – Қайда, не хатар,
 Билиб келинг турмасдан қараб!
 Келтиргали юртлардан хабар,
 Дев-парилар кетди ҳар тараф.
 Лолазорга боришни бироқ,
 Ўзи ҳар тонг қилмасди канда.
 Лолаларнинг кафтидан оппоқ
 Толаларни терар борганда.
 Буқун тағин териб олди у,



Дарди ошди кун ўтган сайин.
Оқ толалар юмшоқ ва майин,
Имкон излаб ўйга толди у.
Отарми деб муҳаббат тонги,
Кеча-кундуз тинчи йўқолди.
Ногоҳ унинг ёришиб онги,
Тилсимқудуқ калитин олди.
Топиб бориб руҳлар ғорини,
Калитини тутди таваккал.
Англагандай қизнинг зорини,
Тоғ ёрилиб кетди шу маҳал.
Ичкарига кирди у караҳт,
Қўзин очди бироз йиғиб ҳуш:
Қархисида тиллабарг дараҳт,
Энг учидаги пат тарап оққуш.
Тилсимқудуқ сувидан олиб,
Оққуш бўлиб учди уй томон.
Синааб кўрди озроқ сув солиб,
Толаларга кирди гўё жон.
Сувнинг барин қуиди қувониб,
Бир каромат рўй берди шу зум:
Қархисида ёри жонланиб,
Тураг эди этиб табассум.
Ёрилгудек бўлиб юраги,
Босди ёрин юзига юзин.
Сўзлолмаслар, жилмаяр, кулар –
Бир-бирида ўзларин топиб.
Қирқ кечаю қирқ кундуз улар,
Хосхонани олдилар ёпиб.
Билдирмасдан қасрнинг “сирин”
Юртни Ойпар бошқарди бутун.
Севишганлар уйқуси ширин –
Туришдилар қирқ биринчи кун.
Ер юзини айланиб шу вақт,



Дев-парилар келишди қайтиб.
 Күрди бари: Оймомиқ хушвақт,
 Унутилган азалик пайти...
 Сезишдилар: недир берган рўй.
 Бири деди: – Одам иси бор.
 Ойпар деди: – Нодон, гапинг қўй,
 Шоҳимиз ким? Бунча фаҳминг тор?!
 Девлар бири боқди анграйиб,
 Миқ этмади ҳеч бири бироқ.
 Оймомиқ ҳам ғазабин тийиб,
 Чопарларни қилди сўнг сўроқ:
 – Қани, айтинг, ўқрайтиrmай кўз,
 Қаер вайрон, қаерлар обод?!
 Машриқ кетган девлар олиб сўз,
 Сафаридан берди ҳисобот:
 – Эли тарқоқ, аҳволи ночор,
 Ҳали-бери кўтаролмас бош.
 Улар қорни тўйған кун – бозор,
 Кўчаларда сасиб ётар лош.
 Елкасига минганни – сизлар,
 Муштлаганни катта деб атар.
 Шунча кезиб сезмадик бизлар,
 Машриқда йўқ бирон бир хатар.
 Бир бурда нон – уларнинг аҳди,
 Қуллар бору йўқ унда инсон.
 Бу ҳам бўлса биз – девлар баҳти,
 Хоҳлаганча сурамиз даврон.
 – Мағриб сари борганлар айтинг,
 Қандай яшар у ёқда одам?
 – Билдик, шоҳим, саёҳат пайти:
 Чин инсонлар мағрибда ҳам кам.
 Одам эмас, машриқда агар,
 Яшар бўлса асосан қуллар.
 Мағриб ёқда тулкилар яшар,



Улар ортдан ўз дўстин пуллар.
Истаган кез бостириб бориб,
Талаш мумкин молу мулкини.
Керак бўлса, қувмасмиз ҳориб,
Тутиб берар тулки тулкини.
Йўқдир бизга кўзин тиккан жон,
Хуллас, шоҳим, бўлинг хотиржам.
– Биз боргандик жанубга томон,
Эллар муте.
– Хавфсиз шимол ҳам.
Учратмадик бирон жасур кўз,
Улар бўйнин букиб қўйган қор.
– Чамбил борган париларга сўз,
Унда қандай янгиликлар бор?
– Чамбилда ҳам қолмабди одам,
Айланибди шайтонга бари.
Эркак тугул қизларида ҳам,
Номус-орнинг йўқдир асари.
Алпомишлар замони ўтган,
Сизсиз сўнгги Барчиннинг зоти.
Бир ботир йўқ жиловни тутган,
Йўл чангитмас Гўрўғли оти.
Ҳозир унда кўрсатиб кучин,
Йиқилганни тепиб қолишар.
Болалари онаси учун,
Отасидан пора олишар.
Бўлмас аммо айбдорни ушлаб,
Юришади минг тусга кириб.
Кутиб олиб ҳатто хуш-хушлаб,
Ажалга ҳам беришар фириб.
Тингловчи йўқ Чамбилнинг оҳин,
Сиз у ердан олманг хавотир.
Осмон ости сизники, шоҳим,
Ҳали ундан чиқмас баҳодир.

Қарс очилиб шу дамда эшик,
 Қалқонқўлнинг келди товуши –
 Уй тебранди бамисли бешик,
 Учди деву парилар ҳуши.
 – Ким у, – деди, Чамбил юртидан
 Энди ботир чиқмайди деган?!
 Ким у халқни сотиб ортидан,
 Ботирларин бошини еган?!
 Илон кўрган чумчуқдайчувлаб,
 Қочиб қолди парилар шу зум.
 Девларни ҳам юборди қувлаб,
 Энди улар ўтказмас зуғум.
 Лек жойидан кўчди қоя-тош,
 Кўчган тошни тўхтатмоқ маҳол.
 Маликаой қотиради бош,
 Билди – энди девлари дажжол.
 Девлар билан туриб тонг-саҳар,
 Жанг қилмоққа Қалқонқўл мустар.
 Ойномиқни чорларди сафар –
 Чамбил сари йўл олмоқ истар.
 Иккисида икки хил орзу,
 Тутқазмасди ўйлар барини.
 Майин силаб ярим тун уйқу,
 Қовуштириди киприкларини.
 Тонгда девлар бошлади ҳужум,
 Тош зарбидан тебранди қаср.
 Сачраб турди Қалқонқўл шу зум,
 Ойномиғи ғафлатга асир:
 Ётар эди маст уйқуда у,
 Чамбил юртин тушида кўриб.
 Турса, тушиб девларга кутқу,
 Қочар эди калитин кўриб.
 Аяб уни Қалқонқўл бироқ,
 Уйқусига бермади халал.



Муштдан ўзга йўқ унда яроқ,
Отга миниб учди у жадал.
Бориб дарҳол кириши жангга,
Девлар аввал унга берди дош.
Осмон ости қоришиб чангга,
Зув-зув учди ҳар томондан тош.
Курашарди Қалқонқўл ҳориб,
Девнинг кўпи ажралди кўздан.
Шоҳ қасрига Қиличдор бориб,
Дарвозани урди туйқусдан.
Бироқ тўсди парилар олдин,
Йўл бермади очишга Ойпар.
Кирса, олиб шоҳлик калитин,
Берар эди Қиличдор хатар.
Оймомиқ ҳам турди уйқудан,
Калитини олди шу заҳот.
Қалқонқўлни топмай паркудан,
Қалби унсиз кўтарди фарёд.
Кўкка ўрлаб оҳининг дуди,
Кўзёш тўқди тўшакка қараб.
Ўтдай ёниб бутун вужуди,
Тилсимликка уйғонди ғазаб.
Ташга чиқди Оймомиқ малак,
Парилари изғишиб елди.
Қиличдордан беришиди дарак,
Хўл ўтиндай у тутаб келди.
Дарвозани очиб, калитин
Тўғрилади Қиличдор томон.
Қиличдор дев тўсганча бетин
Фойиб бўлди кўздан шу замон.
Суриштирди ёрин Оймомиқ,
Ҳеч паридан чиқмади садо.
Жавоб берди жаранглаб сандик:
Қиз истагин этмоқчи адо.

Тилсим қудуқ калитин олиб,
 Оқкуш бўлиб қиз учиб кетди.
 Йўл-йўлакай ўйичувалиб,
 Аждар тоқقا бир зумда етди.
 Жанггоҳ эди бутун тоғу қир,
 Кўқдан кафтдай турар қўриниб.
 Кўп девларнинг кўзлари сўқир,
 Тошлиар аро юрар суриниб.
 Қалқонқўлга тушганда кўзи,
 Оқкуш қоқди қалқиниб қанот.
 Ботирининг ёлғиз бир ўзи
 Девлар аро сурар эди от.
 Уч-тўрт бора айланди Оқкуш,
 Йигит узра тилаб куч-мадад.
 У тинмасдан туширади мушт,
 Девлар кўзин мўлжаллаб фақат.
 Девлар қочди Оқкушни кўриб,
 Ботир боқиб ҳайратда қолди.
 Ёр олдига юрмади кўниб,
 Мағриб сари Оқкуш йўл олди.
 Форга бориб қўнди сўнг Оқкуш,
 Бир юмалаб аслига кирди.
 Кўраётган каби гўё туш,
 Сархушланиб ғор томон юрди.
 Тилсимқудуқ калитин тутди,
 Тоғ шарақлаб берди унга йўл.
 Кўз олдидан девлари ўтди,
 Ҳаммасига силкиди у қўл.
 Теккан эди жонига тилсим,
 Кечди сулув парилардан ҳам.
 Сехру жоду дастидан ҳеч ким,
 Чекмаса дер энди сира ғам.
 Аммо унинг паришон ўйи,
 Ачинарди тилсимқудуқча.

Ичди жонбахш сувидан тўйиб,
 Наҳот, уни чиқарса йўққа.
 Ҳа, у кўлга калитин олиб,
 Кўзи қиймай қудуққа отди.
 Қудуқ ичи бир ларза солиб,
 Паст овозда булкиллаб ётди.
 Сўнгра бирдан гумбурлади тоғ,
 Тугаб битди тилсимли дунё.
 Дев-парилар йўқолди шу чоғ,
 Бўлиб қолди бариси ҳулё...

5

Боши узра учиб ўтган қуш,
 Қалқонқўлни қолдирди ҳайрон.
 Аланглади кўтарганча мушт,
 Қолмаганди девлардан нишон.
 Девлар қайга боғлади қанот?
 Қасрга у от сурди чўчиб.
 Бехос портлаб Аждар тоғ, ҳайҳот:
 Йиқилди у отидан учиб.
 Оти исказ,
 Бир ҳазин кишинаб,
 Бўйнин чўзиб чўқди шикаста.
 У отининг ёлидан ушлаб,
 Миниб олди эгарга аста.
 Кирган чоғи қасрга, тагин,
 Уни ваҳм айлади асир:
 Паризодлар олмас эди тин,
 Ҳувилларди кимсасиз қаср.
 Пайдо бўлди қайдандир Ҳулкар,
 Бош қотирди яна бир жумбок.
 Қиз кўзида йўқ эди хатар,
 Порлар эди мисли қўш чироқ.

– Қаранг, оға, қандай осуда,
 Йүлиқдими дейманда Хизир.
 Юрар эдим Ойпар тусида,
 Ўз аслимга қайтдим мен ҳозир.
 Бу даргоҳда тугади тилсим,
 Йитиб кетди девлару пари.
 Қайда қолди Оймомиқ синглим,
 Унинг иши, чамамда, бари.

– Ҳа-ҳа, сизни танидим, Ҳулкар.
 Елган эдим ёримни кўзлаб.

– Бўлиб Оққуш: қаноти укпар,
 Кетган эди у сизни излаб.
 Йигит қайтди ортига шу дам,
 Ўқдай учди Ёлдор ёйиб ёл.
 Оқтулпорга миниб Ҳулкар ҳам,
 Кувиб кетди ортидан дарҳол.
 Излай-излай улар айни шом,
 Оймомиққа келишдилар дуч.
 Ҳорган эди Қалқонқўл тамом,
 Ёрин кўриб кирди бирдан куч.
 Ҳатто қайтди ортига қуёш,
 Қайта бошдан бошланди кундуз.
 Тўқди улар қувончдан кўзёш,
 Юзларидек яшнар дала-туз.
 Таниёлмай Ҳулкарни фақат,
 Боқар эди Оймомиқ ҳайрон.
 Ҳулкар кўзи тиланиб шафқат,
 Сўзлаб берди ўтмишин бийрон.
 Оймомиқ ҳам отга мингашди,
 Лолазорга боришли улар.
 Таниб бўлмас лолазор даштин,
 Юлдуз янглиғ чараклаб кулар.
 Оймомиқ дер: – Қалқоним менинг,



Келганман мен бу ерга кўп бор.
Эслай олсанг қўлларинг сенинг,
Унган эди бўлиб лолазор.
Қара, бегим, лола шоналаб,
Чаноқ тўла оппоқ толалар.
Лола эмас, ғўза де, ғўза,
Унган унда сен чеккан зорлар.
– Унган ғўза? Мунча у гўзал,
Кафтларида севгимиз порлар!
Қиз қалбида бир меҳр қўзиб,
Кўзи унинг кўзёшга бўқди:
– Чорладинг сен қўлларинг чўзиб,
Кафтларингга қалбимни тўқдим.
– Ҳа, силадинг қўлим-лолани,
Севгинг менга жон берган эди... –
Йигит териб оппоқ толани:
– Бу оқ тола қалбингиз, – деди, –
Чаноқларда қатланган қат-қат,
Ишқ дардида қон бўлган жигар.
Хароб эрур Ишқни Садоқат,
Асролмаса шу тарзда агар.
– Севгимизни этдинг сен ялов,
Ишқ юлдузи кафtingда ёниқ.
Хулкар билан Қалқонқўл икков,
Оқ толани аташди момиқ.
Момиқ ичра уруғи ҳам бор,
Демак, унар экса гар уни.
Кўтарилди диллардан ғубор,
Чеҳраларда порлар баҳт куни.
Оймомиқнинг номини бериб,
Момиқларни қолдирсин нечун?
Битта қўймай кетишиди териб,
Чамбил сари жўнаркан шу кун.

Аждар тоғдан ўтганда ошиб,
 Күринди бир сайёхми, чўпон.
 Келиб қолди от суриб, шошиб,
 Хулкарини қидириб Чўлпон.
 Бўлибди ул тилсимдан озод,
 Ишқ ўтида ёнибди тағин.
 Хулкар уни қаршилади шод,
 Соғинч очди қайноқ қучоғин.
 Этишганди улар аҳд-паймон,
 Жоду йиллар – ўртада соқов.
 Қалқонқўлга қўл берди Чўлпон,
 Ака-ука тутинди икков
 Ва тўртови қилишди қарор,
 Кувмоқликка Чамбилдан ёвни.
 Олсин дея ишимиз барор,
 Улар силтаб тортди жиловни.
 Кетди отлар юлдуздай учиб,
 Дупурлардан сўйсинди Чамбил.
 Кўзлар дийдор майидан ичиб,
 Юрт меҳридан товланарди дил.
 Хабар топиб улардан душман,
 Йўлларига ташлади лашкар,
 Йўлларига чиқиб ёсуман,
 Тутди оғу қўшилган соғар.
 Беролмади барибир фириб,
 Ўз кўзёши соғарни ювди.
 Икки ботир душманни қириб,
 Битта қўймай Чамбилдан қувди.
 Ким дўст – топди Чамбилдан паноҳ,
 Кай кас душман – еди таъзирин...
 Қалқонқўлни қўтаришди шоҳ,
 Бўлди Чўлпон унинг вазири.
 Юртни чорлаб Қалқонқўл, Чўлпон,



Тўй беришди қирқ кеча-кундуз.
Дарёлардан олинди тўғон,
Ҳаёт бобо кезди дала-туз.
Илк бор юртда эктириб момиқ,
Улар юртнинг номусин ёпди.
Қўмаклашди Ҳулкар, Оймомиқ,
Чамбил яна баҳтини топди.
Яна довруғ қозонди Чамбил,
Қайтиб келди тағин хур ҳаёт.
Энди халқи тишлаб турмас тил,
Дея олар ёв босса: “Мамот!”

ХОТИМА

Шу-шу, турмуш ўтибди ширин,
Ҳамма ҳайрон оппоқ момиқقا.
Аммо момиқ – пахтанинг сирин,
Ҳулкар айтиб юрар қудуққа.
Донин экса, ундан бир баҳор,
Ғўза униб, ишқ урибди бонг.
Куз чоғи сир бўлибди ошкор –
Оймомифин куйлабди ҳар тонг...

МУНДАРИЖА

СҮЗ БЕРИНГ МЕНГА

Лабимдаги қүшиқ	4
Кечирмасман	5
Баҳор севгиси	6
Умр йўлдошимга	7
Қайтиш	8
Пора	9
Надир	10
Кўнгил мулки	11
Хаёл ва рўёб.....	11
Чегарачи ўйлари	12
Сўз беринг менга	13
Роз	15
Нота дафтари	18
Соянгман	19
Кулол меҳри	19
Ер ва дехқон	19
Тўртлик	20
Улуғ юпанч	20
Тонгни кутиб	21
Ялтирас ҳавас	22
Шувутлик	23
Белбоғ	25
Покиза ошнам	26
Ёлғончи кунлар	27
Ватандан айирди	28
Мақолга қўшимча	29
Тинчланди рух.....	29
Бахшидадир сенга юрагим	30
Ҳумо қўнди	31
Келажак	32

ЗАНГ
ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАЛАР

Шоирлар “Тирик балиқлар” дўконида	34
Ароқ ҳақида ким қандай ёзар эди	38
Ота ва гўдакларнинг айтишувлари	48

ҲАЖВИЙ ШЕЪРЛАР

Ҳасадгўй	54
Кўзбойлоғич, саҳнани бўшат	56
Тил найзаси	57
Миш-мишчилар	57
Юмалоқ хатлар	60

ЭПИГРАММАЛАР

Ювилган виждон	62
Тиканлар ҳам	62
Занг	63
Жумбок	63
Балиқлар	63
Бақалар	64
Туҳфатнинг ҳуштаги	64
Антиқалик	65
Тамоқхўр тамоғининг сўнгги тилаги	65
Сўз аравакаши	66
Танишув	66
Сукут аломати	66
Отасининг боласи	67
На ҳожат	67
Шоқосимнинг “бедана”си	67
Кашанда	67
Писмиқ	68
Кўприк ва кўпик	68
Хўп-хўпчи шарҳи	68
Манман ҳаваскор даъвоси	68
Балчик	69



МАСАЛЛАР

Айиқ тиргаги	70
Тулки омборчи	70
Дайди кучук	71
А? Ҳа!	71

МАНГУ ЁДГОРЛИК

БАЛЛАДАЛАР

Тонг соғинчи (Сонетлар гултожи)	73
Шоир	81
Мангу ёдгорлик	85
Занжирбанд бургут	90
Гүзаллик қисмати	100
Құллашган құллар	116
Құлтиқтаёқ рақси	129
У	134
Орол. Орол – ярадор юрак	137
Үйилган күз.....	138
Дарёлардан маҳрум орол.....	141
Она сутидаги доғ.....	142
Орол – үзимиз.....	143
Шоир умри	145
Шоир эди катта ўғил	149
Лорелея ва Лайли	152
Бир уй эшиги ҳақида уч баллада	157
Уруш ва тинчлик	159

ДОСТОНЛАР

Үй муборак	165
Молухулё.....	188
Оймомиқ ва Қалқонқўл.....	225

Адабий-бадиий нашр

ЭРГАШ МУҲАММАД
АТОРУҲ,

ЯРАДОР ЮРАК

Шеърлар, манзумалар, достонлар

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*
Бадиий муҳаррир *Шамсиддин Ходжаев*
Мусаҳҳих *Дилфузা Маҳмудова*
Саҳифаловчи *Азамат Қаюмов*

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ADABIYOT NASHRIYOTI»

Нашриёт лицензияси: № AA 0043. 27.01.2021

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.
e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишига 2021 йил 18 августда рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.
Шартли босма табоби 13,44. Нашриёт босма табоби 16.
Адади 1000 нусха.

“MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI” МЧЖ
матбаа бўлимида чоп этилди.

"ADABIYOT"

NASHRIYOTI

ISBN 978-9943-6781-6-3



9 789943 678163